

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**КАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

**«Бухгалтерия Хисоби ва аудит»
кафедраси**

«Бошқарув таҳлили» фанидан

**МАЪРУЗАЛАР
МАТНИ**

Тузувчи:

доц. **Г.Жумаева**

Такризчилар:

КМИИ иктисод факультети
декани, проф. **Р.Эргашев**

карши шаҳар хокими муовини,
иктисод фанлари номзоди,
С.Сагатов

Маърузалар матнлари туплами «Иктисодиёт» факультети «Бухгалтерия хисоби ва аудит» таълим йуналишидаги бакалаврлар учун мулжалланган булиб, унда ушбу фан буйича таълим стандартлари ва намунавий дастурда кузда тугилган барча маърузаларнинг асосий мазмуни ёритилган.

"Бухгалтерия хисоби ва аудит" кафедраси мажлисида маърузалар матни туплами (баён № __ «__» _____ 2004 йил) «Иктисодиёт» факультети Услубий комиссиясида (баён № __ «__» _____ 2004 йил) ва институти Услубий кенгашида (баён № __ «__» _____ 2004 йил) куриб чикилган ва укув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган.

КИСКАЧА БАЁН

«Бошқарув тахлили» фани йуналиш фанлари блокига тегишли булиб, ушбу фандан маърузалар матни тайёрланди.

Ушбу маъруза матни "Бухгалтерия хисоби ва аудит" йуналиши талабаларига мулжалланган булиб, талабаларга корхоналар хужалик фаолиятини тахлил қилишни ургатади. Шунингдек, турли хил мулкчилик шаклидаги корхоналар фаолиятини ички тахлил қилиш йуллари ва услубиятини бошқарув тахлили фанининг асосий мақсад ва вазифаларини, бошқарув ечимларини иктисодий тасдиқланишини, ишлаб чиқариш натижаларини баҳолашни, ноишлаб чиқариш харажатларини олдини олишни, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ички имкониятларини аниқлаш ва махсулот сифатини ошириш каби масалаларни ургатади ва тахлил қилади.

Ушбу маърузалар матнида давлат таълим стандарти ва намунавий дастурда қўзда тутилган барча мавзуларнинг асосий мазмуни ёритилган.

АННОТАЦИЯ

Сборник лекция предназначен для студентов направления "Бухгалтерский учёт и аудит" и содержит анализ деятельности организации. В сборнике приводится анализу организации различной форм собственности, приводится цели и методу управления, оценка результатов производства, предотвращение непроизводственных затрат, выявление внутренних возможностей эффективность производства и улучшения качество продукции.

В данном сборнике учтены вся требования государственного стандарта образования и типовой программу.

ANNOTATION

This collection of lectures, being intended for students in the direction of "Accounting and audit", deals with analysing farm activity of enterprises. In addition it deals with and analyses matters such as ways and methods of internal analysing the enterprises activity in the form of various ownerships (properties), main aims and functions of Management. Analysing subject, economic confirming of management solutions, estimating the production results, preventing from unproduction expenses, determining internal possibilities of productivity in manufacturing and increasing the quality, of products.

In the collection of lectures, there is described in the main ideas of all subjects, aimed in the standard program and standards of state Education.

Бошқарув тахлили фанидан маъруза соатларининг таксимланиши

№	Маъруза мавзуларининг номи	Соатлар
1.	Бошқарув тахлили фанининг мақсади ва вазифалари	4
2.	Маҳсулот (иш хизмат)ларга булган талаб ва таклифнинг тахлили	2
3.	Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг тахлили	4
4.	Корхонанинг асосий фондлар билан таъминланиши ва ундан фойдаланиш тахлили	6
5.	Моддий ресурслар таъминоти ва улардан самарали фойдаланиш тахлили	2
6.	Меҳнат кучлари билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланишнинг тахлили	2
7.	Меҳнат ҳаққи фонди ва ундан фойдаланиш тахлили	2
8.	Меҳнат унумдорлиги тахлили	2
9.	Ишлаб чиқариш харажатлари тахлили	2
10.	Маҳсулот таннархи тахлилининг роли ва вазифалари	2
11.	Муомала харажатлари таркиби тахлили	2
12.	Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти тахлили	2
13.	Корхонанинг инвестицион фаолияти тахлили	4
	Ж А М И	36

С У З Б О Ш И

Бозор иктисодиёти шароитида корхона фирма ва жисмоний шахслар узининг хужалик ва молиявий фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳисоб сиёсатини жорий қилаётганда ушбу субъектнинг иктисодий ва молиявий фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиши талаб қилинади.

Чунки субъектлар ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш ва ракобатбардошлигини мустаҳкамлаш учун амал қилинаётган қонунларни чуқур урганган ҳолда узининг фаолиятини ҳамда бозор талабини таҳлил қилиши, унинг келажакдаги равангини урганиши заруриятга айланади.

Бугунги кунда халқаро ҳисоб андозалари асосида тузилган миллий ҳисоб тизимида ҳисоб ва таҳлилни икки йуналишда юритиш назарда тутилган.

Бунда айниқса, бошқарув таҳлили ва молиявий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши алоҳида аҳамиятга эга. Иктисодий адабиётларда бошқарув таҳлили ички таҳлил бўлиб, иктисодий таҳлилнинг биринчи босқичи ҳисобланади.

Бошқарув таҳлили бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш юзасидан ресурслардан самарали фойдаланиш, ички имкониятларни аниқлаш ва маъқул бошқарув қарорларини қабул қилиш масалаларини уз ичига олади. Унда қорхонанинг ишлаб чиқариш тижорат фаолияти юзасидан бизнес режа топшириқларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳолати, мавжуд имкониятлари ва уларни мақсадли бошқаришдаги муҳим йуналишлари урганилади.

Шу сабабли «Бошқарув таҳлили» фани кун тартибидаги долзарб фан бўлиб, маърузалар матни тайёрланди.

Ушбу маъруза матни "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йуналиши талабаларига мулжалланган бўлиб, талабаларга қорхоналар хужалик фаолиятини таҳлил қилишни ургатади. Шунингдек, турли хил мулкчилик шаклидаги қорхоналар фаолиятини ички таҳлил қилиш йуллари ва услубиятини бошқарув таҳлили фанининг асосий мақсад ва вазифаларини, бошқарув ечимларини иктисодий тасдиқланишини, ишлаб чиқариш натижаларини баҳолашни, ноишлаб чиқариш харажатларини олдини олишни, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ички имкониятларини аниқлаш ва маҳсулот сифатини ошириш каби масалаларни ургатади ва таҳлил қилади.

Ушбу маърузалар матнида давлат таълим стандарти ва намунавий дастурда қўзда тутилган барча мавзуларнинг асосий мазмуни ёритилган.

1-Мавзу: Бошқарув тахлили фанининг максоди ва вазифалари **4 соат**

- 1.1. *Бошқарув тахлили фанининг шаклланиш зарурати.*
- 1.2. *Фаннинг максод ва вазифалари.*
- 1.3. *Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.*
- 1.4. *Тахлил манбалари ва тахлил режаси*
- 1.5. *Фанни урганиш усуллари.*
- 1.6. *Статистик гуруҳлаш усули ва уни тахлилда қўллаш.*
- 1.7. *Айирмалар ва корреляция усулининг вазифалари.*
- 1.8. *Тахлилда чизикли режасиштириш, жадваллар тузиш ва чизма тасвирлар усулидан фойдаланиш.*

Адабиётлар: 4, 7, 11, 13, 20

Таянч иборалар: *иктисодий тахлил, ишлаб чиқариш самарадорлиги, бошқарув тахлили, молиявий тахлил, ҳисобот, тахлил субъекти, тахлил объекти, таккослаш, статистик гуруҳлаш, айирмалар, корреляция, чизикли режасиштириш, аналитик жадваллар тузиш усуллари.*

1.1. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иш сифатини яхшилаш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, фан негизидан фойдаланиш даражасини мукаммалаштириш, меҳнат унумдорлигини устириш, халқ фаровонлигини юксалтиришни мулжаллаб иқтисодий тежашни кучайтириш каби вазифаларни хал қилиш керак. Максодга эришиш учун ҳар бир корхона узининг табиий ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий қонунларнинг барча талаблари, бажарилишини ҳужалиқни рентабелли қилиб олиб бориш йулларини аниқлаб беришини назорат қилиб туришлари зарур. Шу ишларни ўйгунлаштиришда тахлил муҳим аҳамиятга эга.


Иқтисодий тахлилнинг асосий мазмуни иқтисодий қонунлардан фойдаланиб, корхона ҳужалиқ фаолиятида, унинг булимларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш, улардан унумли фойдаланиш йулларини белгилашдир.

Иқтисодий тахлил халқ ҳужалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини излаб топиш ва улардан фойдаланиш имконини беради. Раҳбар ходимлар етакчи иш юритувчилар ва мутахассислар тахлил қилишни чуқур урганишлари натижасида ўзларининг ишларидаги камчиликларни аниқлашга

фойдаланилмаётган имкониятларни тезроқ топиб, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш имкониятига эга буладилар.

Иктисодий таҳлил фани хужалик фаолиятида буладиган узгаришларнинг сабабларини билиб олишни, ишлаб чиқаришда орттирилган тажрибаларни урганишни ва назарий билимларни амалий иш билан солиштириб, фойдаланилмаётган ички имкониятларни кидириб топиш йулларини ургатади.

Бугунги кунда халқаро ҳисоб андазалари асосида миллий ҳисоблар тизими яратилган бўлиб, бу тизимга кура ҳисоб ва таҳлилни икки йуналишда юритиш кузда тутилган. Шунга кура, "бошқарув ҳисоби ва таҳлили" ҳамда "молиявий ҳисоб ва таҳлили" фан сифатида уқитилмоқда. Иктисодий адабиётларда бошқарув таҳлилинини ички молиявий таҳлилнинг эса ташқи таҳлил деб таърифланган. Шунга мос ҳолда қуйидаги чизмада хужалик фаолияти таҳлилининг таркибий тузилмаси келтирилган.



1.1.-чизма. Бозор иктисодиёти шароитида хужалик фаолияти таҳлилининг таркибий қисмлари

1.2. Бошқарув таҳлили бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш юзасидан ресурслардан самарали фойдаланишнинг ички имкониятларини аниқлашнинг муҳим масалаларини уз ичига олади. Унда корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти юзасидан бизнес режа топшириқларининг бажарилиши ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳолати, имкониятлари ва уларни мақсадли бошқаришдаги муҳим йуналишлари белгиланади.

Бошқарув тахлили субъекти сифатида фақат шу корхонанинг ходимлари, шунингдек, мустақил жалб килинган аудиторлар ва маслаҳатчилар булиши мумкин. Унинг маълумот манбаи ташки истеъмолчилар учун сир сакланади ва бу конун билан химояланади. Бошқарув тахлилининг асосий вазифаси корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятида сарфларни тугри ва мақсадли бошқаришга қаратилганлигини аниқлашдан иборат.

Бошқарув тахлилининг асосий мазмуни иқтисодий конунлардан фойдаланган ҳолда ҳужаликларда, унинг тармоклари ҳамда таркибий бўлимларида самарадорликни ошириш мақсадида имкониятларни ахтариб топиш ва улардан самарали фойдаланиш йулларини аниқлашдир.

Табиат ва жамиятдаги ходисалар сингари иқтисодий ходисаларнинг ҳам таркибий қисмларини урганмай туриб, яъни таҳлил қилмай туриб, уларни илмий жихатдан билиб бўлмайди. «Таҳлил» ибораси грекча «анализ» сузидан олинган бўлиб, бу булакларга булиш ёки ажратиш, таҳлил қилиш каби маъноларни англатади. Яъни булиш, ажратиш асосида курсаткичларни такқослаш ва урганиш демакдир.

Бошқарув тахлилининг асосий вазифаси ҳужалик иқтисодиётини урганиш, уни янада ривожлантириш, такомиллаштириш, мавжуд имкониятлардан тулик фойдаланиш, эришилган муваффақиятларни кенг ёйиш ва йул қуйилган камчиликларнинг сабабларини урганиш ҳамда уни имконияти борича тугатишга ёрдам беришдан иборатдир.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлилнинг вазифаларига қуйидагилар қиради:

- бухгалтерия ва статистика хисоботлари асосида эришилган муваффақиятлар ва йул қуйилган камчиликлар сабабларини урганиш;
- корхонанинг ҳар томонлама фаолиятини, иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ва суратини урганиш;
- ютуқлардан унумли фойдаланиш, камчиликларнинг уз вақтида олдини олиш;
- айрим олинган ҳужаликнинг ишини батафсил урганиш асосида режанинг бажарилишига баҳо бериш;
- таҳлил якунига қура иш натижаларига таъсир қилган омиллар ва сабабларни урганиш;
- имкониятларни қидириб топиш ва улардан фаолият жараёнида тулик фойдаланиш;
- паст курсаткичли корхоналарнинг ишини илгор корхоналарнинг курсаткичлари билан такқослаб, уларнинг тажрибасига суянган ҳолда ҳужаликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

+уйилган шу вазифаларнинг бажарилишини таъмин этиш учун иктисодий тахлил объектив ва конкрет булиши керак. Шунингдек, хужалик фаолияти мунтазам суратда тахлил килиниб турилиши лозим.

1.3. Бошқарув тахлили фани ишлаб чиқаришни ривожлантиришга доир қарорлар, фан янгиликлари, хужаликлар эришган ютуқларни оммалаштириш, режалаштириш, ҳисоблаш ва ҳисоботнинг илмий тизимига асосланади. Сабаби шартнома топшириқларнинг тугрилиги (ҳаққонийлиги) ҳисоб китоб ва ҳисоботнинг ҳам тугрилигига боғлиқ. Бошқарув тахлили халқ хужалиги қорхоналари иктисодиётини режалаштириш, меҳнатни ташкил қилиш, муҳосиблик хужалиқни бошқариш, статистика каби фанлар билан узаро боғланган бўлиб, мустақил иктисодий фанни ташкил этади.

Бу фанларнинг ҳар бири қорхоналар иктисодиётининг айрим соҳаларини ургатади. Тахлил фанининг бошқа фанлардан фарқи шундаки, хужалик фаолиятини тугри тахлил қилган ҳолда хужалиқда қандай иш юритилаётганлигини, иктисодиёти даражаси, ривожланаётгани ва нималар тусқинлик қилаётгани, савдо қорхоналарида товар айланиш режасининг бажарилаётгани, муомала харажатларини пасайтириш ва рентабеллигини оширишда қандай имкониятлар мавжудлигини қурсатиб беради.

Бошқарув тахлили шундай қуролдирки, унинг воситасида иктисодий тежашга риоя қилиш ва хужалиқни тежаб-тергаб юритиш устидан назоратни амалга ошириш мумкин бўлади, агарда тахлилда ҳолислик бўлмаган тақдирда, у тахлил қилинаётган натижаларга нотугри баҳо беришга, савдо қорхоналарнинг иш самарадорлигини ошириш юзасидан нотугри тақлифлар қиритишга олиб келади.

1.4. Тахлил жараёнида фойдаланиладиган хужжатлар ва улардан олинандиган маълумотлар тахлил манбалари ҳисобланади.

Хужалик фаолиятини тахлил қилишда қуйидаги манбалардан фойдаланиш мумкин.

Тахлил қилиш учун хужалиқнинг бир йиллик ва бир неча йиллик ҳисобот маълумотларидан, хужалиқнинг йиллик савдо ва молиявий режасидан, бўлинмалар буйича берилган савдо-молиявий топшириқлардан, мавсумий иш режаларидан, қорхонанинг бухгалтерия, статистика ва тезқор бошқарув маълумотларидан, тахминан иш шароитлари бир хил бўлган илғор қорхоналарнинг қурсатқичларидан, олдинги утқазилган қузатиш ва хужжатли тафтиш материалларидан, қундалиқ ахборотлардан (қондирилмаган талабларни ҳисобга олиш журналларидан, харидорлар конференцияларининг қарорларидан, талаб ва тақлифлар дафтларидан, йигилиш, кенгаш қарорларидан) фойдаланилади.

Тахлилни тугри уюштириш учун аввало тахлил режасини ишлаб чиқиш, мавжуд материалларни урганиш, жадвал ва чизмалар тузиш ҳамда тахлил қилинадиган материалларнинг сифатини олдиндан текшириш лозим. Тугри ва синчиклаб текширилган маълумотлар асосидагина хужалик фаолиятининг яхши томонларини курсатиш, камчиликларни очиб ташлаш ва ишни яхшилашга оид чораларни белгилаш мумкин.

Тахлил режасини тузишда саноат корхоналарининг хужалик фаолиятини тахлил режасининг тахминий тузилишидан фойдаланиш мумкин (1-жадвал).

1 – жадвал

№	Тахлил мавзуи	Тахлил манбаи	Муддати	Тахлил утказувчи шахс
1.	Хисобот йилида йиллик товар ай-ланиши режаси бажарилишининг тахлили	Йиллик хисобот, бизнес режа	III-IV	Мутахассис, иктисодчи ходим ва х.к.

Тахлилнинг сифатли қилиб утказилиши унинг тугри ташкил қилинишига боғлиқдир. Тахлил қилиш жараёнида тахлил даврини беш босқичга бўлиш мумкин:

1. Тахлил режаси ва дастурини тузиш. Режада қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- тахлил қилишнинг дастури тузилади, бу дастурда қутариладиган саволлар ва тахлил утказишнинг йуналиши акс эттирилади;
- тахлил утказишнинг усули акс эттирилади;
- тахлил қилинадиган мавзу (корхона);
- тахлилнинг вазифаси ва мақсади;
- тахлилнинг муддати;
- тахлилни утказадиган шахс (бухгалтер, иктисодчи ва бошқа ходимлар) белгиланади.

2. Тахлил учун зарур манбаларни танлаш ва уларнинг тугрилигини текшириш.

3. Тахлилга жалб қилинган материалларни бир тизимга келтириб аналитик жадвалларга жойлаштириш ва тахлил қилинаётган курсаткичларга таъсир курсатувчи омилларни урганиш ва аниқлаш лозим.

4. Тахлил якунини хужжатларда расмийлаштириш. Бу хужжатда келтирилган таклифлар, курсатилган камчиликлар, хисоблаб чикилган имкониятлар курсатилади.

5. Тахлил якунига кура келтирилган таклифларни жорий килиш ва курсатилган камчиликларни бартараф килишда назорат урнатиш.

Тахлил боскичлари урганилгандан сунг иктисодий тахлилни мавзуи ва аломати (белгилари)га кура куйидаги туркумлаш мумкин:

а) иктисодий тахлилнинг мавзуи; б) тахлилнинг субъекти (ким тахлил килади); в) тахлилнинг максади (нима учун тахлил килинади); г) тахлилнинг даврийлиги (вакти-вакти билан булиши); д) таккосланиш кенглиги; е) тахлилнинг такрорланиши; ж) режага нисбатан; и) саволларнинг мазмуни; к) тахлил килинадиган мавзунинг жалб этилиши.

Мавзу буйича иктисодий тахлилни уз навбатида куйидаги турларга ажратиш мумкин; халк хужалиги буйича; иктисодий ёки маъмурий район буйича; айрим олинган ишлаб чикаришнинг мухим тармоклари-саноат, кишлок хужалиги, транспорт, давлат, кооператив ва хусусий савдо корхоналари ва хоказо.

1.5. Хужалик фаолиятини урганиш учун умумий асос килиб олинган услубга кура тахлил жараёнида текшириш маълумотларини ишлаб бериш ва хоказоларнинг махсус усулларидан фойдаланамиз.

Корхоналар ва ташкилотларнинг хужалик фаолиятларини урганишда ва комплекс тахлил килишда куйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: таккослаш, фоиз чикариш, коэффицент, индекс, усиш каторлари, режа курсаткичларини кайтадан хисоблаш, айирмалар усули, занжирли богланиш, курсаткичларни баланс билан боглаш, корреляция, хисобда математик усулларни куллаш, чизикли дастурлаштириш, аналитик жадваллар тузиш, чизма усули, уйин усули, умумий хизмат курсатиш усули ва хоказо.

Юкорида айтилган усуллардан фойдаланиб хужалик фаолиятини тахлил килиш хужаликдаги янги имкониятларни топишда ёрдам беради, хужаликнинг иш фаолиятини янада оширади.

Тахлилда энг куп кулланиладиган усуллардан бири-таккослаш усули. Бу усулда бир неча иктисодий курсаткичлардан фойдаланилади. Жумладан, хакикатда эришилган натижаларни жорий режа ёки келажакдаги режа топшириклари билан, мажбуриятлар билан таккослаш; йиллик ёки даврий хисобот курсаткичларни утган йилги ёки даврий маълумотлар билан таккослаш, урганилаётган хужалик курсаткичларини шунга ухшаш бошка хужалик курсаткичлари билан таккослашдир. Тахлил килишда кулланиладиган таккослаш усулининг мазкур шакллари саноат корхоналарида ва ташкилотларда товар айланиши режасининг бажарилишини таъминлаш, муомила

харажатларини камайтириш хисобига рентабеллик даражасини ошириш имкониятларини топишга имкон беради, илгор тажрибаларнинг тахлил килинаётган хужаликда жорий килинишига ёрдам курсатади.

Таккослашда вазиятга караб натура ёки киймат курсаткичидан, абсолют ёки нисбий курсаткичдан фойдаланиш мумкин. Лекин таккосланадиган курсаткичлар чогиштириладиган булиши шарт, яъни яхлит ва микдорий омиллар бирлиги ҳамда вақт даври муносиблиги таъмин этилиши лозим.

1.6. Статистик гурухлаш усули. Маълумотларни маълум белгиланган кура, гурухларга булиш статистик текширишнинг мухим усули хисобланади. Бунинг ёрдамида хужалик булинмалари, товар айланиши хажми, мехнатунумдорлигининг товар айланиши хажмига боғликлиги ва бошқалар аникланади. Гурухлаш усули, шунингдек, савдо корхоналарида режалаштириш ва режанинг бажарилиши устидан назорат килишда кулланилади. Бу усул саноат корхоналарининг ва ташкилотларининг ривожланишига доир материалларни урганишда ва шу асосда савдо корхоналари хужалик фаолиятини янада ривожлантириш тадбирларини белгилашда фойдаланилади. Статистик усул дейилишининг боиси шундаки, бунда курсаткичлар бир канча статистик маълумотларни гурухларга булиш асосида урганилади. Статистик гурухлаш усули орқали иктисодий курсаткичлар сифат жихатидан бир хил булган гурухлара булинади ва айрим курсаткичлар уртасида бир-бирига боғланишлар борлигини ҳамда урганилаётган ходисаларнинг энг асосийси, мухими қайси бири эканлиги аникланади ва қай даражада таъсир килиши белгиланади. Умуман, статистик усул ёрдамида сифати бир хил булган курсаткичлар бир гурухга бирлаштирилади.

Маълумотларни статистик тахлил килишда жадвалларнинг тугри тузилишига алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки тахлилнинг сифати куп жихатдан жадвалларнинг тугри тузилишига боғлиқ. Жадваллар канчалик яхши ва аниқ тузилса, текшириш натижалари, рақамлар очик ва равшан ҳамда ишонарли килиб тасвирланиши мумкин булади. Жадваллар тугри тузилмаса, иктисодий жараёнларнинг бир-бирига боғликлиги ҳамда уларнинг ривожланишидаги қонуниятларини аниқ курсатмайди. Жадвалларнинг шакллари жуда хилма-хил булиши мумкин. Улар иктисодий тахлил килишнинг мақсад ва вазифаларига караб узгариб туради.

Иктисодий тахлил тажрибаларида уртача ва нисбий курсаткичлардан фойдаланилади. Уртача курсаткичлар-уртача арифметик ва уртача хронологик курсаткичлар булиб, уларнинг бири иккинчисидан фарқ қилади.

Уртача арифметик курсаткичлар оддий улчам булади.

Уртача оддий арифметик курсаткичлар суммасини уша суммага кушилувчилар сонига булиб белгиланади.

Уртача улчам арифметик курсаткичлар жамида салмоги хар хил булган бир неча хилма-их вариантларнинг уртача курсаткичларини хисоблашда кулланилади.

Масалан, бир неча йиллик муомила харажатлари даражасини, рентабеллик даражасини товар айланиши хажмига нисбатан белгилаш мумкин.

Уртача хронологик курсаткич вақтида узгарадиган курсаткичлардан (йиллик уртача товар захиралари, йиллик муомала маблағларининг уртача киймати, асосий капиталнинг йиллик уртача киймати ва хоказо) хисоблаб чикарилади.

Нисбий ракам-бир абсолют ракамнинг бошқасига нисбатан аникланадиган курсаткичларидир. Фоизлар, коэффициентлар, индекслар шулар жумласидандир.

Фоизлар ракамлар уртасидаги нисбатни ифодалаш учун ишлатилади. Шунингдек, фоизлар режа бажарилишини ифодалашда, курсаткичларни динамик таккослашда, тузилиш улушини белгилашда; рентабеллик курсаткичларини ва бошқаларни ифодалашда ҳам кенг кулланилади.

Коэффициентлар-таккослаб куриладиган ракамлардан бирининг иккинчисига караганда катта ёки кичиклигини курсатувчи нисбий ракамдир. Бунда таккослаш асосида коэффициент олинади.

Индекслар бевосита жамлаб булмайдиган мураккаб иктисодий ходисалардаги (масалан, бир неча хил товарларни реализация килиш, нархлардаги ва хоказолардаги) узгаришларни ифодалайдиган курсаткичлардир.

Таккослаш асосига караб индекс базисли (асосий) ва занжирли индексга булинади. Базисли индекслар хисоблаб чикарилганда биринчи (асосий) курсатма 100 ёки коэффициент хисобида олинади, ундан кейин келадиган ракамлар (курсаткичлар) асосий курсаткич деб, нисбатан фоизларда ёки коэффициентларда хисобланади.

Занжирли индекслар хисоблаб чикарилганда дастлабки давр курсаткичи асос килиб олинмайди, балки келадиган хар кайси курсаткич олинади, яъни уларнинг асоси узгариб туради, бошқача килиб айтганда, улар узгарувчи асосга эга булади. Хоналарнинг умумий фаолиятини изохлашга, товар айланиши режасининг бажарилишини, ялпи даромад ва фойда микдорининг купайиши, муомила харажатларини камайтириш имкониятларини кидириб топишда ёрдам беради.

1.7. Айирмалар усули-тахлил килинаётган (хисобот)
курсаткичларнинг асосий курсаткичларга нисбатан айирмаларини

белгилаш учун кулланилади. Айирмалар усулини ишлатиб режа билан ҳисобот уртасидаги айирмани аниклаймиз.

Занжирли боғланиш усули-ишнинг натижасига таъсир килувчи бир неча омилларни аниклаш учун кулланилади. Чунки омиллардан ҳар бири узгарувчан деб фараз килинса, мумкин булган ҳар қандай комбинациянинг натижалари топилади.

Курсаткичларни балансли боғлаш усули-тахлилдагина эмас, балки бухгалтерия ҳисоби ва уни ривожлантиришда ҳам кенг кулланилади. Бу усул бир-бири билан боғлиқ бир қанча микдорнинг мувозанатига ишонч ҳосил қилиш ёки бир неча маълум омил ёрдамида номаълум омилнинг таъсирини аниклаш зарур булган ҳолларда кулланилади. Бу усул товар ва бухгалтерия балансини тузишда ва реализация ҳажмига таъсир курсатувчи омилларни таҳлил қилишда ҳамда корхонанинг тулаш қобилиятини аниклашда кулланилади.

Корреляция – таҳлил усули булиб, у урганиладиган ходисалар уртасидаги алоқа фаолияти тобелик қуринишида булмаган ҳолларда кулланилади.

Бу усул математик статистика усуллари ёрдамида турли йуналишда таъсир курсатувчи айрим омиллар уртасидаги турли даражанинг (алоқа зичлигининг) боғлиқлигини ҳисоблаб чиқишга, улар уртасидаги энг мувофиқ нисбатни топишга ҳамда натижавий курсаткич билан уни тақозо қилган омил ёки омиллар уртасидаги микдорий боғлиқликни белгилашга имкон беради. Иқтисодий таҳлилда корреляция усулининг кулланилиши урганиладиган ходисаларни пухта билиб олишга имкон тугдиради, иқтисодий тадқиқотнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бу микдорда фойдаланиш, масалан муомила харажатлари даражаси билан чакана товар айланиши орасидаги, товар айланиши ҳажми билан товар захиралари орасидаги, умумий товар айланишининг усиш суръати билан айрим товарларни сотиш орасидаги боғлиқликни белгилаш имконини беради ва ҳоказо.

Бу усулда иккита курсаткичнинг алоқа зичлиги алоҳида коэффицентлар билан улчанади, уларнинг муносабати ва узгариши 0 дан 1 гача. Корреляция муносабатининг чегараси 0,1-0,3 гача буш 0,3-0,5 етарли; 0,5-0,7 сезиларли; 0,7-0,9 юқори; 0,9-0,99 жуда ҳам юқори ҳисобланади.

1.8. Чизикли режалатириш усули-бир-бири билан боғлиқ мураккаб ходисаларни таҳлил қилишда кулланилади. Бу усул корхонанинг иқтисодий фаолиятига оид қуп масалаларни, хусусан оз сарфлаб, юқори натижаларга эришишни таъмин этадиган мувофиқ режали йул танлаш ва таҳлил қилишда энг мувофиқ вариантлар топишга имкон яратади. Бу усул транспорт харажатларини таҳлил

килишда, савдо корхоналарига товарларни бир меъёрда етказиб беришда транспорт воситаларидан фойдаланишнинг мукобил вариантани аниқлашда кулланилади. Бундай хисоблаш техникаси воситасида амалга оширилади.

Аналитик жадваллар тузиш – тахлилнинг мухим усулидир. Тахлилнинг сифати куп жихатдан жадвалларни ишлаб чиқиш сифатига боғлиқ булади. Яхши тузилган жадвал ракамларни мантикий изчилликда жойлаштиришга, текшириш натижаларини очик-ойдин, аниқ ва ишонарли килиб тасвирлаша имкон беради. Жадвалнинг жойи ва мазмуни тахлилнинг максоди ва вазифасига боғлиқ.

Курсаткичларнинг чизма тасвири – тез муддат ичида тахлил килишда, масалан, режанинг бажарилиш даражасини, курсаткичлар, тузилишлар, узаро алоқалар динамикасини урганишда кенг кулланилади. Курсаткичларнинг чизма ёки геометрик шаклларидаги масштабни тасвири аналитик жадвалларга мухим кушимчадир. Улар куп курсаткичлари аниқ ва равшан килиб таърифлашга, корхонанинг катор йиллар усишида шу хисобот давридаги хужалик фаолиятини кенг оммага тушунарли килиб етказишга ёрдам беради.

Уз-узини назорат килиш саволлари:

1. Фаннинг предмети ва вазифалари нималардан иборат ?
2. Корхона хужалик фаолияти жараёнлари курсаткичлар тизимида кандай акс эттирилади ?
3. Иктисодий тахлилнинг кандай турлари мавжуд ?
4. Тахлил манбалари деганда нимани тушунаси?
5. Хужалик фаолиятини тахлил этиш усуллари ва унинг хусусиятлари нималардан иборат ?
6. Статистик гурухлаш усули тахлилда кандай кулланилади?
7. Айирмалар усулининг мазмуни нимадан иборат?
8. Тахлилда керреляция усулини кандай холларда кулланилади?
9. Чизикли режалаштириш усулини куллаш тартиби.
10. Нима учун тахлилда аналитик жадваллар тузиш ва чизма тасвирлардан фойдаланилади?

2-Мавзу: Махсулот (иш хизмат)ларга булган талаб ва таклифнинг тахлили.

2 соат

2.1. Корхонанинг махсулот ва маиший хизматларга булган бозор талабини урганиш йуллари.

2.2. *Махсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизматлар курсатиш жараёнига таъсир этувчи омиллар тахлили.*

2.3. *Бозордаги талаб ва таклифга таъсир этувчи омиллар тахлили.*

Адабиётлар: 1, 4, 6, 9, 13.

Таянч иборалар: *бозор талаби, туйинганлик даражаси, нархларнинг узгарувчанлиги, талаб эгри чизиги, таклиф эгри чизиги, талаб тахлили, ишлаб чиқариш омиллари, таклиф тахлили, омиллар мезонлари.*

2.1. Махсулот, иш ва хизматларга булган бозор талабининг максимал даражада кондирилиши бозор механизмининг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Корхона (фирма) фаолияти, энг аввало, бозор регуляторлари асосида тартибланади. У бевосита нимани ишлаб чиқариш, қандай ва қанча ишлаб чиқариш лозимлигини белгилайди. Бу уз-уздан сарфлар, сифат меъёрларини бошқаришни ҳам тартиблайди. Бунда иқтисодий манфаатлар муштараклиги эътиборга олинади.

Корхона (фирма) бозор механизми ва конъюктурасини батафсил урган ҳамда тахлил қилган ҳолда уз имкониятларини йулга қуйишнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий шартларини тузиб чиқади. Бу эса яқин ва узок даврийликда фаолият юритишнинг йуналишларини белгилаш ҳамда унинг режасини тузиб чиқишни характерлайди. Режали асосда ишлаб чиқаришни бошқаришни ҳам бевосита бозор регулятори элементлари таъсирида йулга қуйилади. Тахлилда асосий эътибор маркетинг тадқиқотларга қаратилади. Бозордаги аҳвол ва унинг узгарувчанлиги, талаб ва таклиф даражалари, бозор соҳиблари ва уларнинг мавқеи, фаолиятни йулга қуйишнинг имкониятлари кенг қамровда урганилади.

Бозор талабини тахли этишда бозорнинг алоҳида олинган товарлар билан туйинганлик даражаси, унинг яқин ва узок ораликда узгарувчанлик эҳтимоллари, товарлар нархининг узгарувчанлиги, энг юқори фойдалили, мувозанатлашган курсаткичлар ва уларнинг узгаришларига баҳо берилади (1-чизма).

1-чизма. Кейс машиналарига булган талабнинг узгариши.

A1-талабнинг дастлабки чизиги.

A2-талабнинг янги чизиги.

Тахлил этишда талаб эгри чизигининг узгариш сабаблари ва уларнинг таъсир даражаларини хам хисоблаб чикиш мумкин. Буни икки таъсирли бирлик оркали аниклаш имкони бор, яъни бахо ва микдор омили (2.2.-чизма).



2.2.-чизма. Талаб тахлил курсаткичлар тизими.

2.2. Махсулот, иш ва хизматлар хажмига таъсир этувчи омилларни иктисодий белгилари буйича куйидаги туртта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Мехнат омиллари.
2. Ашёвий омиллар.
3. Мехнат воситалари омиллари.
4. Тадбиркорлик қобилияти.

Мехнат воситалари билан боғлиқ булган омиллар ишлаб чиқаришнинг шахсий омили сифатида урганилади. Мехнат

омилларининг махсулот ишлаб чиқариш хажмига таъсири бевосита микдор ва сифат курсаткичларда аниқланади.

Мехнат ашёлари билан боғлиқ булган омилларга моддий кийматлар билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланиш курсаткичлари киради.

Мехнат воситалари билан боғлиқ булган омилларга корхонанинг асосий воситалар билан қуролланиши ва уларнинг самарадорлиги, интенсив ривожланиш курсаткичлари киритилади. Тадбиркорлик лаёқати деганда аҳолининг уз қобилиятини тула намоён этишга иштиёқи ва унинг самараси тушунилади.

Махсулот хажмининг узгаришига таъсир этувчи омиллар ҳар бири таркиби бўйича алоҳида, бошқа омиллар таъсиридан холи равишда урганилади. Яъни бир туркум омилларнинг таъсири урганилаётган бошқа таркиб омиллар таъсирисиз деб олинади (2.1.-жадвал).

2.1.-жадвал

Махсулот хажмига таъсир этувчи омиллар

Омиллар	Мезонлари
Мехнат омиллари	Ишчилар сонининг узгариши, иш кунларининг узгариши, иш куни давомийлиги, уртача бир соатлик мехнат унумининг узгариши кабилар
Ашёвий омиллар	Моддий кийматлар ва уларнинг самарадорлик курсаткичлари.
Мехнат воситалари билан боғлиқ омиллар	Асосий воситалар ва уларнинг самарадорлик курсаткичлари
Тадбиркорлик қобилияти билан боғлиқ омиллар	Тадбиркорлик қобилияти, гоёси ва х.к.

2.3. Бозор мувозанатининг муҳим элементи булган талаб ва таклифни, унинг узгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш асосида корхона (фирма)нинг ишлаб чиқариш суръати ва унинг тузилишига баҳо берилади. Талаб-истеъмолчилар томонидан сотиб олиниши мумкин булган товарлар микдоридир. Уни туловга қобил эҳтиёж дейиш ҳам мумкин. Талаб узгаришига қуйидаги омиллар, яъни, товарлар баҳосининг ҳамда микдорининг узгариши, сотиб олувчилар сони, пул маблағлари, мулкӣ жамгарма, истеъмолчилар дидининг

узгариши, махсулотлар сифатининг узгариши ва бошқа бир катор омиллар таъсир этади.

Омилларнинг талаб хажми узгаришига таъсирини куйидаги боғланишларда талаб функциясида ифодалаш ва аниклаш мумкин, яъни:

Қд к f / Р, Ра, Рв,, I, Т, Ш/.

Бу ерда:

Р, Ра, Рв - турдош товарлар бахоси.

I - ахолининг пул даромадлари.

Т - ахолининг диди ва нимани афзал куриши.

Ш - мулкый жамгарма.

Агар товарлар бахосидан бошқа жами омиллар узгармас деб олинса, талаб функцияси факат бахо функциясига тенг булади. Яъни,

Қд к f / Р.

Таклиф бу-ишлаб чиқарувчининг бозорга чиқарган ва чиқариши мумкин булган жами товарлар ва хизматлар микдоридир. Таклифнинг узгариши ҳам бир неча омиллар таъсирида руй беради. Улар каторига муайян ва бошқа товарлар бахосининг узгариши, технологик жараёнларнинг узгариши, солиқлар ва дотациялар, табиий иклим шароити ва хоказоларни киритиш мумкин.

Қд к f / Р, Ра, Рв,, К, С, Z/.

Бу ерда:

Р, Ра, Рв - муайян ва бошқа товарлар бахоси.

К - кулланилаётган технология характери.

Т - солиқлар ва дотациялар.

Ш - табиий иклим шароити.


Агар муайян товарлар бахосидан бошқа барча омиллар узгармас деб олинса, таклиф функцияси куйидагича булади, яъни,

Қд к f / Р.

2.3.-чизма оркали талаб ва таклиф эгри чизигининг омиллар таъсирида бирламчи ва иккиламчи узгаришларини тахлил этиш мумкин. Талаб эгри чизигини A_1 ва A_2 нукталарда таклиф эгри чизиги билан кесишуви мувозанатлашган бирликни характерлайди.

2.3.-чизма. Талаб ва таклиф эгри чизиги.

+уйидаги боғланишларда таклиф ва унинг узгаришига таъсир этувчи омилларни схематик шаклда ифода этишимиз мумкин (2.4.-чизма).



2.4.-чизма. Таклиф узгаришига таъсир этувчи курсаткичлар тизими.

Уз-узини назорат қилиш саволлари:

1. Корхонанинг маҳсулот ва маиший хизматларга булган бозор талаби қандай урганилади?
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизматлар курсатиш жараёнига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?
3. Талаб тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва талаб эгри чизигининг тахлили деганда нимани тушунасиз?
4. Таклиф қонуни ва таклиф эгри чизиги тахлили қандай амалга оширилади?
5. Бозордаги талаб ва таклифга таъсир этувчи омиллар тахлили қандай амалга оширилади?
6. Талаб тахлилида қандай курсаткичлар тизимидан фойдаланилади?

3-Мавзу: Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг тахлили.

4 соат

- 3.1. Ишлаб чиқариш жараёни ва узлуксизлигига таъсир этувчи омиллар тахлили.
- 3.2. Тахлилнинг ахамияти, вазифалари, тахлил манбалари.
- 3.3. Корхона ишлаб чиқариш фаолияти тахлилида фойдаланиладиган курсаткичлар тизими.
- 3.4. Корхона маҳсулот (иш, хизмат)ларини сотиш тартиби тахлили.
- 3.5. Маҳсулотлар тури ва ассортиментни буйича ишлаб чиқариш даражаси тахлили.
- 3.6. Маҳсулот сифати тахлилининг зарурлиги.
- 3.7. Маҳсулот сифати тахлилининг амалга ошириш тартиби.
- 3.8. Маҳсулот сифатини яхшиланишининг, маҳсулотни бир меъёردа ишлаб чиқаришга боғлиқлиги тартиби.

Адабиётлар: 3, 4, 6, 9, 20.

Таянч иборалар: ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш маромийлиги, маромийлик коэффициенти, маҳсулот самарадорлиги, ишлаб чиқариш дастури тахлили, молиявий ҳисобот, ялпи маҳсулот, товар маҳсулот, сотилаётган маҳсулот, сотиш режасининг бажарилиш тахлили, сотиш шакллари, сотиш нахларининг шаклланиши, маҳсулот ассортиментни тахлили, уртача сифатлилик даражаси.

3.1. Ишлаб чиқариш жараёни узига хос узлуксизликка эга булиб, ишлаб чиқаришнинг маромийлигини таъминлайди. Махсулот ишлаб чиқариш маромийлиги деб махсулот ишлаб чиқаришнинг киска даврийликда ёки тенг вақтлар оралигида бир хил даражада сакланишига айтилади. Махсулотлар ассортиментини тахлили уларнинг турлар буйича узгаришини характерласа, маромийлик даврий, тенг таксимоти ва уларнинг узгаришини характерлайди.

Ишлаб чиқаришнинг бир маромда ташкил этилиши махсулатлар сифатига, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш сарфларига кучли таъсир этади. Тахлилда эътибор купрок самарали бошқаришнинг мухим жихатларига қаратилади. Улар тузилган режа топшириқларига катъий амал қилиниши, ишлаб чиқаришнинг сменали ташкил этилиши, технологик жараёнларда жорий (таъмир, курик каби) тадбирларнинг амалга оширилишида намоён булади (3.1.-жадвал).

Махсулот ишлаб чиқаришнинг маромийлигида умумий курсаткич сифатида маромийлик коэффициенти аниқланади, яъни:

Маромийлик ҳисобига ишлаб чиқарилган
махсулот ҳажми

Мр к ----- х 100

Режа буйича ишлаб чиқарилиши лозим
булган махсулот ҳажми

3.1-жадвал

Махсулот ишлаб чиқариш маромийлиги тахлили

Ун кунликлар	DEL телевизори		LG телевизори		DEWOO телевизори		Жами	
	режа	ҳақ	режа	ҳақ	режа	ҳақ	Режа	ҳақ
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Биринчи	100	80	150	110	200	150	450	340
Иккинчи	100	150	150	160	200	140	450	450
Учинчи	100	100	150	210	200	330	450	640
ЖАМИ	300	330	450	480	600	620	1350	1430
Маромийлик ҳисобига ишлаб чиқарилган махсулот	X	280	X	410	X	490	X	1200
Маромийлик коэф.	X	0,93	X	0,91	X	0,82	X	0,88
Ҳақиқатан режа бажарилиш коэфф.	X	1,10	X	1,06	X	1,03	X	1,06

Демак, корхонада DEL русумли телевизорлар ишлаб чиқариш режаси 110% га, LG русумли телевизорлар ишлаб чиқариш режаси 106% га, DEWOO русумли телевизорлар ишлаб чиқариш эса 103% га бажарилган. Жами маҳсулот режаси 106% га бажарилган. Ишлаб чиқариш маромийлигини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши эса 93 (DEL), 91 (LG), 82(DEWOO)%га тенг булган. Жами маҳсулот ҳажми бўйича маромийлик коэффициенти 0,88 га ёки 88% га тенг булган.

Ишлаб чиқариш маромийлиги узро боғланиш ва меҳнат тақсимотидаги корхоналар фаолиятини тугри ҳамда бир текисда йулга қуйишда, шунингдек, барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нарх даражаси бевосита таъсир қурсатади. Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига турли омиллар таъсир қурсатиб, улардан асосийлари қуйидагилардир:

- хом ашё ва материаллар билан таъминлаш;
- ходимлар миқдори;
- меҳнат самарадорлиги;
- маҳсулот нархларининг узгариши;
- маҳсулот ишлаб чиқариш табиий ҳажмининг узгариши.

3.2. Корхонада ишлаб чиқариш дастурида акс эттириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми амалий фаолликнинг ута муҳим қурсаткичларидан биридир. Уз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва тузилмаси корхонанинг барча бошка миқдор ва сифат қурсаткичларига, хусусан, маҳсулот сотишдан тушган фойда, асосий фаолиятнинг молиявий натижаларига таъсир қурсатади.

Республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига утиши билан ҳар бир корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ва ассортиментини мустақил белгилайди.

Муомала соҳасидан фарқли равишда ишлаб чиқариш корхоналари уз маҳсулотини сотадилар. Бунинг учун улар биринчи навбатда бизнес-режаларида ишлаб чиқариш дастурини белгилаб олишлари шарт.

Ишлаб чиқариш дастури бажарилиши таҳлилининг асосий вазифаси бизнес-режа қурсаткичларининг асослигини текшириш, уларнинг бажарилишига баҳо бериш, ушбу натижаларга турли омилларнинг таъсирини аниқлаш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун ички имкониятларни излаб топишдан иборат.

Ишлаб чиқариш дастури бажарилишининг тахлили кенг микёсдаги режа ва ҳисобот курсаткичларидан, тезкор ҳисоб-китоб ва ҳисоб-китобдан ташқари маълумотларга оид турли материаллардан фойдаланишга асосланади. Маълумотлар учун: 2-Ш. «Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот», 5с-Ш. «Меҳнат буйича ҳисобот», 1-Ш. НДС «Кичик корхона ҳисоботи», 11-Ш. «Тайёр маҳсулотни бериш», 1п-Ш. «Корхона (бирлашма)нинг бир йиллик маҳсулот буйича ҳисоботи» асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари 3-Ш. «Асосий воситалар ҳаракати тугрисидаги ҳисобот», «маҳсулот таннархи, таннархни калькуляциялаш тугрисидаги ҳисобот» ва х. Маълумотлардан фойдаланилади.

Баъзи ҳисобот курсаткичларининг дастурдан четга чиқишлари сабабларини батафсил аниқлаш мақсадида тезкор ҳисобот, ҳисоб-китоб регистрлари ва бирламчи ҳисоб-китоб маълумотларидан фойдаланилади.

Зарурат тугилиб, агар мазкур корхона иши бир типдаги корхоналар иши билан қиёсий таҳлил қилинаётган бўлса, бошқа корхоналар материаллари ҳам қулланилади.

Ана шу барча манбалар бир-бирини тулдириб келганлиги сабабли улардан комплекс равишда фойдаланиш лозим.

Бирок у ёки бу ҳисобот курсаткичларидан фойдаланишдан аввал уларнинг ишончлилигини, товар маҳсулотини баҳолашнинг тугрилигини, турли ҳисоботчилик шакллари маълумотларининг узаро боғлиқлигини текшириб қуриш шарт.

Ҳисобот тузишдаги хато ва камчиликлар аниқланганида биринчи навбатда уларнинг бартараф қилинишини талаб қилиш зарур. Шундан сунг ишлаб чиқариш курсаткичлари тахлиliga қиришилади.

3.3. Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолият қуйидаги курсаткичлар билан тавсифланади: ялпи, товар ва сотилаётган маҳсулот ҳажми, натурада ифодаланган маҳсулотлар чиқариш ва маҳсулот сифати курсаткичлари.

Корхонанинг ялпи маҳсулоти – бу саноат тусидаги четга чиқарилган тайёр, ярим тайёр маҳсулотлар, идиш (тара) ясаш ва тузатиш, агар у жойланаётган маҳсулот нархига қиритилмаган бўлса.

Ялпи маҳсулот ҳажми корхона улгуржи қиёсий нархларида ҳисобга олинади. Ҳисоботда шунингдек ялпи маҳсулотнинг корхона ҳисобот йилида амалда бўлган улгуржи нархларидаги курсаткичи ҳам курсатилади.

Ялпи маҳсулот курсаткичи ходимлар микдорини, ишлаб чиқариш ва фонд самарадорлигини, иш хақиға, цех ва завод умумий сарф-харажатлари даражасини белгилашга хизмат қилади.

Товар махсулот – бу сотиш учун тайёрлаб куйилган махсулот. У корхонанинг амалдаги улгуржи нархларида бахоланади. Режа бажарилишини бахолаш учун товар махсулотининг бутун хажми режа нархларида кайта ҳисоблаб чикилади. Товар махсулоти хакикий улгуржи нархларининг огиши ҳукуматнинг қарорига кура ёки чиқарилган махсулот сифатининг узгариши туфайли руй берган нарх узгаришининг натижаси булиши мумкин. Товар махсулоти хажмининг курсаткичлари таннарх даражасини, 1 сумлик товар махсулотига кетган сарф-харажат, сотиш хажми ва молиявий натижаларни урнатишни ҳисоблаб чиқишга хизмат қилади.

Сотилаётган махсулот харидорга ортиб жунатилган ва у томонидан корхонанинг тасдиқланган режасида қабул қилинган амалдаги улгуржи нархларида хаки туланган махсулот хажми демақдир.

Режалаштириш, ҳисоб-китоб ва режанинг бажарилишини текшириш учун ҳам шунингдек натурал ва шартли натурал курсаткичлари қулланади. Шартли-натурал курсаткичлар турли хажмли (улчам) махсулотларни ишлаб чиқаришда, утадиган коэффициент ёрдамида чиқарилган махсулот ягона шартли улчагичда кайта ҳисоб-китоб қилишда қулланади. Масалан, нон саноатида махсулот турлари буйича уларнинг физик вазни, алкоғолсиз ичимликлар ва вино ишлаб чиқаришда-декалитрлардаги сизими, консерва ишлаб чиқариш саноатида-шартли банқаларда махсулот бирлиги ҳисобланади.

3.4. Ривож топаётган бозор шароитида махсулотларни ишлаб чиқаришдан кура, купрок уларни сотиш муаммоаси олдинги уринга чиқади. Корхоналар эркин фаолият юритувчи субъектлар сифатида олди-сотди муносабатларини ҳам муस्ताқил белгилайдилар.

Махсулот, иш ва хизматларни олди-сотди жараёнлари бозор муносабатларининг негизида туради. Махсулот (иш, хизмат)ларни сотиш мулкый муносабатлардан келиб чиққан ҳолда узаро шартномавий келишувларга таянади. Махсулот ортиб жунатилган ва ҳисоб ҳужжатлари қарши томонга (харидор ва буюртмачиларга) тақдим этилган бўлса, сотилган ҳисобланади. Махсулотларга эғалик ҳуқуқи улар ортиб жунатилган пайтданок корхона (фирма)дан четланади ва қарши томонга утади. Улар буйича ҳисоб-китоблар томонларнинг узаро келишувида ҳал этилади.

Махсулотларни сотилган деб ҳисоблашнинг одатда икки шарт, яъни улар ортиб жунатилган ва корхона ҳисоб рақамига пули келиб тушишини характерловчи "қассали усул" ҳамда ортиб жунатилган ва ҳисоб ҳужжатлари тақдим этилган пайтданок сотилган ҳисобланувчи "ҳисобга олиш усул"и характерланади. Мулкга эғаликнинг янги ҳуқуқый аспектларида асосан иккинчи усул тарқибланади. Шунингдек, бутун ҳисоб-китоблар тизими ҳам ушбу қонуният асосида тузилади.


Олди-сотди муносабатларида ягона белги шуки, ортиб жунатилган ёки сотилган махсулотлар буйича маблагларни ундириб олиш бевосита мулк эгасининг муаммосидир.

Шартномавий муносабатларда унинг субъектлари узаро келишувининг ҳукукий аспекти ифодаланади, махсулотларни сотувчи ва сотиб олувчилар, уларнинг мажбуриятлари, ҳисоб-китобларнинг шакли, даври ва шартлари, уларнинг бузилишида кулланиладиган чоралар, уларнинг тартибга солиниши акс эттирилади. Махсулотларни сотиш улгуржи ва чакана нархларда амалга оширилади (3.2.-чизма).

Товарлар ишлаб чиқариш таннари	Корхона фойдаси	Сотишга соликлар	Савдо устамаси
Корхонанинг улгуржи сотиш баҳоси			
Корхонанинг чакана сотиш баҳоси			

3.2.-чизма. Корхона томонидан кулланиладиган нархлар.

Таҳлилда махсулот, иш ва хизматларнинг сотиш режасининг бажарилиши ва динамикаси, унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар урганилади. Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни куйидаги чизма ва жадвал мисолида куришимиз мумкин:



3.3-чизма. Махсулотларни сотиш шакллари.

Ишлаб чиқариш таннари + Корхона фойдаси + сотишга соликлар	I	Сотиб олиш баҳоси
Ишлаб чиқариш таннари + Корхона	II	Сотиб олиш

фойдаси + Сотишга солиқлар + Сотиш устамаси	III	бахоси
Ишлаб чиқариш таннарихи + Корхона фойдаси + Сотишга солиқлар + Савдо қушимчаси + Савдо устамаси		Сотиб олиш бахоси
Ишлаб чиқариш таннарихи + Корхона фойдаси + Сотишга солиқлар + Савдо қушимчаси + Савдо қушимчаси + Савдо устамаси	IV	Сотиб олиш бахоси

3.4.-*чизма*. Сотиш шакллари буйича нархларнинг шаклланиши.

3.2.-жадвал

Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили

(минг сум)

Курсаткичлар	Товар маҳсулотининг йил бошидаги колдиги	Ишлаб чиқарилган маҳсулот	Товар маҳсулотининг йил охиридаги колдиги	Сотилган маҳсулот
1	2	3	4	5
Утган йил	14670	156700	16420	164590
Хисобот йили	22200	198450	5690	212900
Сотиш ҳажмига таъсири	+7630	+41750	-10730	+48310

Маҳсулотларни сотиш ҳажми утган йилга нисбатан 48310 минг сумга ортган. Бу узгаришда товар маҳсулотининг йил бошига колдикларининг узгариши 7630 минг сумни, ишлаб чиқарилган маҳсулот узгариши 41750 минг сумни, товар маҳсулотларининг йил охирига колдиги эса-10730 минг сум узгаришга эга бўлган.

Маҳсулот сотилиши таҳлилининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- маҳсулот сотиш режасининг бажарилишини аниқлаш;
- бир неча йилда маҳсулот сотиш динамикасини аниқлаш;
- сотилаётган маҳсулот тузилиши ва ассортиментини урганиш;
- сотилган маҳсулот ҳажми ва тузилмасига таъсир курсатадиган омилларни урганиш;
- ушбу омилларни урганиш;
- маҳсулот сотилиши ҳажми ва тузилмасининг даромад суммасига ва рентабелликка таъсирини аниқлаш;

- махсулот сотилиши хажмини ошириш буйича тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Махсулот сотилишини тахлил қилишда қуйидаги манбалардан фойдаланилади: 2-Ш. «Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот», 11-Ш. «Тайёр махсулотни бериш», 5с-Ш. «Қорхона (ташқилот)нинг махсулот ишлаб чиқариш ва сотишга қилган харажатлари тугрисида», 1-НДС Ш. «Кичик қорхонанинг ҳисоботи».

Тахлил сотишдан амалда тушган даромадни режа ва утган йил натижаси билан такқослашдан бошланади. Маълумотлар 2- «Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот» шаклидаги молиявий ҳисоботлардан олиниб, 010 ва 050 сатрларида махсулот сотишдан тушган фойда ва сотишдан тушган соф фойда суммаси қурсатилади.

3.5. Махсулот, иш ва хизматларнинг тури ва ассорменти тахлилида уларнинг сегментлар буйича такқосланмайдиган ва такқосланмайдиган, профилдаги ва профилда бўлмаган турлари, асосий ва гушимча махсулотлар турлари буйича турқумланиши урганилади. Улар буйича режа топшириқларининг бажарилишида уларнинг таъсири, махсулотлар тузилишидаги таркибий узгаришларга баҳо берилади. Махсулот ассорменти деб, уларнинг таркиб турланишига айтилади. Масалан, пахтанинг навлар буйича турқумланиши, компьютерларнинг авлодлар буйича турқумланиши ва х.к.

Махсулотларнинг турлар буйича йириклаштирилган таркиби унинг номенклатурасини белгилайди. Махсулотлар ассорменти ва номенклатураси тахлилида белгиланган ва ишлаб чиқарилиши режалаштирилган махсулотларнинг узгаришларига баҳо берилади. Якуний курсаткич сифатида алоҳида махсулотлар тури буйича режа бажарилишини характерловчи курсаткич аниқланди. Махсулот ассорменти буйича режа бажарилиши қуйидагича аниқланди:

Бундан ташқари энергия билан курулланиш даражаси ҳам аникланиши зарур. Бу курсаткич куч берувчи машиналар кувватининг йигиндисини (квт-соатда) сменада энг куп ишлаган ишчилар сонига бўлиш йули билан аникланади.

4.8. Асосий фондлардан фойдаланишнинг муҳим курсаткичларидан бири фонд самарасидир. Бу курсаткич товар махсулоти ҳажмини асосий фондларнинг уртача йиллик кийматига бўлиш йули билан аникланади. Тахлил жараёнида корхона буйича бир сумлик асосий фондларга тугри келадиган фонд самараси ҳамда ишлаб чиқаришда тугридан тугри катнашадиган асосий фондларнинг актив қисмидан фойдаланиш даражаси аникланиши зарур. Тахлилнинг асосий вазибаларидан бири корхона буйича асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасига таъсир курсатувчи омиллар аникланиши зарур. Бу курсаткичга куйидаги омиллар таъсир курсатиши мумкин.

1. Ишлаб чиқаришда катнашадиган асосий фондларнинг жами асосий фондлар ичидаги улушининг узгариши.

Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун асосий фондларнинг актив қисми улуши буйича фарқ утган йилги асосий фондларнинг актив қисмининг самарадорлиги даражасига купайтирилади.

2. Асосий фондларнинг актив қисмидан фойдаланиш самарадорлиги даражасини узгариши.

Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун асосий фондларнинг актив қисми буйича самарадорлик даражасининг фарқи ҳисобот йилидаги асосий фондларнинг актив қисмининг улушига купайтирилади.

Юқоридаги курсаткичлардан ташқари бир станок-соатига тугри келадиган махсулот ҳажми аникланиши зарур. Бу курсаткич махсулот ҳажмини жами ишланган станок-соатга бўлиш йули билан аникланади. Тахлил қилинаётган корхонада асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини баҳолаш ва унинг узгаришига юқорида қайд қилинган омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқиш учун куйидаги жадвал тузилади.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасининг тахлили

<i>Курсаткичлар</i>	<i>Утган йил</i>	<i>Хисобот йили</i>	<i>Фарқи</i>
1. Товар махсулоти м.с.	20200	21120	+920
2. Асосий фондларнинг уртача йиллик киймати, минг сум	19520	19380	+140
3. Асосий фондларнинг актив қисмининг уртача йиллик киймати, минг сум	13664	13759	+95
4. Асосий фондларнинг актив қисмининг жами асосий фондлар ичидаги улуши, %	70	70,99	+0,99
5. Куч берувчи машиналар томонидан ишланган жами, станок-соатлар	24240	24170	-70
6. Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси, сум	1,035	1,089	+0,054
7. Асосий фондларнинг актив қисмидан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси, сум	1,478	1,534	+0,56
8. Бир станок-соатга тугри келадиган махсулот ҳажми, сум	833,3	873,8	+40,5

Жадвалдаги маълумотлардан қуринишича асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси ҳисобот йилида утган йилга нисбатан 0,054 сумга қупайган. Бунга асосий фондларнинг актив қисми улушининг қупайиши ижобий таъсир қурсатган. Бизнинг мисолимизда асосий фондларнинг актив қисми улушининг 0,99 % қупайиши асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини 0,014 сумга

$$0,99 \times 1,478$$

(-----) узишига олиб келади.

100

Асосий фондларнинг актив қисмидан фойдаланишнинг самарадорлик даражасининг утган йилга нисбатан 0,056 сумга узиши, жами асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини 0,040 сумга қупайишига олиб келди. Жами асосий фондларнинг самараси буйича умумий фарқ 0,054к(+0,014+0,040).

Махсулот ҳажмининг узгаришига станок-соатлар ҳажмининг узгариши ва бир станок соатга тугри келадиган махсулот ҳажмининг узгариши қуйидагича аниқланади.

Бизнинг мисолимизда махсулот ҳажми 920 минг сумга қупайган.

1. Станок – соат ҳажмининг узгариши натижасида

+ 70 x 833,3 + 58,3 минг сум.

Станок-соатлар хажмининг утган йилга нисбатан 70 станок-соатга камайиши махсулот хажмининг 58,3 минг сумга
- 70 x 833,3

камайишига олиб келди. -----

100

2.Бир станок соатга тугри келадиган махсулот микдорининг узгариши. Бизнинг мисолимизда бир станок соатга тугри келадиган махсулот микдори 40,5 сумга купайган бу эса уз

+ 40,5 x 24170

навбатида махсулот хажмининг 978,3 минг сумга (-----)

100

купайишига олиб келди.

Текшириш: +978,3-58,3 к +920 минг сум, махсулот хажми буйича умумий фарк. Махсулот хажмининг узгаришига таъсир курсатувчи омилларни интеграл усулда куйидагича аниклаш мумкин.

1. Станок соатлар хажмининг узгариши натижасида:

0,405 x 70

0,833 x 70 + ----- к 58,3 + 14,2 к - 72, 5 минг сум

2

2. Бир станок соатига тугри келадиган махсулот микдорининг узгариши натижасида:

0,405 x 70

24240 x ----- к 978,3 + 14,2 к + 992,5 минг сум

2

текшириш +992,5 – 72,5 к + 920 минг сум.

4.9-жадвал

**Асосий воситлар самарадорлигини ифодаловчи
курсаткичларни аниклаш хисоб-китоби**

(минг сум)

Курсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Узгариши (+, -)	Узгариш суръати %
Хажм курсаткичлари				
1. Соф фойда (Ф)	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Сотилган махсулот (Q)	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
3. Ялти даромад (Д)	511,0	711,7	+200,7	139,3
4. Асосий воситаларнинг уртача йиллик киймати (Ав)	4747,5	5147,5	+400	108,4
Нисбий курсаткичлар				
5. Авнинг рентабеллиги, % (1к x 100 : 4к)	7,75	9,64	+1,89	124,4
6. Авнинг махсулдорлиги (2к : 4к)	0,97	1,11	+0,14	114,4

10. Ав.нинг даромадлиги, % (3к x 100 : 4 к)	10,76	13,83	+3,07	128,5
--	-------	-------	-------	-------


4.10-жадвал

**Асосий воситлар билан таъминланганликни ифодаловчи
курсаткичларни аниклаш ҳисоб-китоби**


(минг сум)

Курсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Узгариши (+, -)	Узгариш суръати %
Ҳажм курсаткичлари				
1. Асосий воситалар уртача киймати (Ав)	4995	5300	+305	106,1
2. Сотилган маҳсулот ҳажми (Q)	4583,3	5694,5	+111,2	124,3
3. Асосий воситаларнинг фаол қисми (Авф)	3726	4150	+424	111,4
4. Уз маблаглари киймати (Ум)	4115	4500	+385	109,4
5. Ходимлар сони, киши (X)	112	121	+9	108,0
Нисбий курсаткичлар				
6. Асосий фондларнинг сотилган маҳсулотдаги сизими, тийин (1 к : 2 к)	1,090	0,931	-0,159	85,4
7. Ходимларнинг асосий фондлар билан қуролланганлик даражаси, сум (3 к : 5 к)	33,3	34,3	+1,0	103,0
8. Уз маблагларининг асосий воситалар билан таъминланган-лиги, сум (1 к : 4 к)	1,214	1,178	+0,036	97,0

**Асосий воситалар (Ав) билан таъминланганликни ифодаловчи
курсаткичлар ва уларни аниклаш йуллари**



**Асосий воситалар (Ав) самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар
ва уларни аниклаш йуллари**



Уз-узени назорат килиш саволлари:

1. Асосий фондлар таркиби, улардан фойдаланиш тахлилининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат ?
2. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда тахлилни ахамияти қандай?
3. Асосий воситалар билан таъминланганлик тахлили ?
4. Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги тахлили қандай амалга оширилади ?
5. Асосий фондлар таркиби тахлилининг вазифалари нималардан иборат ?
6. Асосий фондлар таркибини қайта техник жиҳозлашнинг таъсири тахлили қандай аниқланади ?
7. Фонд билан таъминланганлик коэффициентлари қандай аниқланади?
8. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигига қандай омиллар таъсир қилади?
9. Асосий фондларнинг актив қисмидан фойдаланиш тахлили қандай амалга оширилади?
10. Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар тизимига нималар қиради?

5-Мавзу: Моддий ресурслар таъминоти ва улардан самарали фойдаланишнинг тахлили.

2 соат

- 5.1. *Моддий ресурсларнинг иқтисодий таснифи.*
- 5.2. *Тахлилнинг ахамияти ва вазифалари.*
- 5.3. *Моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш тахлили.*
- 5.4. *Моддий ресурслардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар тахлили.*
- 5.5. *Ишлаб чиқаришда материаллар ҳажмини таннархга таъсири тахлили.*

Адабиётлар: 1, 8, 9, 10, 13, 16.

Таянч иборалар: *Моддий ресурслари, айланма маблағлар таркиби тахлили, материал сарфлар ресурслар самарадорлиги, сарф меъёрининг узгариши, материал баҳосининг узгариши, фифо, лифо, уртача таннарх.*

5.1. Хар бир саноат корхонаси ишлаб чикариш учун зарур товар-моддий бойликлар захираларини ташкил килади ва уни ишлаб чикариш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида режали равишда тулдириб беради. Саноат корхоналари ишлаб чикариш захираларининг сакланиши тугри ташкил этиш ва улардан унумли фойдаланишни тула таъминлаш мухим ахамиятга эгадир.

Моддий ресурслар таркибига ишлаб чикариш захиралари, хом-ашё материаллари, эхтиёт кисмлар, арзон баҳоли тез тузувчан буюмлар ва бошкалар киради. Бу ресурслар ишлаб чикариш жараёнининг турли боскичларида иштирок этиб, корхонанинг айланма маблаглари деб юритилади.

Хом ашё ва моддий маблаглар деб ишлаб чикаришнинг муайян даврда фойдаланишда булган ва шу даврда ишлаб чикарилган махсулот (иш ва хизматлар) таннархига уз кийматини тулик боровчи буюмларга айтилади.

Биз моддий айланма маблагларнинг холати ва улардан фойдаланиш даражасини купрок ишлаб чикарилган махсулот, иш ва хизматлар таннархига нисбатан урганамиз. Моддий ашёвий маблаглардан ноишлаб чикариш ёки ишлаб чикаришдан ташкари жараёнларда фойдаланишни эса корхона сарфларининг алохида таркиб катори сифатида каралади. Ишлаб чикариш омиллари таркибига кирувчи меҳнат ашёлари ва уларнинг омиллари таркибига кирувчи меҳнат ашёларива уларнинг чекланганлиги, аввало, улардан фойдаланишни тугри ва мақсадли бошкаришни талаб этилади. Ресурслар ёки маблаглар чекланганлиги, бевосита уларнинг захираси тугаши ва чегараланганлиги характерлайди. Бунга моддий ресурсларнинг барча жихатлари ёки элементларини киритиш мумкин. Ресурслар ёки маблагларнинг чекланганлиги улардан тежаб-тергаб ва самарали фойдаланишни талаб этади.

Шунингдек, хорижий амалиётда корхонанинг айланма маблагни шакллантиришдаги шахсий салмоги 25 % дан кам булмаслиги мақсадга мувофик деб хисобланади.

Фойдаланилган моддий ресурслар даражаси айланма маблаглар айланишини жадаллаштиришнинг мухим омиллардан хисобланади. Махсулотга кам хом-ашё сарфлаш, махсулот сотиш хажмини ошириш ва махсулот таннархини арзонлаштириш мижознинг фойда куришни оширишнинг мухим манбаи хисобланади. Моддий ресурслардан тежамли фойдаланиш махсулот сотиш хажмини ошириб, айланма маблагларнинг айланувчанлигини тезлаштиради.

5.2. Моддий ресурслар тахлилининг мазмуни, унинг олдига куйилган вазифаларидан келиб чиқади. Тахлилда ашёвий ресурслар

билан корхонанинг таъминлаганлик даражасига, улардан самарали фойдаланишнинг ҳолатига, маҳсулот ҳажмини устиришда ашёларни тугри бошқаришнинг аҳамиятига. Ашёвий ресурсларни иктисод килиш юзасидан ички имкониятларни белгилаш ва йулга куйишга муҳим аҳамият берилади.

Шу маънода иктисодий таҳлил олдига ҳам ута муҳим вазифалар куйилади Жумладан:

- моддий ресурслар таъминот режасининг бажарилишига баҳо бериш;
- ресурслар ва улар буйича нормативларга катъий амал килинишини урганиш;
- моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланишнинг даражасига бериш;
- моддий айланма маблағлар, ашёвий ресурслар айланишини урганиш;
- муҳим самарадорлик курсаткичлари ва уларнинг узгаришини омилли таҳлил этиш;
- маҳсулот ҳажмининг узгаришига таъсир этувчи меҳнат ашёлари билан боғлиқ булган омилларни урганиш;
- ишлаб чиқариш харажатлари таркибида меҳнат ашёларининг салмоқ курсаткичларини урганиш ва х.к.лар.

Саноат корхоналари фаолияти куп киррали булганлигидан, бажарадиган ишларнинг натижалари ҳам хилма-хил омилларга боғлиқдир. Шу сабабларга иктисодий таҳлил жараёнида айрим омиллар таъсирини ҳам урганиш керак булади. Иктисодий таҳлил сифати ва ҳулосаларининг тугри булиши куп жихатдан таъсир этувчи омилларнинг чуқур урганилишига боғлиқ. Корхона фаолиятининг натижаларига таъсир этадиган омилларнинг таркибий қисмлари аниқ ажратилиб текширилса, таҳлил шу қадар чуқуррок утказилади, фойдаланилмаётган ички имкониятлари купрок топилади.

Шундай экан ҳужалиқ фаолият таҳлил қилинаётганда моддий ресурслар таҳлили ҳам амалга оширилади. Чунки моддий ресурслар ишлаб чиқариш жараёнини ва давомийлигини таъминловчи асосий омилдир. Моддий ресурслар таҳлилида моддий ресурслар ҳолати, таркиби, уларнинг сарфланиши ҳолатини урганиш ва ортикча сарф харажатларга йул куймаслик ҳамда улардан оқилона фойдаланиш йуллари аниқланади.

Шунингдек, саноат корхоналари маҳсулотлари харажатлари ичида куп улушни материал харажатлар ташкил қилади. Шунинг учун материал харажатлар исрофгарчилига йул куймаслик учун ҳам таҳлил

амалга оширилади. Бунда айникса, материаллар сарфи меъёри хакикатдаги сарф билан таккосланади. Бунда узгариш сабаблари ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланади.

Бунда тахлил манбаси сифатида «Таъминот режаси хақидаги хисобот», «Бухгалтерия хисоботи» ва «Статистика хисоботи» ва меъёрлар хақидаги маълумотлардан фойдаланилади. Бунда айникса молиявий хисоботнинг №1-шакл маълумотларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш зарур.

5.3. Моддий ресурслар самарадорлигини характерловчи курсаткичлар тизимига моддий ресурслар кайтими ва сизими курсаткичлари киритилади. Моддий ресурслар кайтимиуларнинг хар бир сумига тугри келадиган махсулот хажмини тавсифласа, сизимихар бир сумлик махсулот хажмига тугри келадиган моддий ресурслар кийматини тавсифлайди. Тахлил этишда уларнинг киёсий фаркланишлари ва узгариш сабаблари урганилади.

Тахлил этишда моддий ресурслар киймати ва кайтими таъсирида махсулот хажмининг узгаришларига баҳо берилади. Махсулот хажмининг узгаришига таъсир этувчи моддий омиллар тахлилида уларнинг уртача йиллик кийматларининг узгариши ва моддий ресурслар кайтими узгаришларига мухим ахамият берилади. Бу бевосита корхонада мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва белгилашда мухим ахамиятга эга хисобланади (5.1-жадвал).

Моддий ресурслар самарадорлик курсаткичлари ва уларнинг махсулот хажми узгаришига таъсирининг тахлили

Курсаткичлар	Режа	Хакикатда	Фарқи(+,-)
1. Моддий харажатларнинг уртача йиллик киймати, минг сум			
2. Товар махсулоти, минг сум	42843	42043	-800
3. Товар махсулоти материал сизими (сум) (1/2)	74260	79797	+5537
4. Материал сарфи узгаришининг таъсири (+,-)	0,5769	0,5268	-0,050
А)товар махсулоти таннархидаги моддий харажатларнинг кимматлашиши (+). Пасайиши (-) $-0,05*79797+-$	X	X	-3989

3989 Б) товар махсулотининг хажми, минг сум -3989:0,5769+6914 5. Материал кайтими (2/1)	X	X	+6914
	1,73	1,89	+0,16


Корхонада моддий харажатлар кайтими утган йилга нисбатан +0,16 сумга ортган. Моддий сарфлар сизими эса -0,050 сумга камайган. Моддий сарфлар сизими узгаришининг махсулот таннархига таъсири - 3989 минг сумни товар махсулот хажмига таъсири эса +6914 минг сумни ташкил этган.


5.4. Саноат корхоналарида материаллар хажми ишлаб чиқариш миқдори ва бизнес режага асосан белгиланади. Шунингдек, материаллар хажми бозор иқтисодиёти шароитида бозордаги ишлаб чиқарилаётган махсулотларга булган талабга асосан аниқланади. Материаллар хажми меъёрини илмий асосланган меъёр даражасида саклаш учун брак махсулотлар тайёланишига йул қўймаслик керак. Аксинча факат сифатли ва рақобатбардош талабгир махсулотлар ишлаб чиқариш давр талабидир. Шунингдек, истеъмол бозорини доимий урганиш маркетинг хизмати ва реклама ишлари материаллар хажмини белгилашда узига хос аҳамиятга эга. Корхонанинг истеъмол бозоридаги фаоллиги материаллар хажмини аниқлашда катта аҳамиятга эга. +уйида корхонанинг истеъмол бозоридаги фаоллигини ифодаловчи курсаткичлар ва уларни аниқлаш йуллари келтирилган.

Ишлаб чиқаришда материаллар хажми таннархга бевосита таъсир этади. Чунки ишлаб чиқариш харажатлари ичида материаллар сарфи куп улушга эга. Материал харажатларини узгаришига асосан 2 та омил таъсир курсатади.

1. Сарфланадиган материал харажатларини меъёринининг узгариши.
2. Материал харажатлари баҳосининг узгариши.

Корхонанинг истеъмол бозоридаги фаоллигини ифодаловчи курсаткичлар ва уларни аниқлаш йуллари





Шу сабабли корхоналарда товар-моддий бойликлар харакати устидан назорат урнатишда, уларнинг сарфланишини доимий равишда текшириб бориш алохида урин тутади. Айнан ана шу боскичда конун бузилиши холлари куп учрайди. Шунинг учун бундай фактлар хужаликнинг ва юкори ташкилотлар назорат ходимлари томонидан утказиладиган текширишда уз вактида аникланиши хамда чора курилиши лозим.

Товар-моддий бойликлар сарфланишининг конунийлиги ва бу операцияларининг тугри расмийлаштирилишини урганишда моддий бойликларнинг хар бир тури ва гурухини алохида йуналишлар буйича олиб бориш керак.

Корхона ходимларига моддий бойликлар олиш учун ишонч когози бериш хам катъий белгиланган тартибида амалга оширилиши лозим. Ишонч когозларини бериш ва улардан фойдаланишни назорат килишда корхонада ишонч когозлари бериш журналининг юритилиши, ишонч когозларининг махсус тасдикланган формада эканлиги, бу ишлар буйича хисобот бериш тартибининг сакланиши текширилади. Ишлнч когозлари рахбари ва бош бухгалтер имзоси билан ходимларга товар-моддий бойлмкларини олиш лозимлиги тугрисида асос булувчи хужжат (наряд, счёт) асосида 15 кунгача муддат берилади. Бунда назоратчилар хужаликда махсулотларни сотиш, ишчиларига таркатиш, уларни саклаш жараёнларида амалдаги тартиб-коидаларига риоя килинишини доимий кузатиб боришлари керак. Текшириш давомида аникланган угитларнинг нормал сарфланиш хажмлари алохида кайдномага ёзиб борилади, кейин шу асосида хужалик хисобот маълумотларига тегишли узгартиришлар

киритилади ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чоралари курилади.

Каттик ёнгилар сарфланишини текширишда уларни таркатиш нормаси ва ёнилги турлари буйича (утин, торф, кумир ва бошка) сотиш бахоларига амал килинишига эътибор берилади. Текширишда хужалик рахбарларига, мутахассисларга ва бошка ишчиларга асоссиз равишда каттик ёнилгининг бепул берилиши холлари бу операциялар утказилган сана, берилган ёнилги тури, микдори ва бахоси, ёнилгини олган шахсларнинг фамилияси хамда у кайтариш лозим булган сумма микдори акс эттирилган кайднома тузадилар. Ёнилгидан унумсиз фойдаланиш (бошка ташкилот ва шахсларга сотиш) фактларида бахоларнинг тугри тугри эканлиги текширилади.

Нефть махсулотлари сарфини текширишда асосий эътибор ёкилги ва мойлаш материалларининг тежалганлиги учун моддий кизиктириш ва ортикча сарфланганлиги учун моддий жавобгарлик масалаларига каратилган. Бунинг учун алохида тур нефть махсулотларининг хакикий ва норма буйича сарфини (машина трактор парки томонидан бажарилган иш хажмини хисобга олган холда) солиштириш, бажарилган ишлар ва сарфланган ёкилги микдорини назорат улчов килиш, текшириш утказилаётган пайтда мавжуд нефть махсулотларини кайта назорат инвентаризация килиш усулларидан кенг фойдаланилади.

Ишлаб чикариш жараёнини нормал давом эттиришга имкон берадиган товар-моддий бойликларни керакли хажмда режалаштириш бу бойликлардан самарали фойдаланишга имконият яратади. Назорат-тафтиш ишларида нормативларнинг сакланиши, нормативдан ташкари хужалик учун кераксиз булган материаллар мавжудлиги аникланади.

Бундай текширишлар бутун корхонада йил давомида узлуксиз олиб борилиши лозим.

Олдиндан амалга ошириладиган назоратда товар-моддий бойликларнинг хар бир группаси буйича режалаштрилаётган йил охирига хамда хар бир кварталга ишлаб чикариш захиралари нормативларининг тугри урнатилганлиги текширилади. Бунда утган йилда товар-моддий бойликларнинг хакикий ишлатилган микдори ва у ёки бу моддий бойликларининг хакикий ишлатилган колдиги аникланади, режалаштирилётган даврда сарфланиш микдори, улардан фойдаланишни яхшилаш чоралари топилади хамда амалдаги курсатмалар асосида квартал ва йил охирига захира нормативлар урнатилади. Бундай назорат ишлаб чикариш захираларининг асосли режалаштирилишини ва бу захираларидан самаралироқ фойдаланишини таъминлайди. Товар моддий бойликлар захиралари ва тайёр махсулот ишлаб чикариш хажми орасидаги нисбатни доимий равишда кузатиб бориш жорий назоратнинг самарали усулларидан бири хисобланади.

Иктисодий хужалик юритиш натижасида асосий ишлаб чиқариш ҳажми узиши билан моддий захиралар миқдори нисбатан камайиши лозим. Бу моддий бойликларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига тугри келувчи миқдорини ҳисоблаш билан аниқланади.

Товар-моддий бойликлар буйича назорат –тафтиш ишлари амалга оширилгандан сунг, ҳар бир моддий жавобгар шахс буйича оралик фактлари расмийлаштирилади.

5.5. Ишлаб чиқариш харажатларнинг таркибида асосий улушни бевосита материал харажатлар ташкил этади. Уларнинг салмоғи айрим саноат тармоқларида салкам 60-80 % ни ташкил этади. Шу жиҳатдан материал харажатларнинг узгариши ва узгариш сабабларини урганишдаги муҳим вазифа, уларни (маҳсулот ҳажмининг камайишига йул қуймаган ҳолда) иктисод қилиш ва улардан самарали фойдаланишдир.

Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қуйидаги материал харажатлар қиради:

- ҳом ашё;
- электр қуввати;
- ёқилғи;
- эҳтиёт қисмлар;
- мойлаш материаллари ва х.к.

Материал харажатлар маҳсулот ҳажмининг узгаришига таъсир қилувчи узгарувчан харажатлар ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг узгаришини урганишда, албатта, узаро алоқадорлик даражасига ҳам аҳамият бериш талаб этилади. Бунда ҳар бир сумлик маҳсулот ҳажмига тугри келадиган ёки ишлаб чиқариш харажатларининг материал сизими курсаткичларига муҳим эътибор берилиши лозим. Маҳсулот ҳажмининг узиши билан бирга узгарувчан харажатлар билан бир қаторда, доимий харажатлар улуши ҳам узгариб боради.

Материал харажатлар узгаришига таъсир этувчи омилларнинг бир неча жиҳатини келтириш мумкин. Лекин ҳисоб-қитоб қилинадиган икки омилни фарқлаш лозим. Булар, материал харажатлар сарф меъёри ҳамда материал харажатлар баҳосининг узгаришидир. Барча омиллар таъсирини шу икки омил воситасида ҳисоблаш мумкин. Бу ерда меъёр узгаришини миқдорий бирлик, баҳо таъсирини эса сифат бирлиги, дебқаралиши ҳам мумкин.

Материал харажатларни ҳисобдан чиқариш усулининг узгариши (фифо, лифо, уртача таннарх ва х.к.), ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлардаги узгаришлар таъсири, материалларнинг уриндош қийматлари билан алмаштирилиши ва ҳақозо омиллар таъсири ҳам, албатта, ушбу икки омил таъсирида ҳисоб-қитоб қилинади. Омиллар

таъсирини аниқлашда иктисодий таҳлилнинг боғланиш ва алоқадорлик учун мос булган усуллари қулланилади.

Таҳлил учун керакли маълумотлар маҳсулот калькуляциясидан олинади. Бундай ҳисобот шаклида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган материал турлари. Уларнинг миқдори, материал баҳоси келтирилади (5.2-жадвал).

5.2-жадвал

Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун материаллар сарфи

Материаллар тури	Режа			Ҳақиқатда		
	Соф миқдори (тонна)	Материал бирлиги баҳоси (сум)	Сумма (минг сум)	Соф миқдори (тонна)	Материал бирлиги баҳоси (сум)	Сумма (минг сум)
Пулат	1200	120,0	144,0	1300	125,0	162,5
Чуян	1020	150,0	153,0	1200	165,0	198,0
Жами	х	х	297,0	х	х	360,5

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар харажати режага нисбатан 63.5 минг сумга ортган. Шундай 39,0 минг суми материаллар баҳосининг ортиши эвазига, қолган 24,5 минг суми эса сарф меъёрига риоя қилмаслик туфайли юз берган. Материаллар баҳоси пулат бўйича 6,5 минг сумга. Чуян бўйича 18,0 минг сумга ортган. Сарф меъёри узғариши таъсири пулат бўйича + 12,0 минг сумга, чуян бўйича + 27,0 минг сумни ташкил қилган.

Таҳлил давомида, албатта, материаллар сарфининг узғариш сабаблари, дастгоҳларнинг техник жихатидан носозлиги, хом ашё сифати, ишчиларнинг малакаси, хом ашё етказиб берувчиларнинг узок ва яқинлиги, юк ташиш, давлат томонидан материаллар нарҳини белгилашдаги узгартиришлар ва бошқа сабабларга аҳамият берилади.

5.3-жадвал

Сарф "меъёри" ва материал "баҳо"си узғаришининг материаллар харажати таъсири (занжирли боғланиш усулида)

Курсаткичлар	Материаллар харажати, минг сум			Фарқи (-,+)		
	Режа, режа миқдори ва режа баҳоси	Ҳақиқий, ҳақиқий миқдор, ҳақиқий баҳо	Шартли ҳақиқат даги миқдор ва режа баҳосида	Жами (3-2)	Шу жумладан	
					Сарф меъёри (3-1)	Материал баҳоси (2-3)

Пулат	144,0	162,5	156,0	+18,5	+12,0	+6,5
Чуян	153,0	198,0	180,0	+45,0	+27,0	+18,0
Жами	297,0	360,5	236,0	+63,5	+39,0	+24,5

Уз-узини назорат килиш саволлари:

1. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда моддий ресурслар сарфини тежаш тахлилининг ахамияти ва вазифалари?
2. Тахлил максоди ва вазифалари, маълумот манбалари нималардан иборат ?
3. Ишлаб чиқаришда материаллар хажмини таннархга таъсири қандай ?
4. Моддий ресурсларда самарали фойдаланишдан назоратнинг вазифаси, нималардан иборат?
5. Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қандай материал харажатлар қиради?
6. Материал харажатлар узгаришига қандай омиллар таъсир этади?
7. Материаллар харажати узгаришига таъсир этувчи омиллар тахлили қандай амалга оширилади?

6-Мавзу: Мехнат кучлари билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланишнинг тахлили.

2 соат

- 6.1. *Мехнат кучлари тахлилининг ахамияти ва вазифалари.*
- 6.2. *Мехнат курсаткичлари ва уларнинг тавсифи.*
- 6.3. *Мехнат кучлари таркиби ва улар билан таъминланиш тахлили.*
- 6.4. *Мехнат кучларидан самарали фойдаланиш ва унга таъсир этувчи омиллар тахлили*

Адабиётлар: 4, 6, 13, 20, 25.

Таянч иборалар: *мехнат, мехнат кучлари, мехнат буйича хисобот тахлили самарадорлиги, ходимлар микдори, ходимлар таркиби, ходимлар кунимсизлиги, ходимлар сонининг узгаришини мутлок ва нисбий фарқлари тахлили.*

6.1. Корхона ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши бевосита унинг меҳнат ресурслари мавжудлиги ва улардан фойдаланишга боғлиқ. Шу сабабли корхона фаолиятини таҳлил қилишда ишчи кучи билан таъминланганлик, иш вақтидан фойдаланиш даражаси, меҳнат самарадорлиги даражаси, меҳнатга ҳақ тулашнинг рағбатлантирувчи ролини урганиб чиқиш зарур.

Чунки бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарини бир меъёрида ривожлантириш учун меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти катта.

Меҳнат ресурсларидан тулик фойдаланмаслик натижасида ишлаб чиқариш ҳажми камаяди, меҳнат унумдорлиги пасаяди ҳаражатлар купаяди, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаяди, маҳсулот таннари кимматлашади.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш бизнес режасида маҳсулот ишлаб чиқариш, бажариладиган иш ҳажмлари ва меҳнат унумдорлигининг оширилишини ҳисобга олган ҳолда меҳнат кучларига булган талаб режалаштирилади.

Таҳлил жараёнида корхоналар ишчи кучлари билан таъминланганлик даражаси, иш вақтидан унумли фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини эришилган даражасига баҳо бериш, маҳсулот бирлигига сарфланган иш вақтини (киши-соатлари) камайтириш ва аниқланган имкониятларни ишлаб чиқаришга жорий этиш олинади.

Меҳнат кучларидан тулик фойдаланишнинг ички хужалик имкониятлари аниқланиши ва ҳисобланиши зарур. Бундай таҳлилнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- 1) Меҳнат ресурслари таркибини урганиш;
- 2) Мавжуд ишчи кучи микдорини аниқлаш;
- 3) Ишчи кучларидан фойдаланиш таҳлили;
- 4) Меҳнат кучларидан тулик ва тизимлигича фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

Ана шу мақсадда 1т-Ш. «Меҳнат буйича ҳисобот» (иловалари билан), 5с-Ш. «Корхона (ташқилот)нинг маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотишга қилган ҳаражатлари тугрисидаги ҳисобот» маълумотларидан, меҳнат ва иш ҳақи булими, ходимлар булими материалларидан, цехлар ва касблар буйича ишлаб чиқариш меъёрларининг бажарилиши ҳусусидаги маълумотлардан фойдаланиш лозим.

6.2. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир саноат корхонасининг иқтисодий имкониятлари меҳнат ва уни ташқил қилинишига боғлиқ. Меҳнат бу инсон томонидан ишлаб чиқариш воситалари билан меҳнат предметларига таъсир қурсатиш жараёнида юз бераётган

муносабатлардир. Мехнат натижаси корхоналарнинг иш фаоллигини акс эттиради. Корхонанинг иш фаолияти деб, уз максадига эришиши йулида иктисодий ва молиявий салохиятидан самарали фойдаланиш эвазига мунтазам равишда иктисодий усишни таъминлашдан иборат чора-тадбирларга айтилади.

Мехнат самарадорлиги мехнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг асосий курсаткичларидан биридир.

6.3. Мехнат ресурслари деб жисмонан ва аклан етук мехнат килиш кобилиятига эга булган шахсларга ёки ходимларга айтилади. Мехнат ресурсларига доимий, мавсумий ва вақтинча ишловчи ишчилар хизматчилар, ёрдамчи тармоқларда ишловчи ходимлар киради. Шунингдек, мехнат ресурслари таркибини:

16 ёшдан – 55 ёшгача булган аёллар

16 ёшдан – 60 ёшгача булган эркаклар ташкил килади.

Корхоналардан мехнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолати ва самарадорлигини тавсифлайдиган асосий курсаткичлар муайян кундаги ходимлар миқдори, ходимларнинг уртача йиллик миқдори, корхона ишчи-ходимлари тузилиши, мехнатга ҳақ тулаш фонди, мехнатга ҳақ тулаш харажатлари даражаси, бир ходимга туланаётган иш ҳақининг уртача суммаси, иш ҳақи усиши суръатларининг чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ортиши ва мехнат самарадорлигига нисбати, ходимларни ишга қабул килиш, ишдан бушатиш ва ходимлар кунимсизлиги айланмаси коэффициентларидан иборат.

Ушбу курсаткичлардан ҳар бирини аниқлаш услубиятини куриб чиқамиз.

Муайян кундаги **ходимлар миқдори** корхона ходимларининг руйхат таркибини тавсифлайди. Асосий фаолияти буйича руйхат таркибига бир йилдан ортиқ муддатга ишга олинган ишчи-ходимлар киритилади. Ишчи-ходимларнинг муайян кундаги руйхат миқдори тугрисидаги маълумотлар 1т-Ш. «Мехнат буйича ҳисобот» 10 сатр «Ишчи-ходимларнинг (уриндошларсиз) ҳисобот даври бошидаги руйхат миқдори» ва 15 сатр «Ишчи-ходимларнинг (уриндошларсиз) ҳисобот йили охиридаги руйхат миқдори» шаклидаги статистика ҳисоботларидан олинади. Ана шу курсаткичлар асосида ишчи-ходимларнинг мутлак миқдори ва улар миқдори узгариши суръатларининг тавсифи берилади. Ишчи ходимлардан фойдаланишнинг сифат курсаткичларини ҳисоблаб топиш учун ой, чорак ва йил учун ҳисоблаб аниқланадиган уртача руйхат курсаткичларини ҳисоблаб топиш зарур.

Ишчи-ходимларнинг бир ой мобайнидаги уртача руйхат миқдори ойнинг барча иш кунларидаги руйхат буйича ишчи ходимлар сонини

кушиш ва олинган йигиндини мазкур ойдаги иш кунлари сонига булиш билан хисоблаб топилади.

Ишчи-ходимларнинг чорак давомидаги уртача руйхат микдори чоракдаги барча ойларда уртача руйхат сонини

кушиш ва олинган йигиндини чоракдаги ойлар (3) сонига, ярим йил учун эса – 6 ойга булиш билан хисоблаб аникланади.

Ишчи ходимларнинг бир йилги уртача руйхат микдори хар бир ойдаги уртача руйхат микдорини кушиш ва олинган йигиндини 12 га булиш билан аникланади.

Ишчи-ходимларнинг уртача руйхат микдори 1-Т шаклида 01 ва 02 сатрларида, 1 НДС шаклида эса 001, 002 ва 003 сатрларида курсатилади.

Корхона ишчи-ходимлари таркиби турли тоифа ходимларнинг тахлил максадидан келиб чикиб аникланадиган ишчи-ходимларнинг руйхат таркибининг умумий микдоридаги улушини тавсифлайди. Масалан, ишлаб чикарувчи ишчиларнинг ходимлар умумий микдоридаги улуши, аёллар улуши, олий ёки урта махсус маълумотли ишчи-ходимлар улуши, ишчи-ходимларнинг меҳнат стажига кура таркиби ва х.

Ишчи-ходимлар меҳнатининг самарадорлиги иш вакти бирлигида ишлаб чикарилган махсулот микдорини тавсифлайди ва махсулот ишлаб чикаришнинг (киймати ёки натурал куринишда) ишчи-ходимларнинг уртача руйхат сонига нисбати сифатида аникланади. Ушбу курсаткич меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва корхона хужалик фаолиятининг ута муҳим курсаткичларидан биридир. Уртача соатлик, уртача кунли, уртача ойлик, уртача чораклик ва уртача йиллик махсулот ишлаб чикаришни фарклаш лозим.

Уртача соатлик махсулот ишлаб чикариш бирон-бир давр (ой, чорак, йил) мобайнида ишлаб чикарилган махсулот микдорини ишчилар ушбу давр давомида ишлаган иш соатига (киши-соатлар) булиш билан аникланади. Уртача ишлаб чикаришнинг колган курсаткичлари шунингдек ишлаб чикарилган махсулотнинг ана шу даврдан хар биридаги ишчи-ходимларнинг уртача микдorigа булиш оркали топилади.

6.4. Корхона фаолиятининг натижавийлиги ва самарадорлиги куп жихатдан унинг ишчи кучи билан кай даражада таъминланганлигига боглик. Шу маънода ходимлар ва уларнинг сохиблари фаолиятни максадли бошкаришга муҳим (шахсий) омил сифатида карашади. Ишчи кучи билан таъминланиш тахлилида ходимларнинг режага ва утган йилларга нисбатан узгаришлар, махсулот хажмини устириш юзасидан мутлак, ва нисбий фарклар, ходимлар айланишини характерловчи курсаткичлар урганилади. Корхонанинг меҳнат ресурслари билан тула бандлиги тахлили бевосита уларнинг режага ва утган йилларга

нисбатан, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасидаги бандлигини, маҳсулот ҳажми узиши юзасидан талаб этиладиган ходимлар сонини урганишни тавсифлайди. Ходимлар сони буйича мутлак ва нисбий фаркланишлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан олиб қаралган ҳолда аниқланади.

Шунингдек, таҳлил этишда меҳнат ресурслари ҳаракатини характерловчи асосий курсаткич сифатида ходимлар қунимсизлиги аниқланади: Ходимлар қунимсизлиги қуйидаги боғланишда аниқланади:

$$+ \text{кун к} \frac{\text{Хс}}{\text{Х}}$$

Бунда:

+кун-ходимлар қунимсизлиги коэффициентини.

Хс-корхона ва умумжамият характерида бўлмаган сабаблар таъсирида ишдан бушаганлар сони (уз аризасига кура ва меҳнат интизомини бузганлиги сабабли ишдан бушаганлар).

Х-ходимларнинг руйхатдаги уртача сони.

Ходимлар қунимсизлиги бевосита уларни ишга қабул қилиш коэффициентини ҳисобот даврида ишга қабул қилинган ходимлар сонини уларнинг уртача руйхат сонига бўлиш асосида аниқланади.

Ходимларнинг ишдан бушатиш коэффициентини ишдан бушаган жами ходимлар сонини уларнинг руйхатидаги уртача сонига бўлиш асосида аниқланади (6.3-жадвал).

Курсаткичлар	Ходимлар сони, киши
1. Режа буйича	1560
2. Маҳсулот ҳажми узгаришига мувофиқ ишчилар сони $1560 * 20,9/100$	1886
3. Ҳақиқатда	1450
4. Мутлак фарк (3-1)	-110
5. Нисбий фарк (3-2)	-436

Корхона банд бўлган ишчилар сони режага нисбатан 110 кишига кам бўлган, лекин нисбий фаркланиш буйича ходимлар сони 436 кишини ташкил этади. Бу билан корхонада асосий эътибор меҳнат самарадорлиги ошиши ҳисобига маҳсулот ҳажминини устиришга қаратиш орқали изохлаш мумкин.

Уз-узени назорат килиш саволлари:

1. Мехнат ресурслари тахлилининг мақсади нималардан иборат?
2. Мехнат курсаткичлари қандай тавсифланади?
3. Тахлил манбалари нималардан иборат ?
4. Корхоналарда мехнат ресурслари таркиби ва динамикаси тахлили қандай амалга оширилади ?
5. Ишчи-ходимлар мехнатининг самарадорлиги қандай аниқланади?
6. Корхона ишчи кучи билан таъминланганлик тахлили қандай амалга оширилади?
7. Ходимлар қунимсизлиги тахлили нима учун утказилади?
8. Ходимларни ишдан бушатиш коэффициентлари тахлили нима учун амалга оширилади?

7-Мавзу: Мехнат ҳақи фонди ва ундан фойдаланиш тахлили

2 соат

7.1. Мехнат ҳақи тахлилининг аҳамияти.

7.2. Мехнат ҳақи фонди, уни шакллантириши ва ундан фойдаланишнинг тахлили.

7.3. Мехнат ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар тахлили.

7.4. Мехнат ҳақи фондидан фойдаланишни назорат килиш.

Адабиётлар: 7, 8, 9, 13, 20, 24, 25.

Таянч иборалар: *Мехнат ҳақи фонди, ишбай, вақтбай иш ҳақи, мехнат унумдорлиги, мехнат ҳақи тулаш тахлили, мехнат ҳақининг уртача суммаси тахлили, ишга қабул қилиш бўйича айланиш коэффициенти тахлили, ишдан бушатиш бўйича айланма коэффициенти тахлили, мехнатга ҳақ тулаш назорати тахлили.*

7.1. Мехнат ҳақи фонди миллий даромаднинг ходимлар уртасида улар мехнатининг миқдори ва сифатига асосан тақсимланадиган ҳамда шахсий истеъмол мақсадлари учун фойдаланиладиган қисмидир. Корхона мехнатга ҳақ тулашда мехнат унумдорлигини оширишни, ходимлар малақасини устиришни, маҳсулот сифатини яхшилашни ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш рағбатлантиришнинг энг муҳим воситаси сифатида фойдаланади.

Мехнат ҳақи фондига ҳамма ходимларга-доимий, мавсумий, вақтинча ишлайдиган ходимларга бажарилган иш учун туланган пул маблағлари, шунингдек амалдаги қонунларга мувофиқ ходимларга

ишланмаган вақтлари учун туланган ҳақ суммаси ҳам кушилади. Меҳнат ҳақи фондидан тариф ставкалари ва мансаб окладлари буйича ҳақ тулаш, касб маҳорати учун қушимча ва устама ҳақлар берилади, навбатдаги ва қушимча таътиллари учун ҳам ҳақ туланади.

Ҳар бир корхона меҳнатга ҳақ тулаш тартибини, ходимларнинг пул ишлаб топиш имкониятларини ўзи белгилайди. Демак, меҳнатга ҳақ тулашни қулланилиши жараёнида давлат тарифларига тегишли малакадаги ходимлар меҳнатга ҳақ тулашнинг энг кам даражадаги ойлик иш ҳақиси деб қаралади. Шунинг учун бу тарифлар, мулк шаклидан қатъий назар, мамлакатдаги барча корхоналар учун мажбурийдир.

Янги тариф тизими айтилган вақтда халқ хужалигининг ишлаб чиқариш тармоқларини ўз ичига олади, маданият, соғлиқни сақлаш ва маориф ходимлари ҳам меҳнат ҳақи даражаси жиҳатидан ишлаб чиқариш соҳасидаги ходимлардан орқада қолмасликлари керак. Шунингдек корхоналарда шарнома буйича ишчиларни ёллаши мумкин. Бунда давлат тарифи иш ҳақининг қуйи ҳажми сифатида қўйилади. Меҳнатга ҳақ тулашнинг қолган масалалари-ҳақ тулаш тартиблари, муқофот, рағбатлантириш, қушимча ҳақ ва ҳокозолар давлат идораларининг аралашувисиз корхоналар томонидан муқим ҳал қилинади. Бунда ҳар бир ходимнинг меҳнат ҳақи чекланмайди ва даромад солиқи билан тартибга солиниб турилади.

Меҳнат ҳақи фондидан фойдаланишда меҳнат унумдорлигини ўсиши даражаси меҳнат ҳақини ўсиши даражасидан юқори бўлишига эътибор бериш керак. Бундай муносабат маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш ва унинг таннархини пасайишига олиб боради. Шунинг учун ҳар бир корхонада меҳнат ҳақи фондидан унумли фойдаланиш мақсадида таҳлил ишлари амалга оширилиши зарур.

7.2. Меҳнатга ҳақ тулаш фонди – ишчи ходимларга муайян вақт (ой, чорак, йил) учун ҳақ тулашга муқимланган ёки ҳисобланган пул маблағларининг умумий суммаси. Меҳнатга ҳақ тулаш фонди ҳажмини аниқлашда солиқлар ва ўзга туловлар истисно этилмайди.

Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнатга ҳақ тулаш ва корxonанинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳаларида (уй-жой, коммунал хизматлар, болалар боғчалари ва х.) банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тулаш фондларини фарқлаш лозим.

Саноат ходимлари меҳнатига ҳақ тулаш фондини урганишда ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, хизматчилар, уқувчилар, кичик хизмат қўрсатувчи ходимлар ва қўриқлаш хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тулашни ажратадилар. Ишчи-ходимларнинг ана шу тоифаларининг ўзи буйича уларнинг тузилишини, яъни меҳнатга ҳақ

тулаш фондининг умумий суммасида ишчи-ходимларга тоифалар буйича ҳақ тулашнинг улушини белгилайдилар ва урганадилар.

Маълумотлар 1-Т «Мехнат буйича ҳисобот» шаклидан олинади.

Бир ишчи-ходимга тугри келадиган **мехнат ҳакиннинг уртача суммаси** муайян давр учун мехнат ҳақи фонди суммасини ходимларнинг уртача руйхат сонига булиш билан аникланади. Бундай ҳисоб-китоб ҳам барча ишчи-ходимлар буйича, ҳам алоҳида тоифалар буйича амалга оширилади. Ана шу курсаткич асосида ҳулосалар, масалан ишчи-ходимлар ижтимоий-иқтисодий даражасининг узгариши ҳусусида ва ҳ. ҳулосалар килинади.

Мехнат ҳакиннинг усиш суръати чиқарилган маҳсулот ҳажмининг усиши ва мехнат самарадорлиги билан таккосланиб корхона фаолиятининг самарадорлиги аникланади. Ҳолис иқтисодий қонуният маҳсулот чиқариш ва мехнат самарадорлигининг усиш суръатлари мехнат ҳақи фондининг усишидан олдинда бориши кераклигини талаб килади.

Мехнат ресурсларидан фойдаланишни тавсифлайдиган муҳим курсаткичлардан ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бушатиш ва ходимлар қунимсизлиги буйича айланма коэффицентларидир.

Ишга қабул қилиш буйича оборот коэффиценти ҳисобот даврида ишга қабул қилинган сонининг ишчи-ходимлар уртача руйхат микдорига нисбати сифатида қуйидаги формула буйича аникланади

Кай.каб. к Хс.каб. / Ч,

бунда **Кай.каб.** - қабул буйича айланма коэффиценти;

Хс.каб. – ҳисобот даврида ишга қабул қилинган ишчи-ходимлар микдори;

Ч – ишчи-ходимларнинг уртача руйхат микдори.

Ишдан бушатиш буйича айланма коэффиценти ҳисобот даврида турли сабабларга қура ишдан бушатишганлар сонининг ишчи-ходимларнинг уртача руйхат микдорига нисбати сифатида қуйидаги формула буйича аникланади

Коб.буш. к Хс.буш. / Ч,

Ходимлар қунимсизлиги коэффиценти уз хоҳишига биноан, ишга сабабсиз келмаганлик, мехнат интизомини бошқача бузганлик (ана шундай интизомсизлик ходимлар қунимсизлиги дейилади) учун ишдан бушатишганлар сонининг ишчи-ходимларнинг уртача руйхат сонига нисбати сифатида қуйидаги формула буйича аникланади

К.қун. к Ход.қун. / Ч,

бунда **Ккуп.** – ходимлар кунимсизлиги коэффиценти;

Ход.кун. – уз хошига биноан, сабабсиз ишга келмаганлик учун ва бошка интизомсизлик учун ишдан бушатишган ходимлар сони, яъни ходимлар кунимсизлиги.

Ходимлар кунимсизлиги коэффицентининг узиши ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир курсатади, меҳнат самарадорлигини, маҳсулот сифатини пасайтиради, ходимлар тайёрлашга булган сарф-харажатларни купайтиради.

7.3. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда шунингдек, меҳнат самарадорлигининг узиш суръатини меҳнат ҳақи тулаш фондининг узиш суръатлари билан такқослаш зарур. Қорхона ва давлат иктисодиёти нормал тараккий этган шароитда меҳнат самарадорлигининг узиши меҳнатга ҳақ тулаш суръатидан олдинда бориши шарт.

«Маданият» ОТАЖда меҳнат самарадорлигининг узиш суръатлари амал қилаётган нархларда меҳнатга ҳақ тулашнинг узиш суръатидан юқори. Бундай ҳолатни нормал, меҳнат ҳақ тулаш фонди ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг узишидан дарак берадиган ҳолат деб ҳисоблаш мумкин, бироқ меҳнатга ҳақ тулаш фонди товар нархларининг узишини ҳисобга олиб мувофиқлаштирилмаган.

Аниқрок ҳисоб-китоб қилиш ва товар нархлари узиши индексини ҳисобга олиш учун меҳнатга ҳақ тулаш даражасини қиёсий улчамга қайта ҳисоблаш ва меҳнат самарадорлиги узгариши билан такқослаш лозим булар эди.

Аниқрок ҳисоб-китоб қилиш ва товар нархлари узиши индексини ҳисобга олиш учун меҳнатга ҳақ тулаш даражасини қиёсий улчамга қайта ҳисоблаш ва меҳнат самарадорлиги узгариши билан такқослаш лозим булар эди.

Кейинчалик ишчилар миқдори, улар меҳнати самарадорлигининг ва нархлар узгаришининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига таъсирини ҳисоблаб топиш зарур (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

«Маданият» ОТАЖда ишловчилар миқдорининг, меҳнат самарадорлиги ва нархлар узгаришининг ҳисобот йилда маҳсулот чиқариш ҳажмининг базис йилга нисбатан таъсири
(минг сум)

Курсаткич	Базис йилда	Ҳисобот т йилда	Фарқ (+, -)	
			Ҳами	Шу жумладан қуйидагилар узгариши ҳисобига

				<i>Ишчилар микдори</i>	<i>Мехнат самара-д</i>	<i>Нархлар</i>
<i>Чикарилган махсулот Амалдаги нархларда +иёсий нархларда</i>	8350	17239	8889	198,8	-3478,8	12169,0
	8350	5070	-3280	198,8	-3478,8	
<i>Ишчиларнинг йиллик уртача сони, киши</i>	84	86	+2			
<i>Бир ишчи хисобига ишлаб чикарилган махсулот: Амалдаги нархларда +иёсий нархларда</i>	99405	200453	101048			
	99405	58953	-40452			

Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш мақсадида аввал бир ишчига тугри келадиган чикарилган махсулотни (мехнат самарадорлиги) амал килаётган ва киёсий нархларда хисоблаш шарт. Бунинг учун чикарилган махсулот хажмини ишчи-ходимларнинг йиллик уртача микдorigа булиш керак. Бизнинг мисолимизда бир ишчига тугри келадиган чикарилган махсулот куйидагига тенг булди:

Амалдаги нархларда

Базис й.-99405 сум. (8350,0:84)

Хисобот й.-200453 сум. (17239,0:86)

киёсий нархларда

Базис й. – 99405 сум

Хисобот й. – 58953 сум. (5070:86)

Мехнат самарадорлиги базис йилга нисбатан амалдаги нархларда 101048 сумга усди, солиштирма нархларда эса 40452 сумга камайди.

Ишчиларнинг уртача руйхат микдори иккита кишига купайди.

Ишчилар сонининг чикарилган махсулот хажмига таъсирини аниқлаш учун ишчилар сонининг огишини (2) мехнат самарадорлигининг асос суммасига (99405) купайтириш лозим.

Бизнинг мисолимизда ишчилар сонининг купайиши хисобига чикарилган махсулот хажми 198,8 минг сумга ортди (2x99405).

Мехнат самарадорлиги узгаришининг чикарилган махсулот хажмига таъсирини аниқлаш учун мехнат самарадорлигининг киёсий нархлардаги фаркини хисобот йилдаги ишчилар хакикий сонига купайтириш лозим. Шундай килиб, мехнат самарадорлигининг пасайиши натижасида ишлаб чикариш хажми 3478,8 минг сумга камайди (4045 x 86).

Нарх узгаришининг ишлаб чикарилган махсулот хажмига таъсири киёсий ва амал килаётган нархлардаги махсулот чикариш орасидаги фарк сифатида куйидаги формула буйича аникланади

1

ЧМ_p к $\dot{a}q_1P_1$ - $\dot{a}q_0P_0$ к 17239 – 5070 к 12169.0

Товар нархларининг кутарилиши натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 12169,0 минг сумга ортди.

Шундай қилиб, ушбу уч омил таъсири ҳисобот йилида маҳсулот чиқаришнинг базис йилига нисбатан умумий оғишига олиб келади.

888,9 к 198,8 – 3478,8 + 12169,0

Сунг ишчи-ҳодимлар сонини таҳлил қилиб чиқиб, бунда қуйидагиларни аниқлаш зарур:

ҳақиқатда ишловчиларнинг тоифалар бўйича мутлак ва нисбий фарқи;

ишчи-ҳодимларнинг тоифаларига қура тузилмаси;

унинг узгариши динамикаси;

ҳодимларнинг таълими, стажи ва разрядлари бўйича малака таркиби, ходимлар қунимсизлиги ва унинг сабаблари.

Буларнинг бари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатига таъсир курсатади.

Бундан ташқари, меҳнат самарадорлигига замонавий техника ва технологиялар таъминланганлик ҳам уз таъсирини утказди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг юксак даражасига эришиш, товарларни рақобатбардош қилиш учун ишлаб чиқаришга энг замонавий техника ва технологияни жорий қилиш зарур.

7.4. Меҳнат ҳақи фондидан фойдаланиш устидан назорат ички ва ташқи органлар томонидан олиб борилади. Ички органлар номидан қорхонанинг раҳбари, режа иқтисод булими ходимлари ва муҳосиблик булими ходимлари олиб боради. Муҳосиблик булими ходимлари дастлабки ҳужжатларда курсатилган иш ҳажмини, белгиланган нархларнинг тугри қулланганлиги меҳнат ҳақи учун туланган маблағлардан қандай фойдаланаётганликни текширади.

Вактбай ишларда банд бўлган ходимлар бўйича меҳнатни руйхатга олиш варақаси (табелъ) ҳисобини тугри юритилиши текширилади. Ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақининг тугрилиги текширилади.

Ишбай ишлар бўйича меҳнат ҳақи фондидан фойдаланиш устидан назорат қилишда меъёрий нархлардан тугри фойдаланилганлигига эътибор берилади.

Жами олинган маҳсулот учун туланадиган меҳнат ҳақи суммаси маҳсулот бирлигига белгиланган нархни ҳақиқий олинган маҳсулот ҳажмига қупайтириш йули билан аниқланади. Меҳнат ҳақи фондидан фойдаланишни назорат қилишда тасдиқланган меҳнат ҳақи фондининг

умумий суммасига, штат ва вақтбай ишларда ишлайдиган ходимларнинг лавозимлик ойлик иш ҳақларига амал қилиниши текширилади.

Қорхона ёки унинг булимларида меҳнат ҳақи фондидан фойдаланишнинг тугрилигини текшириш учун нисбий тежам ёки фонддан ошириб қилинган сарфни аниқлаш зарур. Бунинг учун режадаги меҳнат ҳақи фондини ҳақиқий ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмига нисбатан қайта ҳисоблаб чиқиш керак.

Меҳнат ҳақи фондидан фойдаланиш бўйича жорий ва йиллик ҳисобот тузилиб, туман статистика булими ва юқори идораларга топширилади.

Қорхоналар ҳар ойда туман статистика булимига ходимлар сони ва меҳнат ҳақи фондидан фойдаланиш тугрисида жорий ҳисобот топширади. Бу ҳисобот икки булимдан иборат бўлиб, биринчи булимда ходимлар сони, меҳнат ҳақлари ва ишлаган вақти курсатилади. Иккинчи булимда ходимлар мутахассислиги бўйича сони ва меҳнат ҳақи курсатилади. Маълумотлар иш вақтини ҳисобга олиш табели ва ҳисобланган меҳнат ҳақларини жамлаш йули билан аниқланади.

Уз-уздини назорат қилиш саволлари:

1. *Меҳнат ҳақи тахлилининг аҳамияти нимадан иборат?*
2. *Меҳнат ҳақи фонди, уни шакллантириши ва ундан фойдаланишнинг тахлили қандай амалга оширилади?*
3. *Меҳнат ҳақи тахлили қандай манбалар асосида амалга оширилади?*
4. *Меҳнат ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар тахлили қандай уюштирилади?*
5. *Меҳнат ҳақининг узиш суръатини меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсири тахлили?*
6. *Меҳнат ҳақи фондидан фойдаланиш устидан назоратни қимлар амалга оширади?*
7. *Ҳами олинган маҳсулот учун туланадиган меҳнат ҳақи суммаси қандай аниқланади?*
8. *Меҳнат ҳақи фондидан фойдаланиш тугрисидаги жорий ҳисоботи неча булимдан иборат?*

8-Мавзу: Меҳнат унумдорлиги тахлили

2-соат

8.1. Тахлилнинг аҳамияти ва вазифалари.

8.2. *Мехнат унумдорлиги курсаткичлари тахлили ва тахлил манбалари.*

8.3. *Мехнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар тахлили.*

8.4. *Мехнат унумдорлиги билан иш хакининг усиши орасидаги нисбат тахлили.*

Адабиётлар: 4, 9, 10, 20, 25.

Таянч иборалар: *Мехнат курсаткичлари, мехнат унумдорлиги, натижа билан ходимлар сони уртасидаги богликликнинг математик модели, интенсив омил, экстенсив омил, ишлаб чиқаришнинг техник технологик ташкилий иктисодий, ижтимоий-психологик омиллар тахлили, мехнат унумига таъсир этувчи омиллар тахлили.*

8.1. Мехнат унумдорлиги канчалик юкори булса, жамият моддий неъматлари шунча куп олади. Бозор иктисодиёти шароитига мослашиш ва ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мухим йулларидан бири корхоналар мехнат унумдорлигини оширишнинг йулларини излаб топишдир. Унумдорликни аниқлаш халк хужалигининг хар бир тармогида уз хусусиятига эга. Яъни иш вакти бирлигида ишлаб чиқарилган махсулот микдорида ёки махсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан улчанади. Амалда мехнат унумдорлигини аниқлаш учун киймат ва микдор курсаткичлар кулланилади. +иймат курсаткичи бир киши соатда ишлаб чиқарилган ялпи махсулоти сифатида урганилади. Микдор курсаткичи эса микдор куринишидаги маълум махсулотларни яратишга кетган киши-соат мехнат харажатлари сифатида хисобланади.

+иймат курсаткичлари корхона ишини умумий баҳолаш хужалик хисоби ва иктисодий рағбатлантириш ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда мухим ахамиятга эга. +иймат ифодасида ишлаб чиқарилган махсулот хажми билан белгиланади. Уни аниқлаш учун ишлаб чиқаришда сарфланган киши-кунни ёки киши соат хисобига канча ялпи махсулот чиқиши тугрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

+уйида мехнат унумдорлигининг натижа (иш хажми) ва ходимлар сони билан богликлик моделининг чизмадаги тасвири келтирилган.

Натижа (Q) билан ходимлар (X) сони уртасидаги богликлик куйидаги математик моделда ифодаланади.

$$MY = \frac{Q}{X} = \frac{Q}{X_{ac}} \times \frac{X_{ac}}{X}$$

Бунда X_{ac} – ишлаб чиқариш (савдо) билан банд бўлган асосий ходимлар сони.

Омилларни кетма-кет равишда « X_1 » ва « X_2 » қилиб белгилаб оламиз. Y ҳолда натижа билан омиллар уртасидаги боғлиқлик қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$Y = X_1 \times X_2$$

Бунда X_1 – ишлаб чиқариш (савдо) билан шугулланувчи асосий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги
 X_2 – асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси.

+айта ҳисобланган натижа $Y_{кх}$ к $X_1^к \times X_2^п$

Натيجанинг узгаришига асосий ходимлар меҳнат унумдорлигининг таъсир қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta Y_{x1} = Y_{кх} - Y^п = (X_1^к \times X_2^п) - (X_1^п \times X_2^п)$$

Натيجанинг узгаришига асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссасининг таъсирини аниқлаш қуйидагича амалга оширилади:

$$\Delta Y_{x2} = Y^к - Y_{кх} = (X_1^к \times X_2^к) - (X_1^к \times X_2^п)$$

Натيجанинг умумий узгариши барча омиллар таъсирининг йиғиндисига тенг:

$$\Delta Y = \Delta Y_{x1} \pm \Delta Y_{x2}$$

8.1-жадвал

*Мехнат унумдорлигининг иш хажми ва ходимлар сони билан
боглик курсаткичларни аниклаш ҳисоб – китоби*

<i>Курсаткичлар</i>	<i>Утган йилда</i>	<i>Ҳисобот йилида</i>	<i>Фарқи (+, -)</i>	<i>Узгариш суръати %</i>
Мутлак курсаткичлари				
<i>1.Махсулот хажми, минг сум</i>	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
<i>2. Ходимларнинг сони, жами, киши</i>	112	121	+9	108,0
<i>3.Шу жумладан ишлаб чиқариш билан банд булган асосий ходимлар (савдо зали ходимлари) сони, киши</i>	98	106	+8	108,2
Нисбий курсаткичлар				
<i>4.Мехнат унумдорлиги, минг сум (1к : 2к)</i>	40,92	47,06	+6,14	115,0
<i>5.Ишлаб чиқаришда банд булган ходимлар мехнат унумдорлиги, минг сум (1 к : 3 к)</i>	46,77	53,72	+6,95	114,9
<i>6. Асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши % (3 к : 2 к х 100)</i>	87,5	87,6	+0,1	100,1

8.2. Маълум вақт ичида ишлаб чиқарилган махсулот ёки махсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт мехнат унумини тавсифлайди. Мехнат унумдорлиги ишлаб чиқарилган махсулот, иш ва хизматлар хажминимехнат сарфига булиш асосида никланди. Мехнат сарфи сифатида сарфланган ишсоатлари ёки иш кунлари олинади. Шунингдек, иш кунлари ва соатларида банд булувчи субъект сифатида ходимлар ёки ишчиларнинг руйхатдаги уртача сони ҳам олинади. Тахлил этишда мехнат унумдорлиги, унинг усиш даражаси ва динамикасига баҳо берилади.

Мехнат унумдорлигининг усиш даражалари ва динамикасига баҳо беришда унинг узгаришига таъсир этувчикуйидаги омилларга алоҳида аҳамият берилади:

- Ø Интенсив омил;
- Ø Экстенсив омил;
- Ø Ишлаб чиқаришнинг техник-технологик ҳолати.

Мехнат унумдорлигининг усиши:

- Ø Махсулот хажми уни ишлаб чиқариш вақти ва сифатига таъсир этмаган ҳолда оширилишига;
- Ø Махсулот бирлигига мехнат сарфинингкамайишига;

- Ø Махсулот ишлаб чиқариш ва товарлар айланиш ва товарлар айланиш вақтини қисқартиришига;
 - Ø Хажм ва меъёрининг оширилишига имкон беради.
- Меҳнат унумдорлиги қиймат ва айрим ҳолларда натурал, шартли-натурал курсаткичларда аниқланди. Уни аниқлашнинг қуйидаги курсаткичлар тизими орқали таркиблаш мумкин (8.2-жадвал):

8.2-жадвал

Меҳнат унумдорлигини характерловчи тизими

Меҳнат унумдорлигини характерловчи курсаткичлар	
Бир ходимга тугри келадиган махсулот хажми	Махсулот (иш, хизмат хажми) МУ к----- Ходимларнинг уртача сони
Бир ишчига тугри келадиган махсулот хажми	Махсулот (иш, хизмат) хажми МУк ----- Ишланган уртача сони
Бир соатлик меҳнат унуми	Махсулот(иш, хизмат) М Ук ----- Ишланган иш соатлари
Бир кунлик меҳнат унуми	Махсулот (иш, хизмат) хажми М Ук ----- Ишланган иш кунлари

Меҳнат унумдорлигини алоҳида олинган корхона маълумотлари асосидаги таҳлилни қуйида қуриб утиш мумкин (8.3-жадвал):

8.3-жадвал

Меҳнат унумдорлиги таҳлили

Курсаткичлар	Утган йили	Ҳисобот йили	Фарқи +,-	Узгариш даражаси,%
А	1	2	3	4
1.Махсулот хажми, корхона улгуржи баҳосида, (минг сум)	15428	18650	+3222	120,9
2.Саноат ишлаб чиқариш ходимлари, киши	1914	1760	-154	91,9
3.Шу жумладан: ишчилар, киши	1560	1450	-110	92,9
4.Ишчиларнинг саноат ишлаб чиқариш ходимлари	81,5	82,3	+0,8	101,1

таркибидаги салмоги % да (3,2)				
5. Жами ишланган иш кунлари, минг киши- куни	430,6	366,0	-64,6	85,0
6. Жами ишланган иш соатлари, киши-соат	3014,2	2635,2	-379,0	87,4
7.Иш кунининг давомийлиги, соат(6,5)	7,0	7,2	+0,2	1,02
8. Бир ишчи томонидан ишланган киши-куни, кун(5,3)	276	252	-24	91,3
9. Бир ходимга тугри келадиган махсулот хажми, сум(1,2)	8060,6	10596,5	+2535,9	131,4
10. Бир ишчига тугри келадиган махсулот хажми, сум(1,,3)	9889,7	12862,0	+2972,3	130,0
11. Бир соатда ишлаб чиқарилган махсулот, сум (1,6)	5118,4	7077,2	+1958,8	138,3
12. Бир киши-кунида ишлаб чиқарилган махсулот хажми сум (1,5)	35829,0	50956,2	+15127,2	142,2

Корхонада ходимлар иш вақтидан фойдаланиш таҳлилидан шунини куриш мумкинки, жорий даврда бир ходимга тугри келадиган махсулот хажми утган йилга нисбатан 2535,9 минг сумга ёки +31,4% ортган. Шунингдек, бир ишчига тугри келадиган махсулот хажми ҳам 2972,3 минг сум ёки +30,0 % узишга эришилган. Бир кунлик ва бир соатлик меҳнат унуми курсаткичлари буйича узгариш +15127,2 минг сумни (ёки +38,2 %ни) ташкил этган.

8.3. Меҳнат унумдорлигининг узгаришига таъсир этувчи омилларни куйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:


1. Моддий-техник ва технологик.
2. Ташкилий-иқтисодий.
3. Ижтимоий-психологик.

Моддий-техник ва технологик омиллар ишлаб чиқаришда самарадор техника ва илгор технологик ускуналардан, шунингдек, ахборотлар технологиясидан, янги ашё ва материаллардан

фойдаланишни характерлайди. Улар купрок махсулотнинг хажмига, сифатига, меҳнат ва ашёвий сарфига таъсир этади. Ташкилий-иқтисодий омилларга бошқарувнинг, меҳнат ва бутун ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали ва замонавий тизимини куллаш усуллари киради. Ижтимоий-психологик омилларга-ходимларнинг сифат таснифини характерловчи (малакаси, меҳнат фаоллиги, мажбурияти ва хизмат вазифасига маъсуллиги, ишбилармонлиги) жихатларини фаоллаштириш масалалари киради.

Юқорида таркибланган барча омиллар узаро боғлиқ ва алоқадордир. Шу сабабли улар бевосита комплекс ҳолда урганилади.

Меҳнат унумдорлиги ва унинг узгаришига таъсир этувчи омилларни урганишда бир ишловчига ва бир ишчига тугри келадиган унумдорлик курсаткичларига аҳамият берилади. Бир ходимга тугри келадиган меҳнат унумининг узгаришига ишчиларнинг жами ишловчилар таркибидаги салмогининг узгариши ва бир ишчига тугри келадиган уртача йиллик ишлаб чиқарилган махсулот хажмининг узгариши таъсир этади. Бир ишчи меҳнат унумининг узгаришига эса унинг уртача йиллик иш кунларининг узгариши, иш кунининг давомийлигининг узгариши ҳамда бир соатлик меҳнат унумининг узгариши таъсир этади (8.4-чизма)



Таҳлилда ҳар бир омилнинг натижавий курсаткичга таъсир даражалари ҳисоблаб топилади ва уларнинг узгариш таъсири баҳоланади (8.5-жадвал).

Меҳнат унуми ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Бир ходимнинг иехнатунуми ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар		Бир ишчининг меҳнат унуми ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар		
Ишчилар-нинг саноат ишлаб чикариш ходимлари таркиби-даги салмог-ининг узгариши, (минг сум)	Бир ишчига тугри келадиган меҳнат унумининг узгариши, (минг сум)	Бир ишчи кунининг узгариши, (минг сум)	Иш куни давомий-лигининг узгариши, (минг сум)	Бир соатлик меҳнат унумининг узгариши, (минг сум)
+79,1176	+2446,2029	-859,8912	+257,96736	3554,04672
+ 0,008 * 9889,7	+ 2972,3 * 0,823	-24*7,0* 5118,4 / 1000	0,2 * 252 * 5118,4 /1000	+1958,8*25 2*7,2 / 1000

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки маҳсулотлаб чикариш самарадорлигини характерловчи курсаткич-меҳнат унумининг узгариши жами ходимлар ва ишчилар сонига нисбатан куйидаги булган: бир ходимга тугри келадиган уртача йиллик маҳсулот хажми йиллик маҳсулот хажми утган йилга нисбатан 2535,9 сумга ёки 11331,4 % га усган. Бу узгариш бевосита бевосита саноат ишлаб чихариш ходимлари таркибида ишчилар сонининг узгариши ва бир ишчи меҳнат самарасининг узгариши хисобига руй берган. Саноат ишлаб чикариш ходимлари таркибидаги ишчилар салмогининг 0,008 коэффициентга ёки +1.1 % усиши унумининг + 79,1176 (+0,008*9889,7) сум усишига олиб келган. Бир ишчигатугрикеладиган маҳсулот хажмининг утган йилга нисбатан +2972,3 сум ёки +30,0% га усиши натижасида бир ходимга тугри келадиган маҳсулот хажми +24446,2029(+2972,3*0,823) сумга усган.

Хисоб-китоблардаги ноаниклар:
+79.1176+2446,2029,2029+2525,3205-2535,9000к-10,5795 сумга тенг.

Бир ишчига тугри келадиган маҳсулот хажми утган йилга нисбатан +2972.3 сум ёки 30,0% га усган.

Бу узгаришда ишланган киши, киши кунларининг узгаришитаъсири-859,8912 сумга (-24*7,0*5118,4/1000), иш куни давомийлигинининг узгариши + 257,96736 сумга (+0,2*252*5118.4/1000), уртача бир соатлик меҳнат унумининг узгариши 3554,04672 сумга (+1958,8*252*7,2/1000) тенг булган.

Хисоб-китоблардаги ноаникликлар:
-859,8912+257,96736+3554,04672к2952,12288-2972,3к-20,1772 сум.

8.4. Иктисодий ривожланишнинг муҳим қонуниятларидан бири меҳнат унуми билан иш хакиннинг усиши уртасидаги нисбатининг

сакланишидир. Ушбу қонуният иш хаки узишининг махсулот ишлаб чиқариш ҳажми узиши билан узаро боғлиқлигини ҳарқатерлайди. Мехнат унуми билан иш хакининг узиши орасидаги алоқадорлик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 0,7 коэффициентда белгиланган. Бу алоқадорлик махсулот ҳажмининг ҳар бир фоизлик қушимча узишга нисбатан иш хакининг базавий даражасини 0.7 коэффициентга оширишни ифода қилади.

Махсулот ҳажмининг узишини аниқлашда, албатта, жорий давр курсаткичи утган даврнинг худди шу пайти билан таққосланади ва нисбий фарқланиш аниқланади. Узиш даражаларини аниқлашда махсулот ҳажмининг таққослама бирликларига амал қилинади. Яъни, таққосланувчи курсаткичлар бир хил индексда олинади. Бу ҳолатда махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини таққослама курсаткичлари ҳар бир тармоқнинг уз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади (8.6-чизма).



Таҳлил этишда меҳнат унуми билан иш хакининг узиши уртасидаги нисбатнинг қорхонада сакланишига ва унинг йиллар буйича узгаришига баҳо берилади. Меҳнат унумдорлиги узгаришнинг таъсир бирликлари, бир ходимга тугри келадиган иш хакининг узгариши ва унинг таъсир бирликлари ҳам таҳлилнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Ўз-узини назорат қилиш саволлари:

1. *Мехнат унумдорлиги курсаткичлари тахлили ва тахлил манбалари нималардан иборат?*
2. *Мехнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар таркибига нималар киради?*
3. *Мехнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар кандай тахлил қилинади?*
4. *Мехнат унумдорлигининг натижа ва ходимлар сони билан боғлиқлиги модели кандай тузилади?*
5. *Мехнат унумдорлигини характерловчи курсаткичлар тизими деганда нимани тушунасан?*
6. *Махсулот ҳажмининг ўсиши кандай аниқланади?*
7. *Мехнат унумдорлиги билан иш ҳақининг ўсиши орасидаги нисбат тахлили кандай амалга оширилади?*

9-мавзу: Ишлаб чиқариш харажатлари тахлили.

2 соат

- 9.1. *Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда иқтисодий тахлилнинг аҳамияти ва роли.*
- 9.2. *Корхона харажатлари таркиби тахлили.*
- 9.3 *Махсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва уларнинг тахлили.*
- 9.4. *Истеъмол фонди харажатлари ва ўзгариш тахлили.*

Адабиётлар: 4, 9, 10, 13, 24, 25.

Таянч иборалар: *харажатлар, корхона харажатлари, ишлаб чиқариш харажатлари, бевосита ва билвосита харажатлар тахлили, асосий иш ҳақи, қушимча иш ҳақи, устамалар, солиқлар, йиғимлар, харажатларнинг иқтисодий унсурлари тахлили, истеъмол фонди харажатлари.*

9.1. Иқтисодий тахлилнинг муҳим вазифаларидан бири-бевосита корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлашнинг, фойда олишни қарор топтиришнинг дастаги сифатида қарашлидир. Бу эса, албатта, қўп жихатдан корхона харажатлари, ички ва ташқи сарфларига боғлиқдир.

Харажатлар ўзининг турли белгилари бўйича ҳисоб ва тахлил объектига бўлинади. Булар бевосита корхона харажатларининг юзага чиқиш ўрни, шакли, жавобгарлик марказларининг таркибланиши билан боғланади. Иқтисодий тахлилнинг муҳим жихати бевосита ўшбу

объектилар буйича харажатларни даврий урганиш асосида уларни камайтириш юзасидан корхонада мавжуд булган ички имкониятларни аниклаш ва уларни ишга солишга каратилгандир. Бу эса корхона фаолиятининг натижаси билан ҳам боғланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил этишда уларни камайтириш йуналишларини белгилаш биринчи уринга қуйилади. Бу борада ишлаб чиқариш харажатларини режа ва утган йилларга нисбатан махсулот ҳажмига таъсир этмаган ҳолда ушиб кетиши сабаблари урганилади. Уларни мақсадли бошқаришнинг йуналишлари белгиланади. Харажатларнинг иқтисод қилиниши ва шу асосда рағбатлантириш механизмнинг йулга қуйилиши истикбол қурбаткичларини тугри тавсифлаш ва белгилаш имконини беради.

Корхонада нафакат ишлаб чиқариш харажатлари, балки ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларни ҳам тугри бошқаришга муҳим аҳамият берилади. Махсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасини аниклаш ва унда узгравчан ҳамда узгармас харажатларни тугри белгилаш масалари ҳам таҳлилнинг муҳим жиҳатидир. Махсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражаси ишлаб чиқариш харажатларини махсулот ҳажмининг узгаришига мувофиқ меъёрланиши билан белгиланади.

9.2. Корхона харажатлари деганда-тадбиркорлик фаолияти ва безнисни йулга қуйишдаги мақсадли ҳаракатни бошқаришни юзага чиқувчи сарфларга айтилади. Корхона жами харажатларини турли белгилари буйича таркиблашимиз мумкин (9.1-жадвал)

9.1-жадвал

Харажатларнинг туркумланиши

Харажатларни туркумлаш белгиси	Харажатларнинг туркумланиши
1	2
Юзага чиқиш шаклига кура	Асосий ишлаб чиқариш фаолияти буйича
	Молиявий фаолият буйича
	Тасодифий, қутилмаган ҳолатлардан
Махсулот таннархига қушилишига кура	Махсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган
	Махсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган
Юзага чиқиш урни буйича	Булим буйича
	Цех буйича
	Участка буйича
	Ва х.к.

Жавобгарлик марказлари буйича	Бош инженер
	Бош энергетик
	Лаборатория бошлиги
	Цех бошлиги
	Участка бошлиги
Булим бошлиги ва х.к.	
Сотиш хажмига ҳисобдан чиқарилишига кура	Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари
	Давр харажатлари
Даврига кура	Жорий давр харажатлари
	Келгуси давр харажатлари
Солиққа тортиладиган фойда суммасини аниқлашда ҳисобга олинишига кура	Солиққа тортиладиган базага қайта кушиладиган доимий тафовутлар
	Солиққа тортиладиган базага кушиладиган даври буйича тафовутлар
	Солиққа тортиладиган базани аниқлашда ҳисобга олмайдиган харажатлар
Маҳсулот хажмининг узгаришига мувофиқ	Узгарувчан харажатлар
	Узгармас, доимий харажатлар
Маҳсулот таннархига кушилишига қараб	Тугри харажатлар (бевосита)
	Эгри харажатлар(билвосита)
Молиявий натижаларга дахлсизлиги буйича	Маҳсулот таннархига кушиладиган харажатлар
	Фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар
Иқтисодий элементлар буйича	Ашёвий харажатлар
	Меҳнат ресурслари бандлиги буйича ва улар номидан қилинадиган харажатлар
	Давлат ва унинг номидан иш қурувчи ташкилотларга турли ажратмалар
	Меҳнат воситаларидан фойдаланиш харажатлари (амортизация, уларни саклаш, асраш ва фойдаланиш харажатлари)
	Бошқа харажатлар

Таҳлил этишда урганиш объекти ва таҳлил мақсадидан келиб чиққан ҳолда корхона харажатларининг у 1ки бу туркуми буйича узгаришлар ва узгариш сабабларига баҳо берилади. Такқослашдەки қиёсий урганишда жорий давр ва утган йил маълумотлари, режа курсаткичлари, уртача курсаткичлар ва тармок буйича бошқа маълумотлар оинади. Такқослашда курсаткичлар буйича мутлак узгаришлар нисбий курсаткичларни қуллаш орқали тулдирилади. Мухим жихати шундаки, эътибор динамик узгаришлар ва уларни такқослашдаги муаммоларга қаратилади. Бу муаммолар бевосита маълумотларнинг такқослаш вазнлари ва уларнинг бир хил кучда

эмаслиги билан белгиланади. Махсулот ишлаб чиқариш хажми баҳолашда таккослама баҳоларнинг қулланилиши каби ишлаб чиқариш харажатларини ҳам динамик жихатдан тугри баҳолаш услубини яратиш лозим. Бу масалада купрок харажатларни нисбий курсаткичлар асосида урганишда фойда беради. Харажатларнинг таккослаш курсаткичига нисбатан узгаришлари ва узгариш сабабларига эътибор қаратилади.

9.3. Ишлаб чиқариш харажатлари деганда махсулот (бажарилган иш, курсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш билан боғлиқ булган ва уларнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил этувчи барча харажатлар тушунилади. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил этишнинг услубий меъёрий шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 5 февралда қабул қилинган 54-сонли "Махсулот (бажарилган иш, курсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархи, махсулот (иш бажариш, хизмат курсатиш) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тугрисида"ги Низом билан белгиланади.

Махсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ булган харажатлар таркибини иқтисодий элементлар ва моддалар буйича қуйидаги таркибда бериш мумкин (9.2-жадвал).

9.2-жадвал

Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлар ва моддалар буйича туркумланиши

Иқтисодий элементлар буйича	Моддалар буйича
1	2
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита харажатлар	Хом ашё
	Ёқилги
	Электр қуввати
	Эҳтиёт қисмлар
	Идишлар ва х.к.
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари	Асосий иш ҳақлари
	+ушимча иш ҳақлари
	Иш ҳақиға устамалар
Ишлаб чиқаришга тааллуқли меҳнат ҳақидан ажратмалар	Ижтимоий таъминот булимиға
	Меҳнат биржасига
	Қасаба уюшмасига
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, эскириш харажатлари	Асосий воситаларнинг эскириши
	Номоддий активларнинг эскириши
	Асосий восита ва номоддий активлар ижара ҳақлари
Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	Турли ишлар ва хизматлар
	Солиқлар, йигимлар

Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлар ва моддалар буйича урганиш куйидагича фаркланади: булимлар ва корхона буйича жами харажатлар фақат иқтисодий элементлар буйича урганилади, маҳсулотлар тури ва туркуми буйича эса ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари асосида куриб чиқилади. Тахлил этишда ишлаб чиқариш харажатларининг жами узгариши ва унинг таркиб буйича узгаришлари мутлак ва нисбий жихатдан урганилади. Нисбий жихатдан урганишда хар бир туркум харажат моддаси ёки элементининг жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги салмогига баҳо берилади.

Бир сумлик маҳсулот хажмига тугри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг хар бир харажат элементи буйича урганилиши хам харажатларни мақсадли бошқаришда муҳим йуналишларидан бири ҳисобланади. Бир сумлик маҳсулотга тугри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари корхона асосий фаолиятининг самарадорлигини характерловчи муҳим курсаткичдир. Ушбу курсаткични айрим тур харажат элементлари буйича хам урганиш мумкин. Масалан, бир сумлик маҳсулотга тугри келадиган моддий ишлаб чиқариш харажатлари, бир сумлик маҳсулотга тугри келадиган ишлаб чиқариш характеридаги меҳнат хақи ва харажатлари ва х.к.

Бир сумлик маҳсулотга тугри келадиган харажат курсаткичини куйидаги боғланишларда аниқлаш мумкин:


$$\text{Бир сумлик маҳсулотга тугри келадиган харажат} = \frac{\text{Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) ларни ишлаб чиқариш харажатлари (таннархи)}}{\text{Маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш ўажми)}}$$

$$k = \frac{\text{Моддий харажатлар}}{\text{Маҳсулот ўажми}} + \frac{\text{Иш ўауи харажатлари}}{\text{Маҳсулот ўажми}} + \frac{\text{Иш ўауидаги ажратмалар}}{\text{Маҳсулот ўажми}} + \frac{\text{Амортизация харажатлари}}{\text{Маҳсулот ўажми}} + \frac{\text{Бошуа харажатлари}}{\text{Маҳсулот ўажми}}$$


9.4. Истеъмол фонди харажатлари деганда корхонада банд булган ходимлар ва улар номидан туланадиган харажатлар тушунилади. Бунга, меҳнат хақи сифатида ҳисобланадиган ва туланадиган харажатлар, туловлар, рағбатлантиришлар киритилади. Ходимлар номидан туланадиган туловлар таркибига уларнинг ишга катнаши ва овқатланиши билан боғлиқ булган харажатлар, кийим-кечаклар, коммунал хизмат ва уй-жой учун туловлар, уларни уқитиш билан боғлиқ ва бошқа шу каби туловлар киритилади.

Корхонада меҳнат хаки харажатларини таҳлил этишда меҳнат хаки фондининг режа ва утган йилларга нисбатан узгариши ва узгариш сабабларига, бир ходимга тугри келадиган уртача меҳнат шаки фонди ҳамда унинг узгаришига баҳо берилади. Меҳнат хаки фондининг шаклланиши ва унинг берилиши давлат ташкилотлари томонидан тартибга солиб турилади ва назорат қилинади. Бу бевосита кредит ташкилоти ҳисобланган банк тизими ва унинг булимлари бўлиши мумкин. Меҳнат хаки фондининг ҳисобланиши ва берилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан ҳар йили қайта тузиладиган услубий йуриқнома бу борадаги меъёрий ҳужжат сифатида олинади.

Меҳнат хаки фондининг шаклланиш механизмини қуйидаги жараёнлар кетма-кетлигида ҳам қуриш мумкин (9.3 ва 9.4-чизмалар)



9.3-чизма. Меҳнат хаки фондининг шаклланиш тартиби.



9.4-чизма. Мехнат хаки фондининг шаклланиш хисоб-китоби.

Уз-узини назорат килиш саволлари:

1. Тахлилнинг максад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Ишлаб чикариш харажатларини камайтиришида иктисодий тахлилнинг ахамияти ва роли нималардан иборат?
3. Корхона харажатлари деганда нимани тушунаси?
4. Корхона харажатлари таркиби тахлили кандай амалга оширилади?
5. Ишлаб чикариш харажатлари иктисодий элементлар ва моддалар буйича кандай гурухланади?
6. Махсулот ишлаб чикариш харажатлари таркиби ва уларнинг тахлилинини амалга ошириш тартиби кандай?

7. *Истеъмол фонди харажатлари ва унинг узгариши тахлили деганда нимани тушунасиз?*

10-мавзу: Махсулот таннархи тахлилининг роли ва вазифалари.

2 соат

10.1. Таннарх тахлилининг ахамияти ва манбалар.

10.2. Таннарх ва унга таъсир этувчи омиллар тахлили.

10.3 Махсулот таннархини харажат моддалари буйича тахлили.

Адабиётлар: 1, 9, 10, 11, 13, 20, 25.

Таянч иборалар: *таннарх, режали таннарх, хакикий таннарх, ишлаб чиқариш таннархи, тула таннарх, харажат моддалари тахлили, тугри ва эгри материал харажатлари, давр харажатлари, молиявий фаолият харажатлари.*

10.1. Махсулот ишлаб чиқариш учун маълум миқдорда харажатлар талаб қилинади. Харажатларнинг пулда ифодаланиши махсулотнинг таннархини ташкил этади. Махсулот таннархи саноат корхоналарида иш самарадорлигини белгиловчи асосий курсаткич ҳисобланади. Махсулот таннархининг узгаришда харажатлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини, меҳнат унумдорлигини, ишчиларга туланадиган меҳнат ҳақини, асосий фондлардан фойдаланишни ва хомашё-материалларидан фойдаланишни кузда тутамиз. Чунки саноат корхоналарининг ҳужалик ҳисобида ишлаш жараёнида махсулот таннархининг пасайиши муҳим аҳамиятга эга.

Махсулот таннархини тахлил қилишда ҳисобот давридаги махсулот таннархи режадаги махсулот таннархи билан ҳамда утган йилги махсулот таннархи билан таққосланади.

Махсулот таннархи тахлил қилишда тахлилнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: умумий харажатлар сарфига баҳо бериш, харажатларни элементлари ва моддалари буйича қандай сарфланганлигини текшириш, бир сумлик товар махсулот учун кетган харажатларни тахлил қилиш ва унинг узгаришига таъсир курсатувчи омилларни аниқлаш, харажатларнинг айрим моддаларини алоҳида-алоҳида тахлил қилиш ва шунинг билан бирга тахлилнинг натижаларига қура махсулот таннархини пасайтириш имкониятларини белгилаб беришдан иборатдир.

Махсулот таннархи корxonанинг махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг пулдаги ифодасидир. Таннарх асосида ишлаб

чикариш харажатлари ётади. Бозор иктисодиёти шароитида махсулот таннархини тахлил килишнинг ахамияти мулкчиликнинг барча шаклларида иш юритаётган корхоналар учун ахамиятга эга. Ишлаб чикариш харажати тугрисида тула-тукис маълумотга эга булмасдан ишлаб чикаришни илмий жихатдан ва самарали бошкариш мумкин эмас. Бу курсатгич фойда, даромад, рентабеллик даражаси, бахо ва бошка куп курсатгичлар билан боглик. Шунинг учун кишлок хужалик корхонаоарда махсулотларнинг ишлаб чикариш таннархи ва тулик таннархини фарклаш керак.

Корхонанинг ишлаб чикариш учун килган барча харажатлари махсулотнинг ишлаб чикариш таннархини белгилайди. Махсулотни тулик таннархи эса ишлаб чикариш таннархи ва махсулотни сотиш билан боглик булган харажатларини уз ичига олади.

Халк турмуш даражасининг юксалиши махсулот таннархнинг пасайишига куп жихатдан боглик.бунга эса асосан,мехнат самарадорлигини ошириш ва ишлаб чикариш харажатларини камайтириш йули билан эришиш мумкин.У жонли ва буюмлашган мехнатни тежашни билдиради,фойдани купайишини, бюджетга тушадиган туловларнинг ортишини таъминлайди. Шу боис махсулот таннархини мунтазам равишда оз-оздан пасайтириш мухим ахамиятга эга булиб,ишлаб чикаришни баркарор рентабеллик булишнинг таъминлашнинг мухим шартидир.

Махсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йуллари куйидагилардан иборат:бошкарув усулларини, ишлаб чикариш ва мехнатни илмий ташкил килишни, хужалик хисобини такомиллаштириш,ишлаб чикариш кувватлари ва ишлаб чикариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш ишлаб чикаришни бошкариш ва унга хизмат курсатиш харажатларини камайтириш, хужасизликка карши курашиш ва хокозалар.

Саноат корхоналарида махсулот таннархини тахлил килишнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

1.Махсулот таннархини пасайтириш режасининг бажарилишини аниклаш :

2. Таннархни режалаштирилганига нисбатан узгариш сабабларини аниклаш ва уни пасайтириш имкониятларини топиш:

3.Таннархни пасайтириш имкониятларини аниклашга каратилган чора тадбирлар ишлаб чикариш:

Бундан ташкари, махсулот ишлаб чикариш ва уни сотиш билан боглик булган хакикий харажатларнинг режага нисбатан булган иктисод (тежаш) ёки ортикча харажатга таъсир этувчи омилларни аниклаш,махсулот ишлаб-чикариш жараёнида моддий ва

мехнат кучларидан тугри фойдаланиш усттидан назорат олиб бориш, махсулот ишлаб-чиқариш махсулот айрим турларининг хақиқий таннархини режа таннархи билан солиштириш ва фарқларни белгилаш, уларнинг сабаблари ва таннархини пасайтиришнинг имкониятларини аниқлаш, таннарх буйича режанинг бажарилишини назорат қилиш.

Тахлил қилиш махсулот таннархининг қатор йиллар буйича ва тарқибини текширишдан, асосий махсулот турларнинг таннархини пасайтириш режасини бажарилишини урганишдан бошланади. Махсулот таннархини пасайиши ва ошишига таъсир этувчи омиллар урганилади. Бунинг учун махсулот тури буйича тахлил этилади.

10.2. Алохида махсулот турлари буйича ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва махсулотлар таннархини аниқлаш, молиявий натижага дахлдор булган элементларни иқтисодий жараёнларнинг тури, урни, жойи ва жавобгарлик буйича ҳисобга олинишини ва назорат қилиниши корхонанинг хужалик-молия фаолиятини бошқаришда муҳим ҳисобланади. Алохида олинган махсулотлар ишлаб чиқариш таннархини аниқлашга ҳисоб-китобларининг муҳим объекти сифати қаралади. Бунда махсулот таннархининг тугри аниқланишига аҳамият берилади. Махсулотлар таннархини аниқлаш ва ҳисобга олиш, молиявий натижавийликни тарқибли урганиш билан бирга, фойданинг шаклланиш қаторларини тугри баҳолаш имконини беради.

Алохида олинган махсулотлар таннархининг тахлилий харажатларни иқтисодий элементлар буйича эмас, балки харажат моддалари буйича урганишни, уларнинг режага ва утган йилларга нисбатан узгаришларига баҳо беришни ҳаида узгариш сабабларини урганишни тавсифлайди. Алохида олинган махсулотлар ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш ва тахлил этиш ишлаб чиқаришни бошқаришда сарфлар ва даромадларнинг юзага чиқиш уринларига тугри баҳо бериш имконини беради.

Махсулотлар ишлаб чиқариш таннархига ва унинг узгаришига таъсир этувчи омилларни харажат моддаларининг ҳар бир тури буйича алохида тарқиблаш мумкин. Масалан, материал харажатлар ёки ҳам ашё харажатлар узгаришига моддий сарфлар меъёрининг узгариши, уларнинг сотиб олиш баҳоларининг узгариши таъсир қилса, мехнат хақи харажатларининг узгаришида ишчилар сони таъсир қилади. Амортизация харажатлари буйича ҳам худди шу шаклда тарқиблашни айтиб ўтиш мумкин, яъни, амортизацияланган қийматнинг узгариши, амортизация меъёрлари, шунингдек амортизация ажратмалари ажратиладиган асосий воситалар тури, салмоғига боғлиқ ва х.к. Омиллар таъсирини аниқлашда ҳар бир таъсир бирлиги алохида ва бошқа омиллар таъсирисиз урганилади.

Алохида махсулот турлари буйича ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш ва таҳлил этиш, айрим махсулотларнинг фойдали ва рентабиллик даражасини таҳлил этишда жуда кул келади (10.1-жадвал)

10.1-жадвал

Алохида олинган махсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг таннархини харажат моддалари буйича таҳлили

№	Харажат моддалар	Режа		Бауиуатда		Фаруи, +,-	
		сумма	%	сумма	%	Сумма	%
1	Хом ашё харажатлари	12500	64,3	15400	64,5	+2900	+0,2
2	Ёнильи	500	2,6	560	2,3	+60	-0,3
3	Электр ууввати	210	1,0	235	1,0	+25	-
4	Иш ва хизматлар	1500	7,8	1650	6,9	+150	0,9
5	Иш бауи харажатлари	4200	21,6	5405	22,7	+1205	+1,1
6	Амортизация харажатлари	540	2,7	625	2,6	+85	+0,1
7	Бошуа харажатлар	19450	100	23875	100	4425	*

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, корхонада махсулот ишлаб чиқариш таннархи режага нисбатан 4425 минг сумга ортган. Ишлаб чиқариш харажатлари таркибида асосий улушни хом ашё ва иш хаки ташкил этган. +иймат ифодасида барча харажат моддалари буйича улушни куриш мумкин. Лекин нисбий курсаткичлар буйича ёнилги, иш ва хизматлар буйича камайиш кузатилган.

Махсулот ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларнинг хусусиятига боғлиқ. Саноат корхоналаридаги калькуляция моддалари таркибининг деярлик бир хилда булиши таннархни умумий хажмда ва услубда урганиш имконини беради. Бундай таҳлил бозор иктисодиёти шароитида махсулот бирлигига белгиланадиган нархни аниқлашда фойда ва рентабилликни оширишда муҳим урин тутати.

Харажатлар ичида куп улушни материал харажатлари ташкил этади, шунинг учун материал харажатлари сарфини таҳлил килишга алохида тухталиб утилиши зарур. Материал харажатларининг узгариши асосан энг муҳим иккита омилга боғлиқ. Биринчиси, сарфланадиган материал харажатлари меъёрининг узгаришига, иккинчиси, материал харажатлари баҳосининг узгаришига боғлиқ булади. Материал

харажатларининг узгаришига таъсир курсатувчи омилларни тахлил қилиш учун қуйидаги 10.2-жадвалдан фойдаланилади. Жадвалдан қуринишича, атлас буйича материал харажатлари 85 сумга, қрепдишин буйича 33 сумга ва помбархат буйича 150 сумга қупайган, факат шифон буйича харажатлар 120 сумга қамайган. Харажатларнинг қупайишига атлас буйича бир киши учун сарфланадиган меъёр микдоридан ҳақиқатда қупрок сарфланган ва шунинг билан бирга ҳисобот йилида баҳо ҳам режага нисбатан юқорирок бўлган. Худди шундай бошқа маҳсулотлар буйича ҳам харажатларнинг узгаришига меъёр ёки баҳонинг узгариши таъсир қурсатган.

Натижада меъёр ва баҳонинг узгариши ҳисобига жами ишлаб чиқарилган маҳсулотга сарфланган материал харажатлар суммасини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Бизнинг мисолимизда атлас буйича меъёр ва баҳонинг узгариши, жами ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан материаллар харажатларининг 102850 сумга, шундан қрепдишин буйича 32010 сумга ва помбархат 161250 сумга ортикча сарфланишига олиб келди. Факат шифон буйича материал харажатлари 160200 сумга тежалган, бу тежалиш асосан ҳақиқатдаги меъёр сарфини режага нисбатан қамайтириш ҳисобига эришилган.

Саноат қорхоналарида таннархи тахлил қилишда умумлаштирувчи қурсатқичлардан бири, бир сумлик товар маҳсулоти учун сарфланган харажат ҳисобланади. Тахлил жараёнида бир сумлик товар маҳсулот учун сарфланган харажатларнинг узгаришига таъсир қурсатувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг узгаришига ишлаб чиқарилган маҳсулот тарқибининг узгариши, материаллар баҳосининг узгариши, айрим маҳсулотлар таннархининг узгариши ва бошқа омиллар таъсир қурсатади.

Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг имқониятларини аниқрок билиш учун қальқуляция варақаларида берилган харажатларни ҳар тарафлама урганиш зарур. Биринчи навбатда, қайси моддалари буйича қупрок сарфларга йул қуйилган моддалар тахлилга жалб қилинади, сабаблари урганилади ва пасайтириш йуллари белгилаб берилади.

10.3. Бизга маълумки, 1999 йил 5 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси қорхоналарида маҳсулот таннархи «ишлаб чиқариш харажатлари тарқиб ва маҳсулот таннархини уз ичига олган маҳсулот (иш ва хизматлар) сотилиши ва молиявий натижаларнинг ҳосил бўлиши тарқиб тугрисида»ги қурсатмага биноан белгиланиши қерак.

Қурсатмага асосан маҳсулот (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқариш таннархи маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида фойдаланиладиган табиий ресурслар, хом-ашё, материаллар ёқилги, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш

билан боғлиқ булган бошка харажатлар кийматини уз ичига олган бахо сифатида аникланади. Ишлаб чикариш таннархини ташкил киладиган харажатлар уз иктисодий мазмунига кура куйидагача гурухланади:

-Ишлаб чикариш материал харажатлари (кайтган чиқиндилар кийматини айириб ташланади);

-Ишлаб чикариш йуналишдаги меҳнатга туловлар харажати;

-Ишлаб чикариш тегишли булган ижтимоий сугурта ажратмалари;

-асосий фондлар амортизацияси ва ишлаб чикаришга мулжалланган номоддий активлар амортизацияси:

-бошка харажатлар:

Бу харажатлар хозирги курсатмага мувофиқ куйидаги мақсадлар учун аникланади.:

1. Маҳсулот ишлаб чикариш ва сотишдан ҳосил булган барча харажатлар тугрисидаги маълумотларнинг муҳосиблик ҳисоби счётларида тулик ва аниқ йигилиб бориши корхона фаолиятининг рентабеллик ҳамда бозордаги рақобат қобилияти даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

2. Солиқ солишни тугри аниқлашга ёрдам беради. Товар маҳсулот таннархига кирувчи барча харажатларини хозирги курсатмага биноан куйидагича гурухлаш мумкин:

-маҳсулотнинг ишлаб чикариш таннархи таркибидаги харажатлар;

-асосий фаолият фойдасида ҳисобга олинандиган давр харажатлари (ишлаб чикариш таннархига кирмайди):

-корхонанинг молиявий фаолияти буйича харажатлар.

Булар корхонанинг умумий фаолияти фойдаси ёки зарарида ҳисобга олинади:

-фойда ёки зарар ҳисобида фойдадан ёки даромаддан солиқ тулагуноча қадар, қузда тутилмаган зарарлар.

Буни куйидагича курсатиш мумкин:

1. Маҳсулот таннархи:

А) тугри ва эгри материал харажатлари;

Б) ишлаб чикариш мақсадидаги, устама харажатлар билан бирга, эгри ва тугри бошка харажатлар.

2. Давр харажатлар:

а. сотиш харажатлари

б. бошкариш харажатлари;

в. бошка операция ва зарарлар;

3. Молиявий фаолият харажатлари:

а. фойзалар буйича харажатлар;

б. чет эл валютаси операциялари (муомалалар) буйича курслардаги салбий фарқлар;

в. қимматбаҳо қозғалар таркибидаги маблағларни қайта баҳолаш;

г. бошқалар;

д. кузда тутилмаган зарарлар;

Жумхуриятимизда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарнинг товар маҳсулот таннархини чуқур ва мунтазам тарзда таҳлил қилиш халқ хужалиги ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки маҳсулот таннархи корхона рентабеллик даражаси билан боғлиқдир. Таннарх канча паст бўлса рентабеллик даражаси шунча юқори бўлади. Демак, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш тадбирларни амалга ошириш корхона молиявий натижасини ижобий бўлишга, халқ турмуш даражасининг юксалишига олиб келади. Бунга эса, асосан меҳнат самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йули билан эришиш мумкин. Бундан ташқари, бозорда товарлар шаклларини қупайтириб, корхоналарнинг хужалик мустақиллигини таъминлаш керак. Бунинг учун, ишлаб чиқаришга, яъни замонавий техника-технологияни жалб қилиш, малакали мутахасисларни етиштириш мавжуд меҳнат воситалардан самарали фойдаланиш даркор. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот таннархини калькуляция қилишга ишлаб чиқариш харажатларнинг руйхатини тузиш мумкин;

Материал харажатларининг узгаришига таъсир курсатувчи омилларни тахлил килиши

Махсулот турлари	Бир метр махсулот учун кетган материал харажатлари, сум			Фарки			Хакикатда ишлаб чиқарилган махсулот миқдори, метр	Ишлаб чиқарилган махсулот буйича фарки		
	Режадаги меъёр буйича ва режадаги баҳо	Хакикатдаги меъёр буйича ва режадаги баҳо	Хакикатдаги меъёр буйича ва хакикатдаги баҳо	Хаммаси буйича	Шу жумладан			Хаммаси	Шу жумладан	
					Меъёр хисоби	Баҳо хисоби			Метр хисобига	Баҳо хисобига
1	2	3	4	5 (4-2)	6 (3-2)	7 (4-3)	8	9 (5x8)	10 (6x8)	11 (7x8)
Атлас	1280	1344	1365	+85	+64	+21	1210	+102850	+77440	+25410
Шифон	1275	1122	1155	-120	-153	+33	1335	-160200	-204255	+44055
Крепдишин	600	576	633	+33	-24	+57	970	+32010	-23280	+55290
Помбархат	2010	2144	2160	+150	+134	+16	1075	+161250	+144050	+17200

1. Моддий харажатлар кайтарилган чикитлар киймати чикариб ташланади.

2. Мехнатга хак тулашга килинган харажатлар.

3. Давлат ижтимоий сугуртасига ажратмалар.

4. Мажбурий сугуртага ажратмалар.

5. Асосий фондларни тула тиклашга килинган амортизация ажратмалар.

6. Бошка харажатлар.

Махсулот таннархига пул ва натурал шаклдаги куйидаги тулов киритилмайди: моддий ёрдам: бир йиллик иш якунлари буйича мукофотлар, болали аёлларга кушимча таътил учун хак, нафакаларга устама хаклар, мехнат жамоасининг акциялари буйича туланадиган даромадлар, фойда ва махсус манбалар хисобидан бериладиган бошка туловлар.

Уз-узини назорат килиш саволлари:

1. Таннарх тахлилининг ахамияти ва манбалари нималардан иборат?

2. Таннарх тахлилининг вазифалари нималардан иборат?

3. Таннарх ва унга таъсир этувчи омиллар тахлили кандай амалга оширилади?

4. Алохида олинган махсулотлар таннархи тахлили кандай амалга оширилади?

5. Махсулот таннархини харажат моддалари буйича тахлили деганда нимани тушунасиз?

6. 1999 йил 5 февралдаги Низомнинг иктисодий мазмуни нимадан иборат?

7. Молиявий фаолият харажатлари таркиби тахлили кандай амалга оширилади?

11-Мавзу: Муомала харажатлари таркиби тахлили

2 соат

11.1. Муомала харажатларини пасайтиришда тахлилнинг вазифалари.

11.2. Муомала харажатларининг сарфланишига умумий баҳо.

11.3. Муомала харажатларини моддалар буйича тахлил килиш.

Адабиётлар: 3, 4, 7, 9, 13, 20, 24, 25.

Таянч иборалар: муомала харажатлари, чегаравийлик узгарishi, муомала харажатларини уртача даражаси тахлили, давр харажатлари таркиби тахлили, маъмурий харажатлар таркиби, тахсимланмаган харажатлар тахлили.

11.1. Муомала харажатлари-бу товарларни етказиб бериш натижасида келиб чиқадиган активларнинг камайishi ёки бошқача сарфланиши ёхуд мажбуриятлар келиб чиқишидир. Умуман, харажатлар деганда даромад олиш мақсадида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар курсатишга килинган сарфлар, ёхуд иктисодий ресурсларнинг камайishi тушунилади.

Харажатларнинг куйидагича таснифлаш мумкин.

1.Бевосита харажатлар-даромадга мос келадиган холда сотилган товарлар таннархи.

2.Давр харажатлари-сотиш билан боғлиқ булган ва умумий харажатлар. Бу харажатлар уларнинг юзаси чиқиш даври буйича тан олинади.

3.Тахсимланмаган харажатлар-бу амортизация ёки сугурталаш буйича харажатлар. Бу харажатлар тизимий шаклдаги активлар булиб, фойда келтириши мумкин булган ва кутилаётган даврлар буйича тахсимланади.

Махсулотларни сотиш билан бевосита боғлиқ булган харажатлар одатда куйидагиларни уз ичига олади;

-хисобот даврида реализация килинадиган товарлар, хом ашё захираларини сотиб олиш харажатлари (сотилган товарлар таннархи);

-сотиш буйича комисион туловлар, иш хаки, ижара, юкни ташиш харажатлари каби сотиш билан боғлиқ харажатлари;

-сотилган махсулотнинг кафолат мажбуриятлари буйича харажатлар.

Махсулот ёки хизматлар сотилиши билан бевосита боғлиқ булмаган харажатлар давр харажатлари каби тахсимланган харажатларни уз ичига олади. Масалан, реклама буйича маълум харажатлар турлари, умумий маъмурий ва бошқарув харажатлари. Умумий Низом буйича корхона давр харажатлари-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ булмаган, яъни, бошқарув, сотиш ва умумхужалик харажатларин уз ичига олади. Сотиш билан боғлиқ харажатлар ичида савдо ва умум овкатланиш корхоналарида муомала харажатлари асосий уринни эгаллайди. Уларга Низом буйича-мехнатга ҳақ тулаш; социал сугурта; биноларни ижарага олиш ва таъмирлаш харажатлари; асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация харажатлари; кийим-бош, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва

идиш-товокларнинг эскириши; ёнилги; молларни саклаш, қайта ишлаш ва навларга ажратиш; савдо рекламаси; товар йукотишлари; тара; сугурта; тиббий хизматлар; инкассация туловлари ва бошка харажатлар киради. Демак, мазмун жихатдан караганда муомала харажатлари-бу товарларни сотиш билан боғлиқ, тугридан-тугри буладиган харажатлардир.

11.2. Муомала харажатларининг сарфланишига умумий баҳо бериш асосан мутлақ суммада урганилади. Шунингдек, нисбий даражаси ва узгаришларига ҳам катта аҳамият берилади. Бу таркиб харажатларининг товар айланишига булган нисбий даражаси орқали аниқланади. Таклилининг бу борадаги асосий вазифаси-муомала харажатларини фақат фзгаришни эмас, балки бу узгаришларга таъсир этувчи сабабларга ҳам баҳо беришга қаратилган.

Муомала харажатларининг ҳақиқий ҳажми ва унинг режадан ёки утган йилларга нисбатан фаркланиши, аввало, товар айланиши уажмининг узгариши билан боғлиқ булади. Яъни товар айланиши ҳажми ошса муомала харажатлари ҳам ошади, камайса улар ҳам камаяди. Бу ерда харажатларни узгарувчан ва доимий турлари ажратилишига эътибор қаратилмоғи лозим.

Бунда узгарувчан ва доимий харажатларнинг тугри тибланиши ва уларнинг товар айланиши ҳажмининг узгаришига мувофиқ узгаришларини белгилашга аҳамият берилади. Таҳлилда бу чегаравийлик узгариши ва бунга таъсир этуви бирликларни урганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Муомала харажатларигатовар айланиши ҳажмини узгариштаъсирини ҳисоблаш учун унинг узгариш ҳажмини муомала харажатларининг режадаги даражасига қупайтириб, 100 га булинади. Муоамла харажатларини умумий ҳажмини узгаришига таъсир этувчи иккинчи омил булиб, уларнинг уртача даражасини узгариши ҳисобланади. Бу таъсирни ҳисоблаш учун муомала харажатларини уртача даражасининг узгаришини товар айланишининг ҳақиқий ҳажмига қупайтириб, 100 га булинади.

Муомала харажатлари режасининг бажарилиши ва узгаришини қуйидаги мисолда қуйидаги мисолда қурамыз (11.1-жадвал):

11.1-жадвал

Муомала харажатлари ва уларнинг узгаришининг таҳлили

Курсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи	Бажарилиши %
Товар айланиши, минг сум	326700	320150	-6550	98,0
Муомала харажатлари.	86575,5	87080,8	505,3	100,6

Минг сум				
Муомала харажатларини уртача даражаси,(%)	26,5	27,2	0,7	102,6

Таъсир этувчи омилларнинг хисоби:

1.Товар айланиши узгаришининг таъсири к $-6550*26,5/100к-1735.75$ минг сум.

2. Муомала харажатлари уртача даражасининг узгариши таъсирик $0,7*320150/100к2241,05$ минг сум.

Икки омилнинг таъсир йигиндиси к $(-1735.75)+ 2241,05к505,3$ минг сумга муомала харажатлари усган. Бу усиш товар айланиши режасининг 98%га, яъни 6550 минг сумга бажарилмаганлиги муомала харажатларининг 1735,75 минг сумга камайтиради. Аммо муомала харажатларининг уртача даражасининг 0.7% га усиши, 2241.05 минг сумга купайишига олиб келган.

11.3. Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ булмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, махсулотни сотиш харажатлари ва умумхужалик ахамиятига эга булган бошка харажатлар.

+уйида 2-банд буйича санаб утилган барча харажатлар харажатларнинг комплекс моддалари хисобланади ва уларни хисобга олиш мазкур (1999 йил 5 февралдаги) Низомнинг 1.5-банди мукаддимасида курсатилганидек харажатлар элементлари буйича ташкил этилади.

«Давр харажатлари»га қуйидаги моддалар киради:

2.1.1. Товарларни темир йул, хаво, автомобиль, денгиз, дарё транспортида ва от-уловда ташиш харажатлари. Ушбу моддага ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб колганлиги учун туланган жарималар киритилади.

2.1.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишлари харажатлари, шу жумладан:

2.1.2.1. Низомнинг 1.2-бандида санаб утилган, махсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари, маъмурий бошқарув ходимларидан ташқари.

2.1.2.2. Низомнинг 1.3-бандига мувофиқ 2.1.2.1-бандга тегишли булган ижтимоий сугуртага харажатлар.

2.1.2.3. Савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, саклаш ва тузатиш харажатлари.

2.1.2.4. Низомнинг 1.4-бандига мувофиқ асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.

2.1.2.5. Санитария кийим-боши, ошхона дастурхон ва сочиклари, арзонбахо, тез эскирадиган буюмлар, ошхона идиш-товоги ва анжомлари эскириши.

2.1.2.6. Газ, ёкилги, электр энергияси харажатлари.

2.1.2.7. Товарларни саклаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари.

2.1.2.8. Савдо рекламаси харажатлари.

2.1.2.9. Ташиш, саклаш ва сотиш чогида товарларнинг норма доирасида ва ундан ортикча йукотилиши.

2.1.2.10. Ураш-жойлаш материаллари харажатлари.

2.1.2.11. Мол-мулкни мажбурий сугурта килиш харажатлари.

2.1.2.12. Мехнатни муҳофаза килиш ва техника хавфсизлиги харажатлари.

2.1.2.13. Вентиляторлар, машиналар ва уларнинг харакатланувчи қисмларини урнатиш ва саклаш, туйнуклар, уйиклар ва бошқаларнинг атрофини ураш буйича жорий (нормукамал тусдаги) харажатлар.

2.1.2.14. Махсус кийим-бош ва махсус пойабзалнинг эскириши.

2.1.2.15. Махсус кийим-бош ва махсус пойабзал ва якка тартибдаги химоянинг бошка воситалари ювилганлиги, тузатилганлиги ва дезинфекция килинганлиги учун кир ювувчилар, тузатувчилар ва бошка юридик шахсларга ҳақ тулаш.

2.1.2.16. Махсус кийим-бош ва пойабзални ювиш ва тузатишга сарфланган материаллар қиймати.

2.1.2.17. Умумий овқатланиш ва савдо ходимлари тиббий куриқдан утказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳақ тулаш.

2.1.2.18. Касса хужалигини ва тушум инкассациясини юритиш чикимлари.

2.1.2.19. Умумий овқатланиш корхоналарида коғоз салфеткалар, коғоз дастурхонлар, коғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати.

2.1.3. Сотиш бозорларини урганиш буйича белгиланган нормативлар доирасида ва ундан ортикча харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар).

Маъмурий харажатларга қуйидагилар қиради:

2.2.1.1.2-бандда санаб утилган бошқарув ходимларига тегишли булган меҳнат ҳақ тулаш харажатлари.

2.2.2.1.3.-бандда санаб утилган бошқарув ходимларига тегишли булган ижтимоий сугуртага ажратмалар.

2.2.3. Хизмат енгил транспортига ва хизмат микроавтобусини саклаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.

2.2.4. Хужалик юритувчи субъект ва унинг таркибий булинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари.

2.2.5. Бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини сақлаш ва уларга хизмат курсатиш харажатлари.

2.2.6. Ижара, хизматлар курсатилганлиги учун алоқа узелларга ҳақ тулаш (АТС, уяли, йулдош, пейжинг алоқа).

2.2.7. Шаҳарлараро ва халқаро телефон сузлашувлари учун белгиланган нормативлар доирасида ва улардан ортиқча ҳақ тулаш.

2.2.8. Маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тулаш.

2.2.9. Маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек эскириш (амортизация) харажатлари.

2.2.10. Юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар.

2.2.11. Ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий сугурта қилиш.

2.2.12. Бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича белгиланган нормалар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар.

2.2.13. Белгиланган нормалар доирасида ва ундан ортиқча микдордаги вакиллик харажатлари.

2.2.14. Умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни текин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тулаш харажатлари.

2.2.15. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, шу жумладан, йул қуйиладиган нормалар доирасида ва улардан ортиқча ифлослантирувчи моддаларнинг атроф-муҳитга чиқарилганлиги (ташланганлиги) учун туловлар.

Уз-узини назорат қилиш саволлари:

1. *Муомала харажатлари деганда нимани тушунасиз?*
2. *Таксимланмаган харажатлар таркиби нималардан иборат?*
3. *Муомала харажатларини пасайтиришида тахлилнинг вазифалари нималардан иборат?*
4. *Муомала харажатларининг сарфланишига умумий баҳо беришида тахлилнинг вазифаси нималардан иборат?*
5. *Махсулотларни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар нималардан иборат?*
6. *Давр харажатлари деганда нимани тушунасиз?*
7. *Муомила харажатларини моддалар бўйича тахлил қилиш қандай амалга оширилади?*

12-Мавзу: Корхонанинг ташки иктисодий фаолияти тахлили

2 соат

12.1. Корхона ташки иктисодий фаолияти тахлилининг ахамияти.

12.2. Экспорт операциялари тахлили.

12.3 Импорт операциялари тахлили.

12.4. Экспорт-импорт операциялари даромадлари ва харажатлари тахлили.

Адабиётлар: 4, 5, 13, 15, 25.

Таянч иборалар: *Ташки иктисодий фаолият, экспорт операциялари, импорт операциялари, ташки савдо айланма динамикаси, самарадорлик курсаткичлари, валюта захирасини шаклланиши, фойда ва рентабеллик тахлили.*

12.1. Ташки иктисодий фаолият билан шугулланиш ва жахон бозорининг актив иштирокчиси ҳамда субъекти сифатида катнашиш ҳар бир хужалик юритувчи субъектнинг бош максадидир. Бу бевосита корхона, фирма махсулотининг жахон бозорига чиқиши ва уни банд этиши, уз харидорини топишида корхона истикболини белгилаш, фаолият натижавийлигини устиришнинг муҳим омили сифатида қаралади.

2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилда иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз И.А.Каримовнинг маърузасида таъкидланганидек, алмаштириш курсларини бир хиллаштириш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш борасида олиб борилган изчил чора-тадбирлар жорий операциялар буйича миллий валюта конвертациясини таъминлаш ва халқаро валюта жамгармаси битимининг 8-моддасига қушилиш имконини берди. Натижада ташки иктисодий фаолият ҳам бирмунча фаоллашди. Жумладан, йил якунига қура, ташки савдо айланмаси ҳажми 17,3 фоиз, экспорт ҳажми 24,6 фоиз ушиб, ташки савдо айланмасида 760 млн. А+Ш долларидан ортиқ миқдорда ижобий салдога эришилди.

Шунга мос ҳолда, 2004 йил устивор вазифалари сифатида корхоналарнинг ташки иктисодий фаолиятини янада кенгайтириш тадбирлари кун тартибининг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бунда тахлил ишларини амалга ошириш талаб килинадигани, бу хол корхоналарнинг ташки иктисодий фаолиятига ҳолисона баҳо бериш, жаҳон бозорига маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаб чиқарилган рақобатбардош товарлар ва хизматлар экспорт қилишнинг имкониятларини аниқлаш, бу соҳадаги фойдаланилмаётган ички имкониятларни ахтариб топиш имконини беради.

12.2. Экспорт операциялари тахлилида корхонанинг ташки иктисодий фаолияти ва уни самарадорлик курсаткичларига иктисодий тахҳис қўйилади. Бу бевосита ташки савдо обороти ҳажмини устириш ва фойдалилигини таъминлашнинг мавжуд ички имкониятларини урганишни ҳам уз ичига олади. Экспорт операциялари таркибини урганишда ялпи экспорт ҳажмида алоҳида олинган товарлар ёки товарлар гуруҳининг мутлак нисбий узгаришларига (режага ва утган йилларга нисбатан) баҳо берилади. Шунингдек, ташки савдо фаолияти буйича сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар турига оид тақсимот каторлари, ташки савдонинг мамалакатлараро сотиш ҳажми, ҳудудлар асосида тақсимоти (Мустақил давлатлар ҳамдустлиги, Яқин Шарқ, Оврупо мамлакатлари ва х.к.) баҳо берилади.

Ташки савдо обороти буйича режа-топширикларнинг бажарилишига аҳамият берилади. Шунингдек, ташки савдо обороти буйича динамик узгаришлар эътиборга олинади.

Ташки савдо обороти динамикаси деганда, унинг йиллар буйича узгариш даражалари тушунилади. Тахлилда шунингдек, экспорт ҳажми ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар тахлилига аҳамият берилади. Экспорт ҳажмининг узгаришига таъсир этувчи омиллар таркибига бевосита ҳисоб-китоб қилинадиган, сотилган товарлар, ишлар ва хизматлар баҳосининг узгариши ва физик ҳажмининг узгариши киритилади. (12.1-жадвал).

12.1.-жадвал

Ташки савдо айланма режасининг бажарилиши

Маҳсулот турлари	Режа		Ҳақиқатда		Ялпи маҳсулот		Режа бажарил иши, %
	Мик-дори, дона	Баҳо, сум	Мик-дори, дона	Баҳо, сум	Режа, минг сум	Ҳақ, минг сум	
А	100	5000	120	6000	50,0	72,0	144,0
Б	80	3000	100	3500	24,0	35,0	145,8
Жами	*	*	*	*	74,0	107,0	144,6

Корхонада экспорт ҳажми "А" маҳсулот тури бҲйича +44,0 фоизга, "Б" маҳсулот тури бҲйича +45,8 фоизга ошириб бажарилган. Таъсир этувчи омиллар тахлилинини ҳам юқоридаги жадвал маълумотлари

асосида баҳолаш мумкин. Корхонада ташки савдо обороти режага нисбатан "А" маҳсулот тури буйича 22 минг сумга, "Б" маҳсулот тури буйича 11 минг сумга ошиши кузатилган. Бу узгаришлар таъсирини куйидаги боғланишлар асосида аниқлаш мумкин.

"А" маҳсулот тури буйича ялпи савдо хажмининг узгаришига таъсир этувчи омиллар таъсири:

1. "А" маҳсулот миқдорининг узгариши ҳисоби
 $120 - 100 * 5000 \text{ к} + 10,0 \text{ минг схм.}$

2. "Б" маҳсулот баҳосининг узгариши ҳисобига
 $6000 - 5000 * 120 \text{ к} + 12,0 \text{ минг схм.}$

Бар икки омил йиғиндиси $к10,0+12,0к+22,0 \text{ минг схм.}$

"Б" маҳсулот тури буйича маҳсулот хажмининг узгаришига таъсир этувчи омиллар:

1. "Б" маҳсулот миқдорининг узгариши ҳисоби
 $100-80*3000к+6,0 \text{ минг схм.}$

1. "Б" маҳсулот баҳосининг узгариши ҳисобига
 $3500-300*100к5,0 \text{ минг схм.}$

Иккала омил йиғиндиси $к+6,0+5,0 \text{ к} 11,0 \text{ минг схм.}$

Юқоридаги боғланишларни жами маҳсулот хажми катори буйича ҳам ҳисоблаш мумкин.

12.3. Ташки иқтисодий фаолиятнинг яна бир муҳим томони импорт операцияларидир. Таҳлилда мамлакат ҳудудига турли давлатлардан олиб келинадиган, қийматга эга моллар ҳаракати урганилади. Унинг таркиби, тузилиши ва ҳолатига, динамик узгаришларига баҳо бериледи. Импорт операциялари таҳлили импорт хажмининг режа ва утган йилларга нисбатан узгаришларига ва таркибига, шунингдек, ҳудудлар ва мамлакатлар буйича хажмига баҳо беришдан бошланади.

Импорт хажми буйича режа бажаралиши ва динамикаси мутлак ва нисбий узгаришларда урганилади. Унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланади. Импорт билан экспорт хажми орасидаги нисбат таҳлилнинг муҳим катори ҳисобланади. Улар орасидаги нисбат баланси орқали мамлакат ялпи миллий маҳсулоти ва ялпи ички маҳсулотлари аниқланади. Яъни, ялпи миллий маҳсулот хажмини аниқлашда ташки савдо обороти буйича мутлак фарқланишлар қушилган ёки чегирилган ҳолда умумий курсаткич аниқланади. Ташки савдо оборотида мусбат фарқланишга эга бўлиш шартлари шу асосида бошқарилади ва белгиланади. Бу жиҳат узгаришлар кўпроқ макро таҳлилда ва мамлакат иқтисодининг истикбол режалари, дастурларини тузиб чиқишда фойдаланилади.

Тахлилда импорт хажми ва унинг узгаришига таъсир этувчи омилларга алохида ахамият берилади. 12.2.-жадвал маълумотлар асосида импорт хажми ва унинг узгаришига таъсир этувчи омилларнинг тахлилини куриб утиш мумкин.

12.2.-жадвал

Импорт хажми режасининг бажарилиши ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар тахлили

Махсулот турлари	Режа буйича		Хакикатда		Ялпи махсулот, минг сум		Бажарил иши, %
	Мик-дори, дона	Бахо, сум	Мик-дори, дона	Бахо, сум	Режа	Хак	
А	50	2000	62	3000	100	186	186,0
Б	40	1000	60	1500	40	90	225,0
Жами	90		122		140	276	197,1

Корхонада импорт хажми режага нисбатан кескин ошган. Жумладан, "А" махсулот тури буйича узиш 86 фоизни, "Б" махсулот тури буйича узиш эса 2,25 мартани ташкил этган. Корхона буйича жами узиш 97,1 фоизни ташкил этган.

Импорт хажми микдор омили узгариши хисобига куйидагича булган:

$$(62-50 \times 2000 + 60-40 \times 1000) \text{к} + 24,0 + 20,0 \text{к} 44,0 \text{ минг схм.}$$

Импорт хажми бахо омилининг таъсирида куйидагича булган:

$$(3000-2000 \times 62 + 1500-1000 \times 60) \text{к} + 62,0 + 30,0 \text{к} 92,0 \text{ минг схм.}$$

Хар икки омил таъсирида импорт хажмининг узиши куйидагича булган:

$$+44,0 + 92,0 \text{к} 136,0 \text{ минг схм}$$

12.4.Экспорт-импорт операциялари буйича самарадорлик курсаткичлари сифатида бу борадаги даромадлар ва харажатларнинг нисбий узгаришларига бахо берилади ва бу узгаришларга таъсир этувчи омиллар урганилади. Экспорт-импорт операцияларидан олинган фойда хажмини ошириш, биринчидан, корхона иктисодий ривожига таъсир этса, иккинчидан, мамлакат валюта захирасининг шаклланиши ва унинг ортишига имкон беради. Корхонанинг валюта тушумлари уларнинг ортиши, эркин иктисодий харакатда булиши хориж билан алокаларни ривожланишида мухим молиявий таянч хисобланади.

Экспорт операциялари тахлилида ташкарига мол чиқариш хажмидан олинган натижа ва унинг рентабеллигига мухим эътибор

берилади. Буни куйидаги боғланишлар асосида аниқлашимиз мумкин (12.3.-жадвал).

Курсаткичлар	Утган йил	Хисобот йили	Фарқи
Махсулот, иш ва хизматлар экспортидан олинган тушум, минг сум	100000	120000	+20000
Экспорт килинган махсулот, иш ва хизматлар таннархи, минг сум	85000	95000	+10000
Экспорт хажмидан олинган фойда, минг сум	15000	25000	+10000
Рентабеллик, фоиз	15,0	20,8	+5,8

Корхонада экспорт хажмидан олинган фойда утган йилга нисбатан 10000 минг сумга ортган. Бу узгариш бевосита экспорт хажмининг ёки олинган даромадлар суммасининг узгариши хисобига ҳамда экспорт килинган махсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш таннархининг узгариши эвазига руй берган. Буни куйидаги боғланишлар орқали аниқлашимиз мумкин: агарда экспорт операциясидан утган йилги махсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш таннархида жорий давр тушумларига ёки даромадларига эга бўлинганда қушимча қанча фойдага эга бўлиши мумкин эди? Буни куйидагича аниқлаш мумкин: яъни, махсулот, иш ва хизматлар жорий давр экспортидан олинган соф тушум суммасидан уларнинг утган давр буйича ишлаб чиқариш таннархи чегирилган ҳолда шартли фойда суммаси ҳисобланилади,

$120000 - 85000 = 35000$ минг с.х.м.

Демак, корхона бу ўлатда уқшимча 35000 с.х.м фойдага эга бўлган бўларди.

1. Экспорт хажмининг узгариши хисобига олинган фойда суммаси:

$35000 - 15000 = 20000$ минг с.х.м.

2. Экспорт килинган махсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш таннархининг узгариши хисобига узгариши:

$25000 - 35000 = -10000$ минг с.х.м.

Ҳар икки омил таъсирида экспорт хажмидан олинган фойда суммаси $20000 - 10000 = 10000$ минг сум ортган.

Корхонада махсулот экспорт буйича, рентабеллик 5,8 фоизга усга. Бу узгаришни юқоридаги боғланишда аниқлаш мумкин.

Шартли рентабеллик $\frac{25000}{100000} \times 100 = 25\%$.

1. Фойда суммасининг рентабелликка таъсири:

$25,0 - 15 = 10,0\%$

2. Соф тушум суммасининг рентабеллика таъсири:

20,8 - 25,0 к -4,2 %

Хар икки омил таъсирида экспорт хажмининг рентабеллиги 5,8 фоизга ортган.

Уз-узини назорат қилиш саволлари:

1. *Тахлилнинг ахамияти ва вазифалари нималардан иборат?*
2. *Ташки иктисодий фаолият тахлилини ташиқил қилиш тартиби қандай?*
3. *Ташки савдо обороти динамиқаси тахлили деганда нимани тушунақис?*
4. *Экспорт операциялари тахлили қандай утқазилади?*
5. *Импорт операциялари тахлили қандай утқазилади?*
6. *Экспорт-импорт операциялари даромадлари ва харажатлари қандай тахлил этилади?*
7. *Экспорт операцияларига таъсир этувчи омиллар тахлили қандай уюштирилади?*

13-Мавзу: Корхонанинг инвестицион фаолияти тахлили.

4 соат

- 13.1. *Бозор иктисодиёти шароитида инвестиция тушунқаси ва унинг ахамияти.*
- 13.2. *Молиявий инвестициялар тушунқаси ва унинг тахлили.*
- 13.3. *Реал инвестициялар ва унинг узига хос хусусиятлари.*
- 13.4. *Инвестицион лойиқаларнинг молиявий тахлили.*
- 13.5. *Инвестицион лойиқалар буйиқа харажатлар тахлили.*
- 13.6. *Инвестицион лойиқаларни бақолашдаги харажатлар тарқиби тахлили.*

Адабиётлар: 1, 4, 5, 11, 13, 15, 20.

Таянч иборалар: *инвестиция, тадбиркорлик, инвестицион фаолият, инвестицион лойиқалар, инвестицион қарорлар, реал активлар, номоддий активлар, молиявий инвестициялар,*

инвестицияларни молиялаштириши, инвестицион лойихаларнинг молиявий тахлили, лойихаларнинг ҳаётийлигини баҳолаш.

13.1. Инвестиция деганда тадбиркорлик максадида сармоядорлар томонидан куйиладиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал моддий бойликлар тушунилади. Одатда, инвестицион фаолият капитал куйилмаларнинг шакллантирилиши билан бир хилда деб каралади. Лекин уларнинг орасида катта фарк бор. Яъни, капитал куйилмаларни биз факат узок муддатли активлар, асосий воситаларга нисбатан ишлатамиз. Инвестицияни эса барча максадли куйилмаларга нисбатан олиш мумкин.

Инвестиция фаолиятини йулга куйишда, албатта, инвестицион тахлилнинг роли каттадир. Буни бевосита мавжуд инвестицион лойихани тузиш ва унинг самарадорлигини баҳолашда ҳам куриш мумкин. Инвестицион лойихаларни илмий ва иктисодий жихатдан асослашда ҳам тахлил муҳим рол уйнайди. Шунингдек, корхоналарнинг иктисодий фаоллиги ва унинг мустакиллиги, молиявий баркарорлик даражаларини урганиш инвестицион карорларни кабул этишда зарур хисобланади.

Инвестицион харакатда реал активлар тахлил этилиб, уларнинг узгаришларига баҳо берилган холда узгариш сабаблари урганилади. Бошкача килиб айтганда, реал инвестициялар капитал куйилмаларни урганишни ҳам характерлайди. Уларнинг таркибига курилиш-монтаж ишларининг киймати, асбоб-ускуналар учун харажатлар, жихозлар, буюмлар ва бошка капитал сарфлар каторлари киритилади.

Капитал куйилмаларни тахлил этиш бир вақтнинг узида уч масалани хал этишни уз ичига олади:

Ø **биринчиси**, бу-капитал куйилмаларнинг режага нисбатан узгаришларига баҳо бериш;

Ø **иккинчиси**, бу-режага нисбатан узгаришлар таъсир омилларини таркиблаш, хисоб-китоб килиш ва урганиш;

Ø **учинчидан**, капитал куйилмаларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уни устиришнинг ички имкониятларини белгилашдир.

Ø Тахлил этишда инвестицион фаолиятнинг кейинги катори сифатида молиявий инвестиция тахлилига ахамият берилади.

13.2. Молиявий инвестиция деганда акция, облигация ва бошка турдаги кимматли когозларга инвесторлар томонидан куйиладиган барча турдаги бойликларга тушунилади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва нодавлат секторининг кучайиши билан молиявий инвестиция бир кадар фаоллашмоқда. Бу эса уз навбатида молиявий ресурсларнинг буш туриб қолишлари ва пул фондларидан максадли фойдаланиш имконини беради. Эркин пул маблағлари ва молиявий

ресурсларга эга булган барча жисмоний хамд аюридик шахслар молиявий инвестицияга эга буладилар.

Молиявий инвестициялашдан асосий мақсад мавжуд молиявий ресурсларнинг буш туриб қолишларига йул куймаслик ва улардан самарали фойдаланишдан иборат. Тахлил этишда бу ресурсларнинг режага ва утган йилларга нисбатан узгаришларига хамда узгариш сабабларига баҳо берилади. Шунингдек, манбалардан фойдаланишнинг мақсадли ва имкониятли йуналишлари белгиланади. Тахлилда шу билан бирга хар бир сумлик молиявий инвестицияга тугри келадиган ялпи фойда ва соф фойда курсаткичлари урганилади.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг мухим манбалари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- Ø уз маблаглари хисобига молиялаштириш;
- Ø қарзга олинган маблаглар хисобига молиялаштириш;
- Ø жалб қилинган мақсадли тушумлар хисобига молиялаштириш;
- Ø давлат маблаглари хисобига молиялаштириш ва х.к.

Тахлилда, албатта, инвестицион фаолиятни манбалашдаги асосий улушни ташкил этувчи каторларга мухим эътибор қаратилади. Негаки, инвестицияларни молиялаштиришда уз маблагларига асосий улушнинг тугри келиши купрок ахамиятли саналади.

13.3. Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга реал инвестицияларнинг куйиш ресурслардан тижорат мақсадида фойдаланишнинг мухим омили булиб хисобланади. **Реал инвестиция** деб, асосий фондларга ва айланма маблагларга инвесторлар томонидан куйиладиган барча турдаги маблагларга айтилади. Хозирда Узбекистон Республикаси халқ хужалиги тармоқларини таркибий қайта қуриш учун янги техника ва технология хамда катта хажмдаги қурилиш ишларини амалга ошириш зарурлиги сабабли реал инвестицияларга булган эҳтиёж тобора ошиб бормокда. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланадиган инвестиция сармоялари тахлилининг мухим объектларидан бири капитал қуйилмалардир. Унинг таркибига қурилиш-монтаж ишларининг қиймати, асбоб-ускуналар харажати, инструмент ва инвентарларни сотиб олиш учун сарфлар, бошка йирик ишлар ва харажатлар (лойиха-қидирув ишлари, қурувчи ташкилотларнинг бошқарув харажатлари ва бошкалар) қиради. Капитал қуйилмаларни тахлил этиш, куйидаги уч мухим вазифани хал этиш имконини беради:

1. Режа топшириқларининг бақаралишини бақолаш.
2. Режа бақарилишига таъсир этадиган қорхона фаолиятига боғлиқ ва боғлиқ булмаган омилларни урганиш.
3. Капитал қуйилмалар самарадорлигига баҳо бериш ва унинг имкониятларини урганиш.

Имкониятлардан фойдаланишда капитал ишларнинг энг самарали йуналишини белгилаб олиш ва хар бир сумлик сармоёга тугри келадиган иш хажми курсаткичини энг юкори даражага кутариш, куйилган маблагларнинг копланиш муддатларини кискартириш, харажатлар сарфини назорат килишга алохида эътибор берилади.

13.4. Инвестицион лойихалар ва уларни иктисодий асослашда молиявий тахлил мухим рол уйнайди. Бунда, мавжуд лойихаларнинг бахоланиши ва самарадорлиги, хаётийлиги, окланувчанлиги ёки таваккаллилиги юзасидан инвестицион ечимлар белгиланади.

Инвестицион лойихалар молиявий тахлилининг максади ва унинг урганиш доирасини инвестицион фаолият тушунчасига берилган таърифдан хам куриш мумкин. **Инвестицион фаолият шундай фаолиятки,** бунда иктисодий ресурслардан келгусида фойда олиш максадида инвестицияларни узок муддатга банд этиш тушунилади. Инвестицион лойихаларнинг молиявий ёки иктисодий тахлилида худди шу фойда олиш максади, имкониятлари башорат килинади, илмий ечимларнинг тугрилиги ва хаётийлиги белгиланади. Тахлилда ЮНИДО усули буйича капитал сармоёлар самарадорлигини бахолаш мезонлари урганилади.

Инвестицион лойихалар молиявий тахлилининг асосий вазифаларига куйидагилар киритилади:

- Ø лойихаларнинг ишончлигини тахлил этиш;
- Ø лойихалаштирилган инвестицион дастурда даромад ва харажатларни тахлил этиш асосида имкониятлар ва уларнинг реализациясини бахолаш;
- Ø соф кирим ва чикимлар, лойихаларнинг иктисодий нафлиги, фойдалилиги, инвестицион фаолият самарадорлигини бахолаш;
- Ø инвестицион карорлар кабул килишда капитал сармоёлар кийматининг узгаришига таъсир этувчи омилларни урганиш ва х.к.

13.5. Инвестицион лойихаларни молиявий тахлил килишда харажатларни тугри бахолаш мухим урин тутайди. Бунда харажатларнинг барча моддалари буйича киймат узгаришлари ва унинг сабабларига бахо берилади.

Инвестицион лойихалар буйича харажатларни куйидаги уч таркиб буйича караб чикиш мумкин:

1. Инвестиция олди харажатлари.
2. Инвестицион харажатлар.
3. Эксплуатацион харажатлар.

Энг аввало, лойихани тайёрлаш ва йулга куйиш буйича харажатлар ва уларнинг бахоланиши белгиланади. Бунда юзага чикувчи харажатларни куйидагича таркиблаш мумкин:

- Ø кимматли когозлар эмиссияси буйича дастлабки харажатлар;
- Ø Изланишни йулга куйиш буйича харажатлар;
- Ø курилма ва ускуналарни янгилаш юзасидан харажатлар;
- Ø ишлаб чикаришни дастлабки синовни боскичи харажатлари;
- Ø ликвидацион харажатлар;
- Ø бошка харажатлар.

Иккинчи даврада юзага чикувчи харажатлар каторига куйидагиларни киритиш мумкин:

- Ø объектни танлаш, сотиб олиш ва тайёрлаш буйича харажатлар;
- Ø кучмас мулк буйича харажатлар;
- Ø машина ва ускуналар буйича харажатлар;
- Ø номоддий фаолларни сотиб олиш буйича харажатлар ва бошка инвестицион харажатлар.

Учинчи даврага -эксплуатацион харажатлар каторига инвестицион лойихаларни йулга куйиш ва жорий активларни сотиб олишда юзага чикувчи харажатлар киритилади.

13.6. Инвестицион лойихаларнинг хаётийлигини бахолаш, тахлил этишда харажатлар ва уларнинг узгаришига таъсир этувчи омилларга ахамият берилади. Инвестицион харажатлар ва уларнинг бахоланиши куйидаги харажат элементлари буйича урганилади:

- Ø завод харажатлари;
- Ø маъмурий ва устама харажатлар;
- Ø молиявий харажатлар;
- Ø амортизация буйича харажатлар.

Бахолаш уларнинг хар бир туркуми буйича олиб борилади ва бу билан лойихаларнинг хаётийлиги хамда окланувчанлиги белгиланади.

Инвестиция йуналтирилган маблагларни бахоланишнинг икки усулини кайд килиш мумкин. Булар-реал активларнинг кутилган киймати ва жорий кийматини аниклаш усуллари дидир. Инвестицион лойихаларни молиявий тахлил килишда бу масала асосий хисобланади.

Реал активларнинг кутилган киймати буйича бахоланишини куйидаги ифода оркали тавсифлаш мумкин:

$$\text{Бу к Уу (1 + К)n}$$

Бунда:

Бк-кутилган киймат ёки тижорат максатида куйилган кийматнинг булгуси киймати;

+к-тижорат максадида куйилган капиталнинг дастлабки киймати;
 К-инвестицион капиталнинг даромадлиги;
 n-инвестицион капиталнинг бандлик муддати.

Агар 1000000 сумлик сармоя капитали 5 йил муддатга, йиллик 20 фоизли даражада бандланса, унинг якуний кутилган киймати куйидагича булади:

$$\text{Бу к } 1000000 \times (1+0,20)_2 \text{ к } 1000000 \times (1,20)_2 \text{ к } 1000000 \times 1,44 \text{ к } 1440000 \text{ схм.}$$

Бу кийматни оддий хисоб-китобларда аниклашнинг усули "ЭКСЕЛ" ва "ЛОТУС" хисоблагичларига хам киритилган.

+уйилган инвестицион капиталдан кутилувчи кийматни аниклаш формуласини бироз бошқача бериш хам мумкин. Бу ифода кутилган кийматни эмас, балки "жорий кийматни" аниклаш формуласини беради.

$$\text{Бу к } У_{ух} (1 + K)^n \text{ к } >$$

$$У_{у} \text{ к } \frac{\text{Бу}}{(1 + K)^n} \text{ к } \frac{1}{(1 + K)^n} \times \text{Бу}$$

Мисол буйича

$$У_{у} \text{ к } \frac{1440000}{(1 + 0,20)_2} \text{ к } 1000000 \text{ схм.}$$

Уз-уздини назорат қилиш саволлари:

1. Инвестиция деганда нимани тушунасиз ва у кандай тахлил қилинади?
2. Молиявий ва реал инвестициялар деганда нимани тушунасиз?
3. Капитал куйилмалар ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланадиган инвестиция кандай тахлил қилинади?
4. Инвестицион фаолият деганда нимани тушунасиз?
5. Инвестицион лойиҳаларнинг молиявий тахлили кандай утказилади ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. Инвестицион лойиҳалар буйича харажатлар кандай баҳоланади?

7. Инвестицияга куйилган маблагларни бахолашнинг кандай усуллари бор?

Таянч иборалар

Талаб – бозорда пул билан таъминланган эҳтиёжнинг қуриниши.

Талаб қонуни– товар ва хизматлар нархи билан талаб уртасидаги тесқари боғлиқликни ифодалайди.

Ишлаб чиқариш омиллари – бевосита ишлаб чиқариш юз бериши учун талаб этиладиган меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, меҳнат ресурслари ва тадбиркорлик қобилиятидан иборат.

Таклиф қонуни– товар ва хизматлар нархи билан таклиф уртасидаги тугри боғлиқликни ифодалайди.

Тахлил – грекча «analysis» сүзидан олинган бўлиб, бу булақларга бўлиши ёки ажратиши, тахлил қилиши қаби маъноларни англатади.

Иқтисодий тахлил – ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари асосида ишлаб чиқариш қучларининг аҳолини ва хужсалиқни юритишидаги

иктисодий конунларни, фойдаланилмаётган имкониятларни кидириб топиш, иктисодий самарадорликни ошириш йулларини ургатади.

Хужалик фаолияти иктисодий тахлили – икки қисмга бўлинади: бошқарув тахлили ва молиявий тахлил.

Таккослаш усули – бир неча иктисодий курсаткичлар ҳисобот маълумотларига кура, ҳақиқат ёки режа курсаткичлари солиштирилади.

Занжирли боғланиш усули – иктисодий курсаткичлар натижасига таъсир этувчи бир неча омиллар таъсирини аниқлайди.

Ялли маҳсулот курсаткичи – йил давомида тармоқ ичида ишлаб чиқарилган провард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги қиймати бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмига баҳо бериш учун қулланилади;

Товар маҳсулот – бу сотиш учун тайёрлаб қуйилган маҳсулот.

Сотилаётган маҳсулот – харидорга ортиб жунатилган ва у томонидан корхонанинг тасдиқланган режасида қабул қилинган амалдаги улгуржи нархларида ҳақи туланган маҳсулот ҳажми демакдир.

Саноат ишлаб чиқариш асосий фондларига-корхона саноат-ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида фойдаланиладиган меҳнат воситалари киритилади.

Корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлигини - фонд билан таъминланганлик (бир ходимга тугри келадиган асосий воситалар қиймати) меҳнатнинг механизациялашганлик даражаси ифодайди.

Асосий фондлар фонд самарадорлиги - тахлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотни уларнинг уртача (йиллик уртача) қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади.

Фонд рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сумига тугри келадиган фойда улушини ифода этади.

Ишларни механизациялаштирганлик коэффиенти ишларни механизациялаштирилган усулда бажаришга сарфланган вақтнинг умумий вақт сарфларига нисбати орқали аниқланади.

Моддий ресурслар таркибига- ишлаб чиқариш захиралари, хом-ашё материаллари, эҳтиёт қисмлар, арзон баҳоли тез тузувчан буюмлар ва бошқалар қиради.

Моддий ресурслар тахлилида-моддий ресурслар ҳолати, таркиби, уларнинг сарфланиши ҳолатини урганиш ва ортикча сарф харажатларга йул қуймаслик ҳамда улардан оқилона фойдаланиш йуллари аниқланади.

Моддий бойликларнинг хакикий сарф микдорини -сметалар ёки назорат улчов материаллари билан солиштириб, назоратчилар учёт маълумотларининг хакикийлигини аниқлашлари лозим.

Мехнат -бу инсон томонидан ишлаб чиқариш воситалари билан мехнат предметларига таъсир қурсатиш жараёнида юз бераётган муносабатлардир.

Мехнат ресурслари деб - жисмонан ва аклан етук мехнат қилиш қобилиятига эга булган шахсларга ёки ходимларга айтилади.

Ишчи-ходимлар мехнатининг самарадорлиги -иш вақти бирлигида ишлаб чиқарилган махсулот микдорини тавсифлайди ва махсулот ишлаб чиқаришнинг (қиймати ёки натурал қуринишида) ишчи-ходимларнинг уртача руйхат сонига нисбати сифатида аниқланади.

Мехнатга ҳақ тулаш фонди – ишчи ходимларга муайян вақт (ой, чорак, йил) учун ҳақ тулашга мулжалланган ёки ҳисобланган пул маблағларининг умумий суммаси.

Мехнат хақининг уртача суммаси муайян давр учун мехнат хақи фонди суммасини ходимларнинг уртача руйхат сонига бўлиш билан аниқланади.

Ишга қабул қилиш буйича оборот коэффиценти ҳисобот даврида ишга қабул қилинган сонининг ишчи-ходимлар уртача руйхат микдorigа нисбати сифатида аниқланади

Мехнат унумдорлиги-маълум вақт мобайнида ишлаб чиқарилган махсулот микдори ёки махсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган вақти билан аниқланади.

Мехнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар-моддий техник ва технологик, ташкилий-иктисодий, ижтимоий-психологик гуруҳларга бўлинади.

Мехнат унумдорлиги билан иш хақи уртасидаги нисбат -бир хил индекслар ва таккослама баҳоларда амалга оширилади.

Иктисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири-бевосита қорхона ишлаб чиқариш фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлашнинг, фойда олишни қарор топтиришнинг дастаги сифатида қарашлидир.

Қорхона харажатлари деганда-тадбиркорлик фаолияти ва безнисни йулга қуйишидаги мақсадли харажатни бошқаришни юзага чиқувчи сарфларга айтилади.

Истеъмол фонди харажатлари деганда -қорхонада банд булган ходимлар ва улар номидан туланадиган харажатлар тушунилади. Бунга, мехнат хақи сифатида ҳисобланадиган ва туланадиган харажатлар, туловлар, рағбатлантиришлар қиритилади.

Харажатларнинг пулда ифодаланиши-махсулотнинг таннархини ташкил этади.

Махсулот таннархини таҳлил қилишда -хисобот давридаги махсулот таннархи режадаги махсулот таннархи билан ҳамда утган йилги махсулот таннархи билан таккосланади.

Махсулот таннархи-корхонанинг махсулот ишлаб чиқариши ва сотиши харажатларининг пулдаги ифодасидир.

Муомала харажатлари-бу товарларни етказиб бериши натижасида келиб чиқадиган активларнинг камайиши ёки бошқача сарфланиши ёхуд мажбуриятлар келиб чиқишидир.

Бевосита харажатлар-даромадга мос келадиган холда сотилган товарлар таннархи.

Давр харажатлари-сотиши билан боғлиқ булган ва умумий харажатлар. Бу харажатлар уларнинг юзаси чиқиши даври буйича тан олинади.

Таксимланмаган харажатлар-бу амортизация ёки сугурталаши буйича харажатлар.

Экспорт операциялари таҳлилида- корхонанинг ташкил иктисодий фаолияти ва уни самарадорлик курсаткичларига иктисодий таъхис қўйилади.

Импорт операциялари таҳлилида - мамлакат ҳудудига турли давлатлардан олиб келинадиган, қийматга эга моллар ҳаракати урганилади.

Импорт операциялари таҳлили- импорт ҳажмининг режа ва утган йилларга нисбатан узгаришларига ва таркибига, шунингдек, ҳудудлар ва мамлакатлар буйича ҳажмига баҳо беришдан бошланади.

Экспорт-импорт операциялари буйича самарадорлик курсаткичлари- бу борадаги даромадлар ва харажатларнинг нисбий узгаришларига баҳо бериши ва бу узгаришларга таъсир этувчи омилларни урганишдан иборат.

Инвестиция деганда- тадбиркорлик мақсадида сармоядорлар томонидан қўйладиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал моддий бойликлар тушунилади.

Молиявий инвестиция деганда -акция, облигация ва бошқа турдаги қимматли қозғаларга инвесторлар томонидан қўйладиган барча турдаги бойликларга тушунилади

Реал инвестиция деб- асосий фондларга ва айланма маблағларга инвесторлар томонидан қўйладиган барча турдаги маблағларга айтилади.

Инвестицион фаолият шундай фаолиятки-бунда иктисодий ресурслардан қелгусида қойда олиши мақсадида инвестицияларни узок муддатга банд этиши тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Каримов И.А. «Узбекистон: бозор иктисодиётига утишнинг узига хос йули». Т.: Узбекистон, 1993 й.
2. Каримов И.А. «Узбекистон: миллий истиклол, иктисодий сиёсат мафкура». Т.: Узбекистон, 1996 й.
3. Каримов И.А. «Узбекистон мустакил тараккиёт йулида». Т.: Узбекистон, 1995 й.
4. Каримов И.А. «Узбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида». Т.: Узбекистон, 1995 й.
5. Каримов И.А. "Эришган марраларимизни мустахкамлаб, ислохотлар йулидан изчил бориш-асосий вазифамиз". Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 7 феврал йигилишидаги маъруза. "Узбекистон овози". 2004 йил 10 феврал.
6. Узбекистон Республикаси корхоналар тугрисидаги қонуни. 1991 йил.
7. Узбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонуни. Тошкент, 1996 й.
8. Узбекистон Республикасининг солиқ кодекси. Тошкент, 1998 й.
9. «Махсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида»ги Низом. Уз. Р. ВМ қарори, 1999 й.
10. Халқ хужалигида ҳисоб-китоблар уз вақтида утқазилиши учун қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора тадбирлар тугрисида. Узбекистон Республикаси Президентининг фармони. 12 май 1995 й.
11. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти. Т.200 -200
12. Ақромов Э. "Анализ финансовый состояния предприятия". Т: 2000 г.
13. Абдуллаев Ё., Ибрагимов А. "Иктисодий таҳлил". (100 савол-жавоб). Т: 2001 й.
14. Абрютин М.С., Грачев А.В. «Анализ финансово-экономической деятельности предприятия». М., 2000 й.

15. Абдукаримов Т.И. «Молиявий хисоботни укиш ва тахлил килиш йуллари». Т. 1999 й.
16. Абдуллаев А. «Банк мижози фаолиятини иктисодий тахлили». 2000 й.
17. Баканов М.И., Шеремет А.Д. «Экономической анализ». М., «Финансу и статистика». 1999 й.
18. Баканов М.И., Шеремет А.Д. «Теория экономического анализа». М., «Финансу и статистика». 1996 й.
19. Бухгалтерский анализ. Перевод с англ. Киев. Торгово-издательское бюро, 1993 й.
20. Ергешев Е. «Иктисодий ва молиявий тахлил» Т. 2000 й.
21. Ергешбоев В.В., Волжен И.О. «Финансовый анализ». Тошкент, 1998 й.
22. Иброхимов А.Т. «Молиявий тахлил». Т. «Мехнат», 1995 й.
23. Исроилов Б. «Молиявий тахлил». Т., 1999 й.
24. Рахмонов К. «+ишлок хужалик корхоналари фаолиятини тахлил килиш». Т. 1996 й.
25. Пардаев +.М. "Иктисодий тахлил". 1,2-кисм. Т: 2001,2003 й.
26. Узбекистон иктисодий ахборотномаси, журнал, 2000-2003 й.
27. Бозор ва пул кредит журнали. 2000-2003 й.

МУНДАРИЖА

Суз боши

1-Мавзу. Бошқарув тахлили фанининг мақсади ва вазифалари.

1.1. Бошқарув тахлилнинг фанининг шаклланиш зарурияти.

1.2. Фаннинг мақсади ва вазифалари.

1.3. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

1.4. Фанни урганиш усуллари.

2-Мавзу. Махсулот (иш хизмат)ларга булган талаб ва таклифнинг тахлили.

2.1. Корхонанинг махсулоти ва маиший хизматларига булган бозор талабини урганиш йуллари.

2.2. Махсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизматлар курсатиш жараёнига таъсир этувчи омиллар тахлили.

2.3. Бозордаги талаб ва таклифга таъсир этувчи омиллар тахлили.

3-Мавзу. Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг тахлили.

3.1. Ишлаб чиқариш жараёни ва узлуксизлигига таъсир этувчи омиллар тахлили.

3.2. Тахлилнинг ахамияти, вазифалари, тахлил манбалари.

3.3. Корхона махсулот (иш,хизмат)ини сотиш тартиби тахлили.

3.4. Махсулотлар тури ва ассортименти буйича ишлаб чиқариш даражаси тахлили.

3.5. Махсулот сифати тахлилининг зарурлиги ва амалга ошириш тартиби.

4-Мавзу. Корхонанинг асосий фондлар билан таъминланиши ва ундан фойдаланиш тахлили.

4.1. Тахлилнинг мақсад ва вазифалари, тахлил манбалари.

4.2. Асосий фондлар таркиби, улардан фойдаланишнинг тахлили.

4.3. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда тахлилнинг ахамияти.

4.4. Асосий фондларнинг таркиби ва қайта техник жихозлашнинг таъсири тахлили.

4.5. Ускуналарни ишлатиш тахлили (экстенсив ва интенсив).

4.6. Фонд қиймати ва фонд хажми, уларнинг улчаниш ва узгариш даражалари тахлили.

5-Мавзу. Моддий ресурслар таъминоти ва улардан самарали фойдаланишнинг тахлили.

5.1. Моддий ресурсларнинг иктисодий таснифи.

5.2. Тахлилнинг ахамияти ва вазифалари.

5.3. Моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш тахлили.

- 5.4. Моддий ресурслардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар тахлили.
- 5.5. Ишлаб чиқаришда материаллар ҳажмини таннархга таъсири тахлили.
- 6-Мавзу. Мехнат кучлари билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланишнинг тахлили.
- 6.1. Мехнат кучлари тахлилининг аҳамияти ва вазифалари.
- 6.2. Мехнат курсатгичлари ва уларнинг тавсифи.
- 6.3. Мехнат кучлари таркиби ва улар билан таъминланиш тахлили.
- 6.4. Мехнат кучларидан самарали фойдаланиш ва унга таъсир этувчи омиллар тахлили.
- 7-Мавзу. Мехнат ҳақи фонди ва ундан фойдаланиш тахлили.
- 7.1. Мехнат ҳақи тахлилининг аҳамияти.
- 7.2. Мехнат ҳақи фонди, уни шаклланиши ва ундан фойдаланишнинг тахлили.
- 7.3. Мехнат ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар тахлили.
- 7.4. Мехнат ҳақи фондидан фойдаланишни назорат қилиш.
- 8-Мавзу. Мехнат унумдорлиги тахлили.
- 8.1. Тахлилнинг аҳамияти ва вазифалари.
- 8.2. Мехнат унумдорлиги курсатгичлари тахлили ва тахлил манбалари.
- 8.3. Мехнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар тахлили.
- 8.4. Мехнат унумдорлиги билан иш ҳақини ўсиши орасидаги нисбат тахлили.
- 9-Мавзу. Ишлаб чиқариш харажатлари тахлили.
- 9.1. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда иқтисодий тахлилнинг аҳамияти ва роли.
- 9.2. Корхона харажатлари таркиби тахлили.
- 9.3. Махсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва уларнинг тахлили.
- 9.4. Истеъмол фонди харажатлари ва ўзгариш тахлили.
- 10-Мавзу. Махсулот таннархи тахлилининг роли ва вазифалари.
- 10.1. Таннарх тахлилининг аҳамияти ва манбалар.
- 10.2. Таннарх ва унга таъсир этувчи омиллар тахлили.
- 10.3. Махсулот таннархини харажат моддалари бўйича тахлили.
- 11-Мавзу. Муомила харажатлари таркиби тахлили.
- 11.1. Муомила харажатларини пасайтиришда тахлилнинг вазифалари.
- 11.2. Муомила харажатларининг сарфланишига умумий баҳо.
- 11.3. Муомила харажатларини моддалар бўйича тахлил қилиш.
- 12-Мавзу. Корхонанинг иқтисодий фаолияти тахлили.
- 12.1. Корхона ташқи иқтисодий фаолияти тахлилининг аҳамияти.
- 12.2. Экспорт операциялари тахлили.
- 12.3. Импорт операциялари тахлили.
- 12.4. Экспорт-импорт операциялари даромадлари ва харажатлари тахлили.
- 13-Мавзу. Корхонанинг инвестицион фаолияти тахлили.

- 13.1. Бозор иктисодиёти шароитида инвестиция тушунчаси ва унинг ахамияти.
 - 13.2. Инвестиция турлари ва уларнинг тахлили.
 - 13.3. Инвестицион лойихаларнинг молиявий тахлили.
 - 13.4. Инвестицион лойихалар буйича харажатлар тахлили.
- Фойдаланилган адабиётлар руйхати

*Бошкарув тахлили фанидан маърузалар матни
(узбек тилида)*

*Маърузалар матни +арши мухандислик иктисодиёт институти
укув -услугий кенгашининг "___"_____ 2004 йилдаги №__-сонли
карори билан нашрга тавсия этилган.*

*Босмага берилди: "___"_____ 2004 й. Босишга рухсат этилди.
"___"_____ 2004 й. Буюртма № __. Хажми 5,8 босма табок. ___
нусхада.*

*+арши мухандислик иктисодиёт институти босмахонаси. +арши,
Мустакиллик шох кучаси-225.*